

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ



**ФАОЛ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИНING  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**мавзусидаги XVI республика илмий-амалий конференция**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**II ҚИСМ**

**(2019 йил 7 июн)**

**САМАРҚАНД-2019**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН  
РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ  
ИНСТИТУТИ**

**ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ**



**“ФАОЛ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ, ФАН ВА  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ  
МУАММОЛАРИ”**

*мавзусидаги XVI республика илмий-амалий конференцияси*

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**II ҚИСМ**

*(2019 йил, 7 июн)*

*Самарқанд-2019*

**“Фаол инвестицион муҳитни шакллантиришда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг долзарб муаммолари”** ёш олимлар, докторантлар, мустақил тадқиқотчилар, магистрант ва иқтидорли талабаларнинг XVI республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд: СамДАҚИ нашри, 2019 йил. 296 б.

Ушбу тўпلامга конференция мавзусидан келиб чиққан ҳолда республикамизда Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган шаҳарсозлик, архитектура, қурилиш, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, замонавий бунёдкорлик соҳасида олиб борилаётган илмий-амалий изланишлар натижалари, мулоҳазалар ва таклифлар киритилган.

Конференция материаллари Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Илмий-техник кенгашининг қарори асосида нашрга тавсия этилди (Баённома № 9, 24.05. 2019).

#### **ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

1. С.И. Ахмедов СамДАҚИ ректори, тахрир ҳайъати раиси;
2. Э.Х. Исаков Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, тахрир ҳайъати раис муовини;
3. А.Р. Рахимов Ўқув ишлари бўйича проректор, аъзо;
4. А.Х.Ражабов Молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор, аъзо;
5. У.А. Хушвақтов Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, аъзо;
6. Л.Т. Ибрагимов Институт “Ёш олимлар” Кенгаши раиси, аъзо;
7. Ф.А. Қосимова Иқтидорли талабаларни илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи, аъзо.

*Масъул муҳаррирлар: У.А.Хушвақтов, Л.Т.Ибрагимов  
Компьютерда саҳифаловчилар: Ф.А. Қосимова, А.Б. Бобоназаров*

*Ушбу тўпلام муаллифларнинг қўлёзмалари асосида ўзгартиришсиз тўлалигича нашрга тайёрланди ва чоп этилди.*

## С Ў З Б О Ш И

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ўсиш суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Бу айтилган пайтда илм-фанни ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инновация ва интеграцияга асосланган ривожланиш йўлига ўтиш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда.

Хусусан, бугунги илмий-анжумандан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора тadbирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 сентябрдаги 704-сонли “Олий таълим муассаларида илмий изланишлар олиб бораётган докторантлар ва иқтидорли талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш, ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларида тажриба-синов ишлари учун шароит яратишни такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғини амалга ошириш каби устувор вазифалар назарда тутилган.

Бундай эзгу ишларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида ўтказилаётган **“Фаол инвестицион муҳитни шакллантиришда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг долзарб муаммолари”** мавзусидаги мазкур конференция фан-таълим тизимини инновацион ривожлантириш орқали баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган саъйи-ҳаракатлардан бири ҳисобланади.

Бугунги конференциянинг асосий мақсади ҳам олий таълими муассасаларида иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш, ёшлар ўртасида ўзаро илмий-ижодий ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш, ўзаро фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашишлари учун шароит яратиб бериш, ёшларни фан-техника тараққиёти йўлида

бирлаштириш ҳамда ёш олимларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Ўйлайманки, анжуманда берилган таклиф ва тавсиялар республикамизда мазкур соҳаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур илмий-амалий конференция ишига муваффақиятлар тилаган ҳолда, Сизларга омад ва илмий изланишларингизга ривож тилайман, келажакда илм фан соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритишингизга, ўз билимларингизни Ўзбекистон тараққиёти йўлида сафарбар қилишингизга ишонаман.

*Султон Илясович Ахмедов*  
*СамДАҚИ ректори*

## **Иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташқил этиш самарадорлигини оширишга инновацион ёndoшув натижалари**

*СамДАҚИ Иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини  
ташқил этиш бўлими бошлиғи*

*Қосимова Фароғат Абдурахмоновна*

Маълумки, баркамол авлодни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларга уларнинг таълим олишлари, спорт билан шуғулланишлари, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароит яратиб, ижодий қобилиятларини ривожлантириш орқали мутахассислик ва касбий ижодий тайёргарлик даражасини оширишдан иборат.

Ҳозирда мамлакатимизда ёшлар ҳар томонлама ўз устида ишлаши, билим олиши учун барча имкониятлар яратилиб келинмоқда.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида истеъдодли ва иқтидорли талабалар билан ишлаш, жумладан, уларнинг кўрик-танловлар, кўргазмаларда иштирок этиши, танлаган йўналишлари бўйича амалиёт ўташлари борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келмоқда. Айнан ана шундай саъйи ҳаракатлар самараси ўлароқ бу ёшлардан ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган малакали, рақобатбардош, юксак билимли, мустақил фикрлайдиган, муҳандислик лойиҳа ва ишланмалар, инновацион қурилиш технологияларини яратишга қодир ва юксак маънавиятга эга бўлган юқори салоҳиятли мутахассислар етишиб чиқмоқда.

Институтнинг иқтидорли талаба-ёшлари томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар ушбу сўзимизга яққол далолат бўлиши мумкин. Шу йилнинг февраль ойида Япониянинг Йокогама шаҳрида ўтказилган «Бакалавр битирув малакавий лойиҳалар» номли халқаро танловда муваффақиятли иштирок этган 6 нафар талабамиз ҳар хил номинациялар бўйича 1-ўринни банд этган бўлса, 2 нафари 2-ўринга лойиқ кўрилди.

Шу йил талабалар республика фан олимпиадасида архитектура факултетининг 4-босқич талабаси Улуғбекова Зилола “Архитектура” мутахассислик фанидан 2-ўринни, муҳандислик коммуникациялари қурилиши факультетининг 4-босқич талабаси Ахмедова Мадина “Давлат кадастрлари” мутахассислик фанидан фахрли 2-ўринни эгаллашдилар.

Ўз навбатида, талабаларимиз институтда олган билимларни мустаҳкамлаш мақсадида республика ҳамда халқаро миқёсида ташқил этилган илмий-амалий анжуманлар, ўқув семинарларида ўзлари олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича тайёрланган мақола, тезис ва маърузалари билан иштирок этиб келаётганларини айтиб ўтиш жоиз. Шу тариқа 2018-19 ўқув йилининг ўзида иқтидорли талабаларимиз томонидан ҳар хил нашрларда 270 дан зиёд материаллар чоп этилиб келинмоқда.

2018-2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси давлат стипендиялари учун ўтказилган танловларда икки талабамиз – Мадина Аҳмедова ва Нафиса Самиева Беруний номли Давлат стипендияси, Одина Олимова – Ислон Каримов номли Давлат стипендиясига лойиқ деб топилдилар. Бундан ташқари, 14 нафар талабамиз институтнинг илк ректорлари – Р.Р.Абдурасулев ва академик Т.Ш.Ширинқулов номларига таъсис этилган стипендиялар билан тақдирландилар.

Шу йил 25 майда институтда ўтказилган «Янги аср истеъдодлари-2019» республика кўрик танловида институтимизнинг 30 нафардан ортиқ иқтидорли талабалари совринли ўринларни, хусусан, 5 нафари шохсупанинг биринчи, 13 нафари иккинчи, 15 нафари учинчи поғоналарини эгалладилар.

Шунингдек, Ўзбекистонлик истеъдодли ёшлар ўз салоҳиятлари ва қобилиятларини юзага чиқариш мақсадида ташкил этилган «Start Up» лойиҳасида иштирок этган институтимизнинг Архитектура факультети талабалари – Санжар Ҳамроев ва Азамат Ражаббоев икки йўналиш бўйича тенгсиз деб топилиб, СЕРТИФИКАТ билан тақдирландилар.

Институтда иқтидорли талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш мақсадида 38 та илмий тўғарак ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда уларга 560 нафардан ортиқ талаба ёшлар жалб қилинган.

Эътиборлиси, СамДАҚИ талабаларининг спорт бўйича ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашлари анъанага айланган. Мисол учун, Қурилиш факультетининг иқтидорли талабаси Муҳаммадхон Тошниёзовни олайлик. У қаратэ яккакураш тури бўйича ўтказилган миллий биринчилик ҳамда бир қатор халқаро мусобақалар – жаҳон, Евроосиё чемпионатларида иштирок этиб медаллар шодаси соҳиби бўлган. Қаратэ ва унинг йўналишлари бўйича ўтказилган маҳаллий ва халқаро турнирларда, шунингдек, Фаёзбек Эшмирзаев, Элёр Бозоров, Н.Омонов, А.Нарзуллаев совринли ўринларни қўлга киритган бўлсалар, қурилиш факультетининг 2-курс талабаси Анастасия Степанова синхрон сузиш бўйича ўтказилган Ўзбекистон очик кубогида қатнашиб 2-ўринни, архитектура факультетининг 2-курс талабаси Қаххорова Шахноза карате бўйича Марказий Осиё чемпионатида 3-ўринни эгаллашдилар.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоиз: юқорида санаб ўтилган ютуқлар нафақат институт ёшларининг, балки уларга таълим ва тарбия бериб келаётган, шогирдлари муваффақияти учун жон куйдириб, елиб-югураётган устозу мураббийлар хизмати самарасидир. Ишончимиз комилки, иқтидорли йигит-қизларимиз уларга қаратилаётган эътибор, тақдим этилаётган рағбат ва муқофотлардан илҳомланиб, қўшимча куч-қувват олиб навбатдаги марраларни эгаллаш пайида бўладилар. Мақоламиз қахрамонларининг издошлари улар қайд этган натижаларга ҳавас қилган ҳолда ундан ҳам юқори шохсупаларни забт этишга ҳаракат қиладилар.

# **Sintaksis nazariyasining tilshunoslik taraqqiyoti hozirgi bosqichidagi holati**

*Usmonov Asliddin Mannonovich*

*Qarshi davlat universiteti*

Ma'lumki, sintaksis grammatikaning bir qismi bo'lib, gapning aytilish maqsadiga, qurilishiga, shakliga va kommunikativ munosabatiga ko'ra tasniflab o'rganuvchi fandır. Sintaksis atamasi yunonchadan oligan bo'lib, u gapning ifodalanish usullarini, so'zlar o'rtasidagi sintaktik munosabatlarni hamda gapni bosh va ikkinchi darajali bo'laklarga ajratib, sintaktik tahlil qilishdan iborat masalalarni o'z ichiga qamrab oladi.

E.Ya.Moroxovskayaning fikricha, sintaktik nazariyalar asosan, 1) an'anaviy nazariya 2) strukturaviy sintaktik nazariya va 3) transformatsion sintaktik nazariyadan iborat.

Ingliz tili sintaksisi tarixiga e'tibor qaratilsa, sintaksisning asosiy ob'ektlari sifatida so'z birikmasi va gap qurilmalarini o'rganib kelgan. So'z birikmasi masalasi tilshunoslar o'rtasida ancha munozarali masalalardan biri bo'lib, uni sintaksisda o'rganish kerakmi, yoki u tilning alohida sathimi, yoki leksikalogiyaning ob'ektimi, degan masalalar hozirgacha davom etib kelmoqda.

Keyingi tadqiqotlardan ma'lum bo'lishicha, "So'z birikmalari lingvistik kategoriya sifatida lug'at qatlamidan o'rin oladi." Ushbu tadqiqot natijalaridan anglashiladiki, so'z birikmalari tilning leksik sathida kuzatilishi lozim.

Tilshunoslikda matn lingvistikasi paydo bo'lgach, sintaksisni ikki turga, ya'ni kichik sintaksis va katta sintaksisga ajratish maqsadga muvofiqdir. Demak, kichik sintaksis gap va uning turlarini, gap qurilmasida ishtirok etgan sintaktik birliklarning o'zaro sintaktik aloqalarini, sintaktik birliklarning funksional vazifalarini o'rganuvchi sintaksisdir. Katta sintaksis esa matn va uni tashkil etuvchi birliklarning pragmatik, kognitiv, lingvomadaniyat, deyktik, stilistik hodisalarini o'z ichiga qamrab oladi.

Kichik sintaksisning asosiy o'rganish ob'ekti gap bo'ladigan bo'lsa, ma'lumki, gap bir yoki bir necha so'zlardan tashkil topgan, tugal fikrni ifodalaydigan, uch belgi, ya'ni predikativlik, modallik va prosodikani o'zida mujassamlashtirgan hosiladir.

Har qanday gap predikativlik xususiyatiga ega bo'lishi majburiy shartlardan biridir. Aks holda u gap emas, balki so'zlar yig'indisidan iborat bo'lib qoladi. Predikativlik asosida an'anaviy grammatikalarda ta'riflanishicha, ega va kesimdan anglashilgan fikr tushuniladi. Lekin predikativlikni bunday ta'riflashda ham ayrim nuqson borligi ham seziladi. Chunki, predikativlik nafaqat ega va kesimdan anglashilgan fikrga aytiladi, balki, bir tarkibli gaplarda ham predikativlik mavjudligini aytib o'tish lozim. Ko'pgina tilshunoslarning fikricha, predikativlik deganda, asosan, kesim vazifasini bajaruvchi element tushuniladi. Lekin, predikativlik tushunchasi



asosan, gapning asosiy mazmuni, tugalligini anglatuvchi elementga nisbatan aytiladi.

Modallik deganda, so'zlovchining aytiladigan fikrga sub'ektiv munosabati va aytiladigan fikrning real voqelikka bo'lgan munosabati tushuniladi. Demak, har qanday tugal fikrni anglatuvchi bir yoki bir necha so'zdan iborat gaplarda modallik mavjuddir.

Prosodika ham gapning asosiy belgilaridan biri hisoblanib, har qanday tugal fikrni anglatuvchi so'z, so'z birikmasi yoki gap nutqqa ko'chganda ma'lum bir ohangda talaffuz etilishini tushunamiz. Ohang nutqning ajralmas tarkibiy qismidir, chunki ohang nutqda gap ma'nolarini bir biridan ajratib turuvchi vosita hisoblanadi. Demak, gap bu nutq materialidir.

Katta sintaksisning ish ob'ekti matn va uni tashkil etuvchi birliklar, matnning leksik-grammatik vositalari hamda semantik tuzilishi, kommunikativ maqsadiga ko'ra tasnifi kabi masalalar bilan shug'ullanadi.

Til birliklarining sintaktik tahliliga tilshunoslar turlicha yondashadilar. Bular quyidagilardan iborat:

- 1) Bosh va ikkinchi darajali bo'laklarga ajratib tahlil qilish;
- 2) Tema va remani aniqlash usuli bilan tahlil qilish;
- 3) Bevosita ishtirokchilarga ajratib tahlil qilish;
- 4) Komponent va sintaksemalarga ajratib tahlil qilish;
- 5) Derevatsiyalash imkoniyatlari asosida tahlil qilish;

Katta sintaksisning asosiy ish ob'ekti matn tilshunosligi bo'lib, unda matnni kognitiv nuqtai nazardan tahlil qilish, matnni mazmun jihatdan konseptlarga ajratish kabi jarayonlar kuzatiladi.

Ma'lumki, hozirgi vaqtda matn tahliliga nisbatan pragmatik nuqtai nazardan yondashuv jadal rivojlanmoqda. Sintaksis gap turlari strukturasi haqidagi ta'limot bo'lsa, pragmatika lingvistik qurilmalarning tuzilishi, ularning grammatik xususiyatlari va munosabatlarini yorituvchi fan emas, balkigap belgisi va propozitsiyaning matndagi muvofiqligini so'zlovchi va tinglovchi tomonidan oqilona ta'minlanishini o'rganuvchi fandır. Demak, pragmatika ko'proq nutqiy faoliyat va uning bosqichlarini aniqlash bilan shug'ullanadi. Ular 3 bosqichdan iborat bo'lgan harakatlar: lokutiv, illokutiv, perlakutiv.

- 1) Lokutiv – nutqiy faoliyat ijrosi;
- 2) Illokutiv – so'zlovchi va suhbatdosh o'rtasidagi munosabatlarning ifodalanishi;
- 3) Perlakutiv – so'zlovchi nutqining tinglovchiga ta'siri.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Daniyeva M.J. Ingliz tilida otli so'z birikmalarining derivatsion-funksional va matn formalantirish xususiyatlari. Nom.diss.avtoref., Samarqand,2012.
2. Morokhovskaya E.J. English Grammar through Practice, Leningrad. 1973.
3. G'ulomov A., Asqarova M. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Sintaksis. Toshkent, 1987.

## Ўзбекистонда меъморий эпиграфик безакларнинг ривожланиши

*Ш.К.Асқарова ТАҚИ катта ўқитувчиси*

Ўзбекистонда ҳукмронлик қилган сулоларнинг ҳар бири ўз даврида меъморий қиёфасини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшган. Тарихий ёдгорликларнинг катта қисми сақланиб қолмаган ёки бутунлай қайта қурилган. Масалан, Бухоро меъморий обидалари (шу жумладан, улардаги ноёб битиклар)нинг дастлабки тадқиқотчилардан бири – Мусо Саиджонов 1929 йилдаёқ шундай ёзган эди: “Бухоро ёдгорликларидаги ёзувлар – ҳали ўқилмаган китоб, уларда турли даврларнинг кўпдан-кўп тарихий маълумотлари дарж этилган ва бундай ноёб қойдаларни бошқа, жумладан, қўлёзма манбалардан топиб бўлмайди”. Ўзбекистонда ўрта асрлар меъморий безакларида меъморий ёдгорликлар, нафақат санъат дурдоналари, айниқса, эпиграфика деб аталмиш хаттотликнинг ҳайратомуз намуналарида ёрқин намоён бўлган ўзлигимиз, илдизларимиз, ўтмишимиз, аждодларимиз маънавий тарихини англашнинг яна бир имконияти ҳисобланади.

Архитектурада “эпиграфика” (юнонча — битик)нинг қўлланилиши тегишли ҳудуд ёки миллатнинг диний эътиқоди ва қарашларидан келиб чиқиб амалга оширилган. Эпиграфика” (юнонча – ёзув) қаттиқ жисмлар тош, металл, сопол ва бошқалардаги ёзувлар (битиклар) бўлиб, бундай ёзувларини хаттот усталар бажарганлар.

Хаттотлик – араб ҳуснихат ёзуви, каллиграфия — ёзув (хат) санъати, китоб кўчириш ҳамда меъморий иншоотлар, бадий буюмларнинг китобаларини яратиш касби ҳисобланади. Ёзувнинг пайдо бўлиши натижасида юзага келган.

Бу хусусидаги маълумотлар Нух пайғамбарнинг ўғли Сом авлодларида Оромий, Набатий, Канъоний, Иброний ва Сарёний ёзувлари муомалада бўлгани тарихий манбаларда қайд этилган. Иброний хатида Таврот ва Сарёний ёзувида Инжил талимотлари битилган. Ипак йўли чорраҳаси Мовароуннахр ҳудудида ўша замонда (III-VII аср) оролиғида Суғдий, Урхун Енисей, Турк руний ва Бахтарий ёзувлари муомалада юритилган. Ислом оламида араб хаттотлигининг қуйидаги етти тури кенг қўлланилади: Куфий хати, Муҳаққак хати, Сулс хати, Насх хати, Райҳоний хати, Тавқеъ хати, Риқо хати.

Араб истилоси оқибатида Ўрта Осиёга кириб келган ислом дини (VII аср) деворий суратларда жонли мавжудотни тасвирлашни ман қилади. Меъморий безакларда ҳандасавий гириҳ ва ислимий нақшлар билан бирга Қуръон оятлари ва ҳадислар арабча сулс ва нахс ёзувларидаги мунаққаш нақшларга айлана борди. Моҳир кошинкорий наққошлар хаттотлик санъатининг нодир намуналарини меъморий обидалар деворларига кўчира бошлайдилар. Шундай қилиб, меъморий нақшинкорликда маҳобатли деворий ранг тасвир санъати ўрнига деворий

орнаментал ва ҳушхат (ёзувий) йўналиш вужудга келади. Хаттотлик санъати фақат китобат билан чегараланмаган. Аждодларимиз меъморчилик ва халқ амалий санътини барча турларидан фойдаланишган. Жумладан, иншоатларнинг ички (интеръер) ва ташқи (экстеръер) қисмлари хикматли сўзлар билан безатилган. Хар бир иншоот масжид, мадраса, хоноқоҳ, минора карвонсарой ва бошқалар ўзларини фаолият мазмунидан келиб чиққан холда мантиқан битиклар қўлланилган. Илму маърифат масканлари ташқи беагида илмга ва маънавиятга тарғиб этувчи, карвонсарой ва чойхоналарда меҳр-оқибатга чорловчи хикматли сўзлар ва ҳадислар, масжидларда ибодатга чорловчи “Қуръон”дан оят ҳадислар, мақбара ва зиёратгоҳларда дуо, зикр-тиловатлар битилган. Шулар қаторида хаттот, меъмор, қурилиш ҳақида ва бошқалар ҳақида маълумотлар берилган. Хаттотлар ёзувни ёдгорлик беагига айлантиришг интилган. Шунинг учун бу битикларни ўқиш бирмунча қийинчилик туғдиради. Араб ёзувининг фазилати шундаки, ундаги ҳарф ёки унинг унсурлари тик, тўғри чизик шакллардан иборат эканлигида. Бу ёзув ўта нафис бўлиб, ўз шаклини осон ўзгартирган. Ундаги нуқталар ва бошқа белгилар ҳам ёзувнинг нақш хусусиятини ўта жимжимадор даражага етказиш имкониятини берган.

“Мусулмон оламининг ёзув санъати тараққиётига Ўрта осиелик мусаввир, хаттот ва усталар алоҳида ҳисса қўшган. Ислом оламининг монументал ва майда нафис эпиграфикасида Мароқаш, Қохира, Қуртуба (Кордова) ва Арабистонга хос услублар қаторида Самарқанд, Бухоро, Ҳирот (Хуросон), Хоразм, Тошкент, Фарғона (кейинроқ Қўқон) услублари ҳам кенг шуҳрат топди” ( Ўзбекистон обидалардаги дурдона битиклар. “Ўзбекистон”, Тошкент, 2011й. 9-б.).

Араб ёзувидаги хат турларининг ҳар бири махсус ўринларда қўлланилган. Масалан, *куфий* хати нақшин безаклар солишда, *наسخ* хати китоб матнларини кўчиришда, *сулс* хати меъморий иншоотлар пештоқларига ёзувлар ва лавҳалар битишда, *тавқиъ* хати имзо қўйишда, *риқъаъ* хати мактублар ёзишда қўлланган. *Настаълиқ* хати эса, асосан, форсий ва туркий тилларда битилган бадий ва тарихий асарларни ёзишда кенг қўлланиб, ундан кўплаб китоблар битилган.

#### Адабиётлар:

1. Бабаджанов Б. Эпиграфические памятники мусульманских мазаров как исторический источник по истории суфизма / Из истории суфизма: источники и социальная практика. Т.: 1991 ; Babadjanov B., Muminov A., Nekrasova E. Le mausolee de Chashma-yi Ayyub a Bukhara et son prophete // Cahiers d 'Asie centrale, № 5-6, Boukhara-la-Noble. 1998.
2. Ўзбекистон обидалари битиклар. Бухоро. 1-қисм. Т.: “UZBEKISTAN TODAY”, 2016, 18-бет.
3. Ўролов А. Меъморий шаклларни уйғунлаштириш ва безаш. Дарслик. Самарқанд. СамДМҚИ, 2003, - 186-187-бетлар.

4. Саиджонов М. Бухоронинг тарихий обидалари. “Регистон” – Маориф ва ўқитувчи. 1929 йил. 1-2-сон. 3-бет.

## **Фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлашнинг айрим жиҳатлари**

*Қалбай БАБАНАЗАРОВ*

*Қорақалпоқ давлат университети*

**Аннотация:** Мақолада фуқароларнинг атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқини таъминлашнинг конституциявий, соҳавий ва бошқа қонунчилик асослари таҳлил қилинган. Мақола, шунингдек, фуқароларнинг ушбу ҳуқуқларини таъминлашнинг юридик мазмунига ҳам бағишланган.

**Резюме:** фуқаро, атроф табиий муҳит, ҳуқуқ, радиациявий таъсир, радиациявий хавфсизлик.

**Аннотация:** В статье анализируются институциональные, отраслевые и другие законодательные основы обеспечения права граждан на природную среду. В статье также рассматривается правовое содержание обеспечения этих прав граждан.

**Резюме:** гражданин, окружающая среда, право, радиация, радиационная безопасность.

**Abstract:** The article analyzes the institutional, sectoral and other legislative foundations for ensuring the right of citizens to the natural environment. The article also discusses the legal content of ensuring these rights of citizens.

**Summary:** citizen, environment, law, radiation, radiation safety.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида белгиланган инсоннинг яшаш ҳуқуқи ва бир қанча қонунларда ифода этилган инсоннинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқи бир-бирини чамбарчас боғлиқдир. Инсон саломатлигини сақлаш унинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиши билан боғлиқ бўлиб, уни радиациявий хавф-хатар таъсир этиши мумкин бўлган объект сифатида қараш ўринлидир. Агар қулай атроф табиий муҳит бўлмаса, инсоннинг яшаш ҳуқуқини амалга ошириш мураккаблашади. Инсоннинг яшаш ҳуқуқи хавfli радиациявий таъсир оқибатида поймол бўлмаслиги лозим.

Илмий адабиётларда тўғри таъкидланганидек, ҳар бир индивидда у туғилгандан бошлаб экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқи тан олиниши ва таъминланиши лозим. Экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқи инсоннинг табиий ҳуқуқлари сирасига киради ва у худди яшаш ҳуқуқидек бирор бир юридик муносабатларсиз амалга оширилади. Бу ҳуқуқ инсоннинг табиат неъматларига ва атроф табиий муҳитнинг қулай (соғлом) сифатига эга бўлиш ҳуқуқи, яъни экологик ҳуқуқлари тизимига кирмайди. У инсоннинг яшашга, соғлиққа, шаъни, виждон эркинлиги ва бошқа шу каби ҳуқуқлари қаторида туради, деб қаралиши лозим [1., С.15].

“Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасида радиациявий хавфсизликни таъминлаш йўллари белгиланган бўлиб, унга кўра радиациявий хавфсизликни таъминлаш дастурларини ишлаб чиқилади ва амалга оширилади, ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланилганда фуқаролар олган нурланишнинг индивидуал дозалари назорат қилинади ва ҳисобга олиш ягона давлат тизими амал қилади, радиациявий таъсир туфайли фуқаролар соғлиғига зарар етказилиши хавфи юқори бўлганлиги учун тўланадиган товон турлари ва миқдорлари белгилаб қўйилади, радиациявий авария натижасида фуқаролар соғлиғига ҳамда улар мол-мулкига етказилган зарар қопланади, тиббий-профилактик тадбирлар ўтказилади, радиациявий вазият ҳамда радиациявий хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида фуқаролар хабардор қилишади, фуқароларга радиациявий хавфсизлик чора-тадбирлари ўргатилади, радиациявий авариялар натижасида нурланишга дучор бўлган фуқароларга ёрдам кўрсатилади, радиоактив ифлосланиш зоналарида фуқароларнинг яшашига доир алоҳида режим жорий этилади, тегишли ҳудудда радиациявий авариялар оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Экологик характердаги ЧС манбалари сифатида потенциал радиациявий хавфли объектларга атом электрстанциялари (АЭС); радиокимёвий комбинатлар (РКК); ишлатилган ядровий ёнилғи омборлари; радиоактив чиқиндилар омборлари; ядровий материаллар ва радиоактив моддаларни сақлаш жойлари; ядровий қуролни, ядровий қурол-яроғлар, ядровий қурилмаларни, ядровий материаллар ва улар асосида тайёрланган бошқа ишланмаларни ишлаб чиқариш, жойлаштириш, эксплуатация қилиш ёки сақлаш объектлари; ядровий қурилмалар ва ядровий манбаларга, ядровий материаллар ва радиоактив ашёларга эга бўлган илмий-тадқиқот ташкилотлари киради.

Табиатга радиоактив таъсир ўтказувчи манбаларнинг асосини келтириб чиқарадиган оқибатларига кўра таснифлаганда, уларни потенциал радиоактив хавфли объектлардаги авария ва табиий офатлар ташкил этади. Амалиётда катта миқдордаги таснифлаш турлари мавжуд бўлиб, улар ўзларида мавжуд турли белгиларга кўра ажратилган. Наъмунавий ва кенг тарқалган радиациявий хавфли объект бўлиб, АЭСлар саналади, шунинг учун кўпчилик ҳалокатлар АЭСга нисбатан таснифланади.

Радиоактив ашёларни табиатга чиқариб ташлаш билан кузатиладиган АЭСдаги авариялар 4 категорияга ажратилади. Биринчи категорияга локал авария киритилган бўлиб, бунда ПДК меъёрларидан ошувчи, технологик системалар, иншоотлар ва қурилмалар доирасида чиқариб ташланган радиоактив маҳсулотлар ва ионлашувчи нурланишлар ўрин эгаллайди, бироқ АЭС ишлаб чиқариш ҳудудидан ташқарига чиқмайди.



Иккинчи категория маҳаллий деб номланиб, радиоактив ашёларнинг ишлаб чиқариш ҳудудидан ташқарига чиқиши билан характерланади, лекин радиоактив ифлосланиш чегараси АЭСнинг санитария-муҳофаза ҳудуди ичида бўлади; бунда кўрсатилган ҳудудда персоналнинг нурланиши, меъёрий ҳажмнинг ортиб кетиши инкор қилинмайди.

Учинчи, ўрта категорияга радиоактив ифлосланиш ҳудуди билан боғлиқ, санитария-муҳофаза ҳудуди ичига кирадиган, аммо яқин атрофдаги шаҳар ёки туман чегарасида жойлашадиган авариялар киради.

Тўртинчи категория – бу катта кўламдаги авария; радиоактив ифлосланиш ҳудуди чегараси 100 км бўлиб, бир қанча маъмурий туманларни, республика ва давлатларни ёки аҳолиси 1 млн дан ортиқ, бир нечта шаҳарларни қамраб олади.

Атом энергетикаси бўйича халқаро Агентлик (АТЭХА) томонидан ушбу ўта хавфли ҳудудда рўй берган авариянинг оқибатлар кўлами ва характерини ақс эттирувчи, етти балли шкала ишлаб чиқилган.

Инсонга радиоактив таъсир оқибатидан келиб чиқиб, кийимга, тери юзасига, ҳаво зарраларида мавжуд бўлган радионуклидлар ҳисобига олинадиган ташқи гамма-, бета- нурланишлар, ифлосланган озик-овқат ва сув, нафас йўллари орқали организмга тушадиган радионуклидлардан ички нурланиш ўта хавфли саналади.

Радиоактив нурланиш жиддий, айниқса генетик салбий оқибатларга олиб келади. Барча тирик организмлар атроф табиий муҳитдан радиоизотопларни ютадилар ва тўқималарига ўтади, бу эса яқуний натижада ички нурланишга олиб келади. Организм ичида изотопларнинг радиоактив парчаланиши унда кўшимча радиоактив изотопларнинг пайдо бўлишига ва бу кўшимча нурланишга олиб келади. Рентген ва гамма нурлар анчайин биологик активликка эга, алфа-ва бета-заррачалар ўта киришувчанлик хусусиятига эга эмас, уларнинг ҳалокатли таъсири фақатгина организмга у ёки бу радиоактив модданинг тушишидан пайдо бўлади.

Шу сабабдан, инсоннинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқининг ниҳоятда муҳим эканлигини инобатга олиб, экология қонунчилигида унинг кафолатлари белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасида, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида инсоннинг яшаш учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқлари ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси “юқори даражадаги ионлаштирувчи нурланиш мавжуд объектларни муҳофаза қилиш” мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида махсус манбада кўрсатилиши радиациявий хавфсизликни таъминлашда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Ушбу қонунларда инсоннинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи куйидаги кафолатлар орқали таъминланади: а) атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш; б) атроф табиий муҳитнинг ҳолати ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқи; в) инсон саломатлигига ҳамда мол-мулкига етказилган зарарни ундириб олиш; г) жамоат экология назоратини амалга ошириш ва ҳ.к. Ёхуд Ўзбекистон Республикаси “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида фуқароларнинг ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан нурланиш оқибатида уларнинг ҳаёти, соғлиғига етказилган зарар қопланиши; атроф муҳитнинг, фойдаланишдаги ва истеъмолдаги предметларнинг радиациявий ҳолати, радиациявий хавфсизликни таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек ўзлари олган нурланиш дозаси тўғрисида тўлиқ ва холис ахборот олиш; радиациявий хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Экология қонунчилигида ўрнатилган бу каби кафолатларнинг амалиётда ижросининг тўла таъминланиши атроф табиий муҳит ҳолати ва сифатини, юрилик ва жисмоний шахсларнинг табиат объектларига нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқини, инсоннинг соғлиғини сақлашга қаратилган қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини радиациявий хавф-хатар таъсиридан муҳофаза этишга хизмат қилишига ҳеч шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Жураев Ш.Ю. Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий масалалари: юрид. фан. номз. дисс. ...Автореферати. –Тошкент: 2012. 15-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 7-8-сон, 212-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 38-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 52-модда.

## **Communicative Teaching of the English Language**

*Nodira Atabaeva, Senior teacher*

*Tashkent Architecture and Civil Engineering Institute*

English is the world's most widely studied foreign language. Five hundred years ago, Latin was the most dominant language to be studied because it was the language of business, commerce and education in the western world. In the sixteenth century, however, French, Italian and English gain in importance as a result of political change in Europe and Latin gradually became displaced as a language of spoken and written

communication. Latin became a dead language. It was being started to read in the books as classic language. Children started to enter in the 'grammar school' in sixteenth and eighteenth centuries to learn grammar rules of Latin. To learn Latin language became a "mental gymnastic". In the eighteenth century, when modern languages began to enter in the curriculum of the European countries, these languages were taught by the same methods as Latin language was taught. Grammatical rules were memorized. Written practices were done. The passages were translated from the second language to the first language and vice versa. By the nineteenth century, this method was considered as a standard method of teaching language. The textbooks were divided into chapters. Each chapter contained a certain grammatical rule and rule was practices with a lot of written exercises.

Communicative Language Teaching (CLT) is a widely used approach in the field of English language teaching. Since the introduction of communicative language teaching in the late 1970s, there have been different definitions and interpretations of the communicative approach which are as follows:

Communicative Language Teaching is a teaching method for teaching a second language emphasizes on the importance of students' interactive ability to express their own ideas in the target language.

Communication ability is the essential goal in language learning. The communicative approach claims that learning a foreign language should not be focused on language structures (grammar and vocabulary), but also on the communicative functions that the language performs. Language learners should also learn the relations between the structures and the communicative functions in real situations and real time. Communicative language teaching began in Britain in the 1960s. It was used to replace the earlier structural method, called Situational Language Teaching (Bose, 2005). The goal of communicative language teaching is to teach real-life communication skills. Students learn with a situation that they may encounter in their real life. CLT is not like the audio-lingual method, which is based on repetition and drills. On the contrary, it uses the way to leave students in suspense as to the outcome of a class exercise, which will change according to the students' reactions and responses. The real-life situation change every day; therefore, the students' learning motivation comes from their desire to communicate in the ways and topics which they are interested in (Galloway, 2010). Therefore, many researchers have indicated that it is better to use CLT in ESL classrooms, rather than EFL classrooms in Asia (Gower, R. D. and Walters S., 1995). The aim of this approach is to enable the students to communicate in the target language like a native speaker of that language. CLT does not focus on accuracy but stresses on the semantic use of language. A student should know the different forms in meaning that can be used to perform a function and also that a single form can perform many functions. The objective of CLT is to enable the students to use the target language as a mean of expression that

can meet their communicative needs. Communicative language teaching includes activities based on social interaction, such as conversation, discussion sessions, dialogues and role plays etc. CLT focuses on the proficiency of the language rather than on the mastery of structures. It can be said that CLT does enables learners to interact but it is very difficult for a teacher to introduce such activities which allows genuine interaction (Brown,1997).

The basic objective of the communicative language teaching is the communication into the target language in authentic situation. To achieve this, the students need to know the linguistic forms, meanings and functions of language. The learning and teaching activities that are used in the communicative language teaching require the use of communication processes like: The goal of Communicative Language Teaching is the development and improvement of knowledge and skills that will help a speaker to make his/her communication successful. The main focus of CLT is effectiveness. When we consider how native speakers of English think about the use of language, then it becomes obvious to us that our main goal is effective communication and the transfer of our ideas not just formal grammatical correctness and accuracy.

In CLT, language is taught in the way as it is used in everyday life. Students are not supposed to memorize language. Grammatical accuracy is important but our main focus should be effective communication. The attitude of students towards learning a second language can be made positive by using CLT. If we focus so much on accuracy, the students would not dare to use the language in the class because they feel hesitant and afraid that they might make grammatical errors. In this way CLT encourages the students to use the both of their linguistic and communicative competences. The development of communicative language teaching was bolstered by new academic ideas. Before the growth of communicative language teaching, the primary method of language teaching was situational language teaching. This method was much more clinical in nature and relied less on direct communication.

#### References:

1. Bose, M.N (2005). A textbook of English language Teaching. New Century Book House.
2. Crystal, D. (1997). English as a Global Language. Cambridge University Press.
3. Gower, R. D. and Walters S. (1995). Teaching Practice Handbook. Macmillan,1995.

### **So'fi Olloyor ijodi orqali yoshlarga ma'naviy-ma'rifiy tarbiya berish masalalari**

*Ajiniyoz nomidagi NDPI, p.f.d professor-Aleuov.U, Magistratura bo'limi, "Pedagogika nazariyasi va tarixi yo'nalishi magistranti" Rajabova.L*

Vatanimiz mustaqilligi yildan- yilga an'ana va qadriyatlarmizni e'zozlash, ularni zamon talablari asosida boyitish va rivojlantirish,

o'zligimizni anglash, dunyo hamjamiyatida munosib o'rin egallashdek ezgu maqsadimizni amalga oshirishda ulkan imkoniyatlar yaratib kelinmoqda.

Bugungi kunda mamlakatimizda Prezidentimiz Sh. Mirziyoyev farmoni bilan 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi asosida barcha soha va tarmoqlarda ulkan o'zgarishlar amalga oshirilmoqda. Bu borada jamiyat hayotida ezgu qadriyat va an'analarni chuqur qaror toptirishga, xususan, xalqimiz, ayniqsa, yosh avlodning ma'naviy-intelektual salohiyatini, ongu tafakkuri va dunyoqarashini yuksaltirish, ularning qalbida ona Vatanimiz hamda xalqimizga muhabbat va saadoqat tuyg'usini kuchaytirish, barkamol shaxsni tarbiyalashda beqiyos ahamiyatga ega bo'lgan kitobxonlik madaniyatini oshirishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Qadimiy va betakror diyorumizdan yetishib chiqqan buyuk alloma, adib va mutafakkirlarimizning yuksak gumanistik g'oyalarga asoslangan boy ma'naviy merosi umumbashariy sivilizatsiya va madaniyat, dunyoviy va diniy ilm-fan taraqqiyotiga ulkan hissa bo'lib qo'shilgani dunyo jamoatchiligi tomonidan haqli ravishda e'tirof etiladi.

Buyuk mutafakkirlarimizning nodir merosi, ibratli hayoti va ijtimoiy faoliyatini har tomonlama chuqur o'rganish va targ'ib etish, yoshlarimizni o'zlikni anglash, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalash bugungi kunimizda muhim masala bo'lib hisoblanadi.

So'fi Olloyorning axloqiy-tarbiyaviy qarashlarini o'rganish, shoir asarlarini barkamol avlod tarbiyasidagi o'rnini belgilash muhim masalalardan biridir. Umuman olganda, So'fi Olloyor zullisanoyinlik an'anasining davomchisi sifatidagi faoliyati hamda diniy-ma'rifiy va axloqiy-ta'limiy asarlarini tadqiqi o'z ilmiy yechimini topishga mushtoqligini bildiradi.

So'fi Olloyor ijodi yoshlarni komillikka chorlaydi, shu bois mustaqilligimiz bergan imkoniyatlardan foydalanib, mutafakkir ijodidagi noyob qirralarni yoritish, uning asarlari bilan xalqimizning qalb ko'zini ochish, barkamol avlodni tarbiyalashda uning ijodidan bahra olishga yo'l ochildi.

So'fi Olloyor islom dini qonun-qoidalarini, tasavvuf ta'limoti mohiyatini, komil insonning axloq mezonlarini yorituvchi bir qancha asarlar muallifi. "Maslak ul-muttaqin", "Sabot ul-ujizin", "Maxzan ul-mute'in" kabi asarlar shular jumlasidandir.

So'fi Olloyorning eng mashhur asari "Sabot ul-ujizin" dir. Ushbu asar shoir yashagan zamondan boshlab, musulmon mamlakatlarida keng tarqalgan, maktab va madrasalarda o'qitilgan. O'quvchilar savodxonlikning ma'lim darajasidan keyin ushbu kitob mutoalasiga kirishishgan. XX asrning 1-choragigacha esa o'rta maktabning boshlang'ich sinf o'quvchilari "Sabot ul-ujizin" dan dars olishgan. Fikrimizning tasdig'i sifatida "Sho'ro" jurnalining 1917-yil 7-sonida bosilgan quyidagi xabarni keltiramiz: Usuli qadim ila o'qigan maktablarda ham o'quvchi bolalarning hech biri "Sabot ul-ujizin" o'qimay qolmagan, desam mubolag'a bo'lmaydi. Ul vaqtda devorga



osib qo'yilgan "pragramma" degan narsa bo'lmasa-da, "Sabot ul-ojizin"ni o'qimay o'tish mumkin emas edi.

Xullas, bugungi kungi shaxs ma'naviyatini shakllantirish, har tomonlama yetuk, barkamol avlodni tarbiyalash muhim va dolzarb masalaga aylangan jarayonda yuksak ma'naviy ozuqa manbai bo'lgan tasavvufga murojaat qilish, uning boy va rang-barang adabiy-ma'naviy merosidan bahramand bo'lish nihoyatda ijobiy samara kasb etadi. Shu borada mashhur mashoyix, iste'dodli adib So'fi Olloyorning "Sabot ul-ojizin" asari ham o'zining yetuk axloqiy-ta'limiy go'yalarining betakror badiiy ifodasi bilan ajralib turadi.

Ilohiyat olimi, mutafakkir shoir So'fi Olloyorning ulkan merosi hozirgi kunda ham katta ma'naviy-ma'rifiy ahamiyatga ega. Ilm-ijod ahllari uning yoshlarga bag'ishlangan ikki tildagi diniy-falsafiy asarlarini tadqiq qilish va keng kitobxon ommasiga yetkazishdek sharaflilik ishini davom ettirmoqdalar. Bizning bu kichik tmaqolamizda So'fi Olloyor ijodidagi ta'lim-tarbiyaviy fikrlariga nazar solish borasida mutafakkirning barkamol avlod tarbiyasidagi beqiyos o'rnini, uning dunyoqarashini belgilab beruvchi hikmatli so'zlariga biz e'tirob bilan qarashni va uni chuqur tahlil qilishni maslahat beramiz o'z ifodasini.

Mutafakkir So'fi Olloyorning boy ma'naviy-ma'rifiy asrlari mazmun mundarijasining mukammalligi yana bir bor mutakkirning buyukligi isbotidir.

Foydalanilgan adabiyotlar


- 1.Suyonqulov.I "Ko'zing ibrat bila och" Samarqand.2002. 22-bet
- 2.So'fi Olloyor "Sabot ul-ojizin" Toshkent. San'at jurnali 2007 98-bet
- 3Orzibekov.R "O'zbek adabiyoti tarixi" Toshkent O'zbekiston.2006.81-bet.

## **The role of using deductive and inductive ways in English grammar**

*Saidova Marjona Panji qizi, Qiomova Go'zal Ro'ziyevna  
Qarshi davlat universiteti*

There are two main ways that we tend to teach grammar: deductively and inductively. Both deductive and inductive teaching have their pros and cons and which approach we use when can depend on a number of factors, such as the nature of the language being taught and the preferences of the teacher and learners. It is, however, perhaps generally accepted that a combination of both approaches are best suited for the classroom. Some agreement exists that the most effective grammar teaching includes some deductive and inductive characteristics. [ Haight, Heron, & Cole 2007]. So what is deductive and inductive grammar teaching? In this, we will first take a look at the underlying principles of inductive and deductive reasoning and then look at how this applies to grammar teaching and learning. We will then briefly consider some of the pros and cons. Deductive reasoning is essentially

a top-down approach which moves from the more general to the more specific. In other words, we start with a general notion or theory, which we then narrow down to specific hypotheses, which are then tested. Inductive reasoning is more of a bottom-up approach, moving from the more specific to the more general, in which we make specific observations, detect patterns, formulate hypotheses and draw conclusions.



These two approaches have been applied to grammar teaching and learning. A deductive approach involves the learners being given a general rule, which is then applied to specific language examples and honed through practice exercises. An inductive approach involves the learners detecting, or noticing, patterns and working out a ‘rule’ for themselves before they practice the language. A deductive approach (rule-driven) starts with the presentation of a rule and is followed by examples in which the rule is applied. An inductive approach (rule-discovery) starts with some examples from which a rule is inferred [Thornbury, 1999]. Both approaches are commonplace in published materials. Some course books may adhere to one approach or the other as series style, whereas some may be more flexible and employ both approaches according to what the language being taught lends itself to. Most inductive learning presented in course books is guided or scaffold. In other words, exercises and questions guide the learner to work out the grammar rule. The following course book extracts illustrate the two different approaches. The subsequent practice exercises are similar.

First and foremost, it is perhaps the nature of the language being taught that determines if an inductive approach is possible. Inductive learning is an option for language with salient features and consistency and simplicity of use and form. The basic form of comparative adjectives, as shown above, is an example of this. Conversely, teaching the finer points of the use of articles (*a/an, the*) inductively, for example, would most probably be problematic. The metalinguistic tools that the learners will need to accomplish the task are also a factor.

However, the learner-centered nature of inductive teaching is often seen as advantageous as the learner is more active in the learning process rather than being a passive recipient. This increased engagement may help the learner to develop deeper understanding and help fix the language being learned. This could also promote the strategy of ‘noticing’ in the student and enhance learner autonomy and motivation.

On the other hand, inductive learning can be more time- and energy-consuming and more demanding of the teacher and the learner. It is also possible that during the process, the learner may arrive at an incorrect inference or produce an incorrect or incomplete rule. Also, an inductive approach may frustrate learners whose personal learning style and/or past

learning experience is more in line with being taught via a more teacher-centred and deductive approach.

“While it might be appropriate at times to articulate a rule and then proceed to instances, most of the evidence in communicative second language teaching points to the superiority of an inductive approach to rules and generalizations”

[Brown, 2007]. Nevertheless, while there are pros and cons to both approaches and while a combination of both inductive and deductive grammar teaching and learning is probably inevitable, an inductive approach does seem to be broadly accepted as being more efficient in the long run, at least for some learners.

Two very distinct and opposing instructional approaches can offer certain advantages, but the biggest difference is the role of the teacher. In a deductive classroom, the teacher conducts lessons by introducing and explaining concepts to students, and then expecting students to complete tasks to practice the concepts; this approach is very teacher-centred. Conversely, inductive instruction is a much more student-centred approach and makes use of a strategy known as ‘noticing’. Let’s take a closer look at the differences between inductive and deductive instruction, and find out how noticing can be used in the language classroom to better facilitate student learning.

Used literature:

1. Brown, H. D. (2000). Principles of language learning and teaching . White Plains, NY. Brumfit, C., Mitchell, R., & Hooper, J. (1996).
2. Carroll, S., & Swain, M. (1993). Explicit and implicit negative feedback. *Studies in second language acquisition*, 15(03), 357-386.
3. Haight, Herron & Cole Higgs (2017). Teaching grammar for proficiency. *Foreign Language Annals*, 18(4), 289-296.

## **Shahar va qishloq hududlarni ko’kalamzorlashtirish**

*Tilovov Suhrob, Jo’rayev. O. (JDPI)*

Bugungi kunda mamalakatimizga katta o’zgarishlar natijasida shahar va qishloqlarimiz chiroy ohib bormoqda. Ayniqcha bu yerlarda yashil maysazorlar va ko’kalamzorlashtirish ishlari alohida e’tiborga loyiqdir.

Yashil qurilish – uzoq vaqtni talab etadigan, yaratish texnologiyasi bo’yicha murakkab ijodiy jarayon bo’lib, bir qancha ishlab chiqarish masalalarini yechish va tadbiriq etish bilan bog’liqdir. Yashil qurilish amaliyoti: bog’ va hiyobonlarni yaratish; u yoki bu aholi yashash joylarini obodonlashtirish; har xil tuproq-iqlim sharoitiga mos bo’lgan o’simliklarni tanlash; arxitektura-qurilish inshootlari, suv havzalari, yo’llar, maydonchalar, skulpturalarga mos ravishda o’simliklarni joylashtirish va guruhlash; o’simliklarni ekib parvarish qilish ishlarini o’z ichiga oladi.

Shahar landshafti juda keng tushuncha bo’lib bu butun shahar muhiti yoki uning xohlagan bir qismi. Biroq, odatda shahar landshaftiga butun shahar

emas, balki faqat ochiq, qurilishlardan holi hudud bog' va bog'lar, xiyobonlar va ko'cha va yo'llar, daryo va ko'llar turar-joy qurilmalari hovlilari va jamoat binolari uchun sanoat muassasalarining ko'kalamzorlashtirilgan hududlar va boshqa hududlar kiradi. Bundan tashqari, shahar hayotining ajralmas qismini sifatida shahar atrofidagi hududlarni — qishloq-xo'jalik yerlari, o'rmon-parklar, dam olish hududlari, lagerlar va pansionatlar, shahar tashqarisidagi park va qo'riqxonalarni keltirish mumkin.

The results of the interpolation are presented in Fig.2. In the figure, the meteorological data is plotted as large dots (1), and the curves are the results of interpolation (2). The figure shows that the interpolation results are good (there is no need to calculate the interpolation parameters). The interpolation step is 1 minute. Note that in this case, instead of integration, you can use a simple summation of 0 or 1, taking into account the condition  $E_{bm}(t) > 120$  in the interpolation results.

Thus, using the proposed method, it is possible to determine the sunshine duration with good accuracy. At the same time, this improved method can be applied to the solar radiation data of 6 modern weather stations in Uzbekistan and to determine the sunshine duration in various characteristic regions and complete a geoinformative map of the SD.

#### References

1. Guide to Meteorological Instruments and Methods of Observation. WMO-No.8. 2008 edition. updated in 2010. 2012. © World Meteorological Organization.
2. Dorota Matuszko. A comparison of sunshine duration records from the Campbell-Stokes sunshine recorder and CSD3 sunshine duration sensor.

Theoretical and Applied Climatology. February 2015, Volume 119, Issue 3–4, pp 401–406. DOI: 10.1007/s00704-014-1125-z.

3. Francis Massen. Sunshine duration from pyranometer readings. ver.1.0. <http://meteo.lcd.lu/papers>. DOI: 10.13140/RG.2.1.2255.7042.

4. Zekai S, Angstrom equation parameter estimation by unrestricted method. Solar Energy 2001; 71:95–107.

5. B.E. Chub. Climate change and its impact on hydro meteorological processes, agroclimatic and water resources of the Republic of Uzbekistan. Uzgidromet. NIGMI. Tashkent, 2007.

6. Akbarov RY. On Determination of the Optimum Tilt of Solar Installations. Innovative Energy & Research. 2019. Vol. 8(1): 223. DOI: 10.4172/2576-1463.1000223.

7. Yvonne B.L. Hinssen. Comparison of different methods for the determination of sunshine duration. Scientific report; WR 2006-06. University of Utrecht. De Bilt.

8. George E. Forsythe, Michael A. Malcolm, and Cleve B. Moler. Computer Methods for Mathematical Computations. Prentice-Hall. 1977.

## **Алгоритм определения положения солнца в автоматизированной системе управления гелиостатов большой солнечной печи мощностью 1 мвт**

*Акбаров Р.Ю., Нурматов Ш.Р., Ёкубхонов.Н.*

*Институт Материаловедения НПО «Физика-Солнце» АН РУз.*

Эффективная работа солнечных установок (СУ) зависит от многих факторов. В этом плане одним из положительных факторов является наличие в составе установки системы слежения за Солнцем. Естественно, СУ с неизменной ориентацией, особенно солнечные панели, нашли широкое применение по причине простоты конструкции и привлекательной стоимости, но имея не максимальной возможной эффективности. Анализ литературных данных показывают, что применение системы слежения позволяет увеличить эффективность СУ до 30-60%. Поэтому задача обеспечения нужной пространственной ориентации СУ является актуальной задачей. При этом для солнечных панелей требования к точности автоматизированной системы управления (АСУ) не очень высокие. Например, как отмечается в [1], даже 10 градусное отклонение СУ от оптимального положения, (т.е. от положения, в которой улавливается максимальная энергия) обеспечивает 98.48% эффективности установки. Приведем аналогичные данные из этого источника и для других углов отклонения СУ: (0<sup>0</sup>, 100%); (0.1, 100); (1, 99.98); (2.5, 99.90); (5, 99.62); (10, 98.48); (20, 93.97).

Обычно высокотемпературные солнечные печи, которые нашли широкое применение в гелиоматериаловедении, должны иметь высокоточную систему слежения за Солнцем. Большая Солнечная Печь



мощностью 1000 кВт (БСП) института Материаловедения является одним из таких установок и уникальным инструментом в проведении научных исследований в различных областях физики, особенно в материаловедении. При этом полное внедрение модернизированной автоматизированной системы управления гелиостатами (АСУГ) на место старой системы открывает новые перспективы и возможности для создания требуемых высокотемпературных технологических режимов печи путем гибкого и точного управления движениями гелиостатов [2-3].

В системах слежения СУ за Солнцем координаты Солнца может быть определены либо расчетным путем, либо с помощью датчиков положения Солнца, в которых используются фотоприемники (фотодиоды, фототранзисторы).

Рассмотрим вопросы алгоритмизации расчета координаты Солнца. Для этого введем декартовую систему координат с направлениями осей: X-в зенит, Y-на запад, Z-на юг (см.рис.1). Принятые обозначения приведены на рисунке. В этой системе координаты единичного вектора Солнца  $\vec{S}$  определяются из следующих формул.

$$\left. \begin{aligned} S_x &= \cos \theta = \sin h_s = \cos \varphi \cos \delta \cos kt + \sin \varphi \sin \delta \\ S_y &= \cos h_s \sin A_s = \cos \delta \sin kt \\ S_z &= \cos h_s \cos A_s = \sin \varphi \cos \delta \cos kt - \cos \varphi \sin \delta \end{aligned} \right\}$$

где  $\delta$  - склонение Солнца,  $k=15$  град./час,  $\varphi$  -географическая широта местности ( $41^{\circ}32'$  – для объекта «Солнце» ),  $t$ - истинное солнечное время.

Отсюда, для высоты и азимута Солнце можно написать выражения

$$\begin{aligned} \sin h_s &= \cos \varphi \cos \delta \cos kt + \sin \varphi \sin \delta \\ \operatorname{tg} A_s &= \frac{\cos \delta \sin kt}{\sin \varphi \cos \delta \cos kt - \cos \varphi \sin \delta} \end{aligned}$$




Рис.1. Система координат и обозначения

И для единичного вектора нормали и угловых координат гелиостата имеем выражения



$$\bar{N}_g = \frac{\bar{S} + \bar{K}}{\sqrt{2(1 + \bar{S}\bar{K})}}, \quad \sin h_g = N_{gx}, \quad \operatorname{tg} A_g = N_{gy} / N_{gz}.$$

В частности, когда отраженные от гелиостата лучи параллельны к оптической оси концентратора, имеем следующие выражения

$$\operatorname{tg} A_g = \frac{\sin A_S \cos h_S}{1 + \cos A_S \cos h_S}, \quad \sin h_g = \frac{\sin h_S}{\sqrt{2(1 + \cos h_S \cos A_S)}}$$

Для определения склонения Солнце обычно используются эмпирические формулы или табличные данные с усредненными значениями склонения за несколько лет. В гелиотехнической практике наибольшее распространение получили формулы Купера, Спенсера и Перрина [4].

Формула Купера

$$\delta = 23,45 \sin \left[ 360 \frac{(284 + n)}{365} \right]$$

Формула Спенсера

$$\delta = 0.006918 - 0.399912 \cos(g) + 0.070257 \sin(g) - 0.006758 \cos(2g) + 0.000907 \sin(2g) - 0.002697 \cos(3g) + 0.001480 \sin(3g), \quad g = 2\pi(n-1)/365$$

Формула Перрина

$$\delta = \arcsin \left[ 0.4 \sin \left( \frac{2\pi}{365} (n-82) \right) \right]$$

где  $n$  – порядковый номер дня с начала года. (например, для 15 января  $n=15$ , 31 декабря  $n=365$ ). Связь между  $n$  и соответствующими номерами месяца ( $m=1 \div 12$ ) и дня ( $d=1 \div 31$ ) может быть определена из выражения

$$N = \left[ \frac{275m}{9} \right] - 2 \left[ \frac{m+9}{12} \right] + d - 30$$

Здесь квадратная скобка означает целую часть число. Для високосного года на втором члене вместо коэффициента 2 следует использовать 1.

На рис.2. представлены разности значений склонения Солнца, вычисленных по этим трем формулам и более точным табличным данным склонения Солнца [5]. Из графика видно, что формула Спенсера является более точной формулой, с относительной точностью  $0.1^0$  (6 минут). Таким образом, точность вычисления координат Солнца по вышеприведенным алгоритмам являются не очень высоким. Этот алгоритм нами используется в предварительных этапах внедрения АСУГ БСП. В будущем предусмотрено использование более точных алгоритмов вычисления координат Солнца.




Рис.2.Склонение Солнца по различным формулам

Таким образом, полученные результаты показывают, что в АСУГ БСП целесообразно использовать гибридную систему управления, предусматривающего использование высокоточного замкнутого солнечного трекера и высокоточного астрономического алгоритма вычисления позиции Солнца.

#### Литература

1. <http://www.lauritzen.biz/static/solutions/accuracy.pdf>.
2. И.Г.Атабаев, Ж.С.Ахатов, Э.Д.Мухамедиев, Ж.Зиёваддинов. Модернизация автоматической системы управления гелиополем большой солнечной печи. // Гелиотехника, 2016, №3, стр.36-43.
3. R.Yu. Akbarov, M.S.Paizullakhanov. Characteristic Features of the Energy Modes of a Large Solar Furnace with a Capacity of 1000 kW. Applied Solar Energy 54 (2), pp.99-109.
4. John A. Duffie (Deceased), William A. Beckman. Solar Engineering of Thermal Processes. Fourth Edition. John Wiley & Sons, Inc., Hoboken, New Jersey, 2013.
5. <http://www.reuk.co.uk/wordpress/solar/solar-declination>.

## **Ta'lim tizimida innovatsion axborot texnologiyalarining o'rni va ahamiyati**

*Alixonov Elmurod Jamoldinovich*  
*Farg'ona soliq kolleji*

Bugungi kunda innovatsion axborot texnologiyalari jamiyatimiz rivojlanishiga ta'sir etuvchi eng muhim omillardan biri hisoblanadi. Axborot texnologiyalari insoniyat taraqqiyotining turli bosqichlarida ham mavjud bo'lib, hozirgi zamon axborotlashgan jamiyatning o'ziga xos xususiyati shundaki, axborot texnologiyalari barcha mavjud texnologiyalar, xususan yangi texnologiyalar orasida yetakchi o'rin egallamoqda. Axborot kommunikatsiya texnologiyalari vositalaridan foydalanish darajasi ikki omil

bilan aniqlanadi: O'quv jarayoni uchun axborotli vositalar samara beradigan mavzular yuzasidan didaktik materiallarni ishlab chiqish. Pedagoglarning o'z amaliy faoliyatlarida texnik vositalar va didaktik materiallardan metodik jihatdan to'g'ri foydalana olish tayyorgarligini tekshirish. Axborotli ta'lim jarayoni oldindan pedagogik loyihalangandagina ko'zlangan maqsadga erishish mumkin. Pedagogik jarayonni kompyuterlashtirish asosiy yo'nalishlaridan biri va zamonaviy pedagogik texnologiyalarning shug'ullanishi lozim bo'lgan sohasidir. Axborot texnologiyalari ta'lim jarayonida muhim o'rin tutib, quyidagi vazifalarni hal etishga yordam beradi:

- har bir odamga xos noyob fazilatlardan iborat individual qobiliyatlarni o'qitilayotgan o'quvchi va talabalarda ochish, saqlash va rivojlantirish, ularda bilish qobiliyatlarini, o'zini o'zi kamolotga yetkazishga intilishni shakllantirish;

- voqea va hodisalarni kompleks o'rganishni, aniq, tabiiy-ilmii, texnikaviy, ijtimoiy, gumanitar fanlar va san'at orasidagi o'zaro bog'liqlikning chambarchasligini ta'minlash;

- o'quv-tarbiya jarayonlarining mazmun, shakl va metodlarini doimiy tarzda va dinamik ravishda yangilash.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 21 sentyabrdagi «2019-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to'g'risida»gi PF-5544-sonli farmoni bilan tasdiqlangan «2019-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasi»ning 3.4. Ta'lim tizimini takomillashtirish va inson kapitalini rivojlantirish bo'limida quyidagilar eng ustivor vazifalar etib belgilangan:

1. O'quv-tarbiya jarayoniga yangi ta'lim dasturlarini, zamonaviy pedagogik texnologiyalar va smart-texnologiyalarni joriy etish orqali ta'lim muassasalarida o'qitish sifatini yanada yaxshilash.

2. Nogiron bolalar ta'lim va tarbiyadan teng sharoitda bahramand bo'lishi uchun sharoitlar yaratish maqsadida inklyuziv ta'limni rivojlantirish.

3. Hududiy va milliy darajada ta'lim jarayoni natijalarini tizimli monitoring qilish asosida ta'lim sifatini va uning mamlakat innovatsion rivojlanishi darajasiga ta'sirini baholashning milliy tizimini ishlab chiqish va joriy etish.

4. Mehnat bozorida tendensiyalar o'zgarib borishini hisobga olgan holda qayta tayyorlashga muhtoj yoshlar uchun kasb-hunar kollejlarda qisqa muddatli o'quvlar tashkil etish.

5. Aholining oliy ta'lim bilan qamrab olinishini oshirish.

6. Tabiiy va texnik fanlar yo'nalishlari bo'yicha talabalar ulushini ko'paytirish.

7. Chop etilgan ilmiy maqolalar soni, ulardan iqtibos keltirish indeksi, xalqaro konferensiyalar va seminarlarda ishtiroki, olingan patentlari soni bo'yicha tanlab olingan sohadagi eng faol oliy ta'lim muassasalarini davlat

tomonidan qo'llab-quvvatlash asosida oliy ta'lim muassasalari faoliyatining tadqiqot yo'nalishini kuchaytirish.

8. Tarmoq va mintaqaviy iqtisodiyot ssenariylari bo'yicha takliflar ishlab chiqish maqsadida innovatsion faoliyat rivojini prognozlashtirish tizimining alohida bo'g'ini sifatida etakchi oliy ta'lim muassasalarida forsayt markazlarini tashkil etish. Oliy ta'lim muassasasining ichki va tashqi muhitini ilmiy-texnologik prognozlashtirishni ta'minlash, ularning texnologik va innovatsion muhitini va ustuvor innovatsion yo'nalishlarini rivojlantirish..

Yuqorida aytib o'tganimizdan shuni xulosa qilamizki, ta'lim jarayonida axborot texnologiyalaridan foydalanish, ta'limda yuqori samaradorlikka erishish uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Hozirgi kunda ta'lim jarayonini innovatsion texnik vositalarsiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Maktablarda, litsey va kollejlarda, oliy ta'limda innovatsion axborot texnologiyalarini qo'llash orqali dars o'tish o'quvchilarga berilayotgan axborotni tez va oson yetib borishini, ularni tushunarli va xotirada yaxshi saqlanishining asosi bo'ladi. Bundan tashqari oliy ta'lim tizimida telekonferensiyalarni tashkil qilinganligi ta'lim jarayonining yutuqlaridan biridir. Bu orqali talabalar fikr almashishlari, erkin fikrlash va o'z fikrini to'g'ri va aniq yetkazish qobiliyatiga ega bo'ladilar. Internet tizimlari orqali jahonning boshqa mamlakatlarida ro'y berayotgan voqea-hodisalar, tadbirlar, ta'lim jarayonining yangiliklari va yutuqlari haqida ma'lumotlarga ega bo'ladilar. Demak, axborot texnologiyalari – talabalarining bilimlarini rivojlantiradigan, ularning texnika va ijtimoiy jarayonlarni boshqarish bo'yicha imkoniyatlarini kengaytiradigan, ma'lumotlarni tashkil etish, ishlab chiqish, tiklash, uzatish usullari va texnika vositalari bo'lib xizmat qilgan ekan.

### **Optik tolali kommunikatsiya**

*Samandarov Erkaboy- Toshkent Davlat pedagogika universiteti, fizika-matematika fakulteti "Informatika va uni o'qitish metodikasi" kafedrasida o'qituvchisi.*


Ushbu texnologiya nisbatan boshqa turdagi kommunikatsiyalarga qaraganda ancha yangi hisoblanadi. Shu sabab, hozirgi kunda ushbu kommunikatsiyani qo'llash ancha yangi sohalardan biri hisoblanadi. Shunga qaramasdan qo'llashda bir nechta kamchiliklarga ega masalan, suv bug'lari, kislorod va havodagi xar hil zararli moddalar atmosferada yorug'lik nurining tarqalishiga to'sqinlik qiladigan omillardan hisoblanadi. Optik tolalarda shisha va plastiklardan foydalaniladi. Optik tolali kommunikatsiya ma'lumotni uzatish uchun elektr impulslari o'rniga yorug'lik pulslarini ishlatadi, shuning uchun an'anaviy elektr tizimlariga qaraganda yuzlab marta yuqori tezlikda ma'lumotlarni uzatish imkonini beradi. Asosiy optik kabel qattiq muhit sharoitlariga chidamli bo'lish uchun qopqoq va himoyalangan material bilan himoyalangan bo'lishi mumkin. Ayni damda ushbu texnologiya ovozli, video

va ma'lumotlarni uzatish uchun tijorat, biznes, hukumatlar, harbiy va boshqa ko'plab sohalarda keng qo'llaniladi. To'lqin uzunligi 10 GHz ni tashkil etadi.

Ushbu kommunikatsiyaning tarixiga to'xtaladigan bo'lsak dastlab 1880 yili Alexander G. Bell dastlabki telefonni yaratgan vaqtda yorug'lik nurlari orqali ovoz to'lqinlarini jo'natadi. Asta-sekinlik bilan ushbu kommunikatsiya turi ommalashib boradi, 1930 yili televediniya sohasida qoplanmagan tolali kabellar orqali dastlabki tasvirlab jo'natish boshlangan. Bir necha yil o'tgandan so'ng ushbu tasvirlarni qoplangan yagona shisha tolaga orqali jo'natilgan.

1951 yili tibbiyotdagi amaliyotlar uchun mo'ljallangan dastlabki fiberskop yaratildi. "Optik tola" atamasi dastlab 1956 yili dastlab qo'llanila boshlandi. 1960 yili lazer yaratildi. Shundan keyin yorug'lik nuri orqali ma'lumotlarni bir nuqtadan boshqa nuqtaga uzatish ishlari anchagina rivojlantirila boshlandi.


Umuman olganda, optik tolali kabellarning uch turi mavjud: bir martali optik tolali kabel, ko'p muhitli optik tolali va plastik optik tolalar (POT).



1-rasm.

Yuqoridagi 1-rasm optik tolali kabelni tasvirlagan bo'lib, ushbu kabel kabelni tashqi muhit bilan himoyalab turaigan qobiqi (outer jacket), kabelning o'zagidagi shisha tola himoyasini taminlaydigan (strength member), himoya qatlami ichida yana bitta qoplama (coating), optic tola bilan tashqi himoya qatlamini ajratib turish uchun qoplama (cladding) va kabel o'zagida optic tola (core) joylashgan bo'ladi.

Optik tolali kabeldagi "tartib" nurning harakatlanish yo'lini ifodalaydi. Faqatgina rejimli tola kichikroq yadroli diametri 9 mikronga (aniq 8,3 mikron) ega va faqat yorug'likni aks ettirishni kamaytiradi va zaiflashni kamaytiradigan yorug'likning bir tekis to'lqin uzunligi va yo'lini beradi. Bir martalik optik tolali kabel multimodal moslamalarga qaraganda biroz qimmatroq bo'lib, ko'pincha tarmoq ulanishlarida uzoq vaqt davomida ishlatiladi.



2-rasm

Bir muhitli optik tolali kabel 1-rasmda tasvirlangan bo'lib, bu turdagi kabellar faqatgina yorug'lik nurini tog'ri chiziq bo'ylab uzatishga asoslangan.

Ko'p muhitli optik tolali yagona usulli tolali optik kabelga qaraganda katta yadroli diametrga ega bo'lib, u bir nechta yo'llarni va bir nechta to'lqin nurlarining o'tkazilishiga imkon beradi. Multimode optik tolalar ikki o'lchamda, 50 mikron va 62,5 mikrondan iborat. Odatda qisqa masofalar uchun, masalan, ish stoliga tolali patch kabel ilovalari yoki LANlardagi uskunalari, ma'lumot va audio / video ilovalariga patch paneli uchun ishlatiladi.

POF odatda diametri 1 mm bo'lgan katta yadroli step-indeks optik tolalardir. Katta o'lchamdagi manbalar va juda nozik bo'lishi shart bo'lmagan ulagichlardan osongina ko'p sonli nurni osonlashtiradi. Shunday qilib, odatiy ulagichning narxi shisha eleyaflar uchun 10-20% ni tashkil etadi va tugatish oddiy. Plastik bo'lib, u ancha bardoshli va minimal vositalar va mashg'ulotlar bilan bir necha daqiqaga o'rnatilishi mumkin. Plastik optik kabel narxi yanada raqobatbardoshdir, bu ish stoli LAN ulanishlari va past tezlikli qisqa yo'nalishlarga moslashuvchan variant hisoblanadi.

Optik tolaning afzalliklari va kamchiliklari haqida gapiradigan bo'lsak, optik tolali tezligi va tarmoqli kengligi afzalliklari hisobga olinib, mis kabel orqali berilgan, shuningdek, ba'zi kamchiliklarni ham o'z ichiga oladi. Optik tolali kabelning afzalliklari va kamchiliklari.

#### Optik kommunikatsiya

Kompyuter tarmog'ida ikkita nuqta orasida aloqa o'rnatish vositasi (medium) sifatida yorug'lik nuridan yoki optik tolalardan foydalanadigan kommunikatsiya turi optik kommunikatsiya deyiladi. Hozirgi kunda optik kommunikatsiyaning asosan simsiz shaklidan keng qo'llanilmoqda. Ushbu kommunikatsiya asosan qisqa masoflarga ma'lumotlarni jo'natishga moslashgan.

WOC aloqasi yuqori tezlikda keng polosali ulanish uchun noyob xususiyatlarga ega bo'lgan keyingi chegaralar hisoblanadi: juda yuqori tarmoqli kengligi, tarqatish qulayligi, tarmoqli kengligi bo'lmagan tariflarni taqsimlash, kam quvvatli (radio chastotali RF (RF) tizimlari 1/1 / ), kamroq massa (RF tizimlarining 1/1 / 2), kichik o'lchamli (R1 antenaning 1/1 diametri) va yaxshilangan kanal xavfsizligi. Mavjud radio-chastotali aloqa uchun yaxshi muqobillik paydo bo'ldi, chunki u kattaroq datatarlarni qo'llab-quvvatlaydi va uning tor uzatish kelishmovchiligi tufayli yuqori daromad keltiradi. 10 Gbit / s gacha bo'lgan ma'lumotlarni uzatish va ovozli va video aloqani atmosferaga va bo'sh joyga etkazish imkoniga ega.

## O'zbekistonda hostellarning rivojlanishidagi holatlar

*Bultakova Sadoqat Qudratovna*  
*“Ipak yo'li” turizm xalqaro universiteti*

O'zbekiston sharoitida hostellarni ko'rib chiqadigan bo'lsak, birinchi o'rinda hostel o'zi nima ekanligini anglashimiz zarurdir. Hostel bu qimmat bo'lmagan yotoqxonaga bo'lib, maxsus alohida guruh uchun ya'ni studentlar, ishchilar, sayohatchilar, kam byudjetga sayohat qilishni istovchilar uchun qisqa vaqtda tunab turish uchun mo'ljallangan. Uning alternativlari ham mavjuddir: arzon mehmonxona, yoshlar hosteli, bed and breakfast, mehmon uyi, pansion kabilar bilan ham bog'liq. Hostelda bitta xonada bir nechta kravotlar bo'ladi, ya'nikim kelgan sayohatchi o'z xonasini boshqalar bilan bo'lishadi, bunday holat studentlar uchun ma'quldir, chunki ular ma'lumot almashishni, suhbatlashishni hush ko'rishadi. Hostelda umumiy oshxona, hojatxona, yuvinish xonasi bo'ladi. Lekin bu hostelning sharoitidan kelib chiqqan holda ham belgilanadi, Hostel haqida turli davlatlarda har xil talqin qilinadi, ayniqsa Angliya, Irlandiya, Hindiston, Avstraliya, Pokiston, va Janubiy afrikada. Mehmonxonalariga nisbatan hostellarda standartlar yo'q. Shunday qilib umumiy ta'rif keltiradigan bo'lsak, hostel – o'z – o'ziga xizmat qilishga mo'ljallangan joylashuv vositalari, assortimenti cheklangan taomnoma yoki uskunalar, shuningdek boshqa qo'shimcha xizmatlarni taqdim etuvchi korxonadir.

Shu o'rinda hostelning tarixiga to'xtalib o'tish zarurdir. Hostel atamasi 1912-yil Germaniyaga borib taqaladi. O'qituvchi Richard Shirman hozirgi biz bilgan hostel so'zini kiritgan. U yosh o'quvchilarni tabiatga yaqin bo'lishi va birgalikda vaqtlarini chog' o'tkazishlari uchun bunday joyni o'ylab topgan, bu ham arzon va tabiatga yaqin bo'lishi kerak edi. Demak bundan kelib chiqadiki hostel,

- Arzon
- Ijtimoiy
- Tabiatga yaqin
- Oddiy

bo'lishi kerak. Xo'sh mehmonxona va hostel o'rtasida qanday farq bor. Albatta ular o'rtasida katta farq bor. Umumiy olib qaraganda hostellar;

○ An'anaviy kamharjlikka ahamiyat qaratishadi, lekin shunday bo'lsa ham bugungi kunda shahsiy hostellarga qaraganda, arzonroq mehmonxonani topish mumkin. Buning hammasi mavsumga va joylashgan joyiga bog'liq

○ Ko'pincha hostellarda programmalar bo'ladi: kitob almashinuvi, ijtimoiy hodisalar, oqshomlari kino qo'yish

○ Hostellar norasmiy, mehmonxonalar ancha rasmiy hisoblanadi

○ Hostel ijtimoiy hudud bo'lib odamlarga aralashish imkonini beradi, mehmonxona esa o'zini bema'lol his qilishi va dam olish imkonini beradi

○ Mehmonhonalarda odatda yuqori sifat ko'rsatiladi shuningdek, bitta qolipga tushirilgan desak ham bo'ladi

1912-yildan buyon turli hil hostel turlari shakllandi. 2010-yildan boshlab hostellar biznesi rivojlana boshladi, ular zamonaviylasha va texnologiyalar bilan jihozlanib, mehmonxonalar bilan raqobatlasha oladigan holatga kela boshladi. Boshida mehmonxona biznesidagilar hostel biznesi bilan shug'ullanadiganlar ustidan kulishgan edi lekin hostel yurituvchilari o'z ustida ishlashni davom ettirdi. Hozirda hostellarning 7 turi mavjuddir:

1. Arzon hostellar
2. Shinam hostellar
3. Butik hostellar
4. Kecha uyushtiruvchi hostellar
5. An'anaviy hostellar
6. Hayot tarzi hostellari
7. 5 yulduz hostellari

Byudjetli hostellarni arzon hostellar atamasi bilan atash oddiy holdir. Arzon hostel past narxni taklif etadi. Shunisi aniqki servis va sharoit yuqori standartlardagidek emas. Bunday hostellar joylashuvi shahar markazidan uncha uzoqda bo'lmaydi. Arzon hostellarda choyshab, nonushta va boshqalarni o'z ichiga olmasligi mumkin. Bunday hostellar o'zining narxining pastligi bilan ajralib turib, mijozlarning yana qaytib kelishiga qaratilgan. Ular yotoq choyshabi va sochiqlar uchun narxni belgilashadi. Bu kabi hostellar shaxsiy choyshabdan foydalanmaslikni va hosteldan choyshab ijaraga olishni uqtirishadi. Yana shuni ham aytish kerakki, to'lov oldindan aytilmasligi ham mumkin. Arzon mehmonxonalarda ularning sharoitiga, servisiga, reytingiga, ya'nikim shahardagi boshqa hostellar o'rtasidagi darajasiga ahamiyat qaratish lozim. Shak-shubhasizki, kattaroq yotoqxona odatda arzonroq bo'ladi.

Shinam hostellar- ijtimoiy darajadagi hostellardir, ya'ni bu yerda odam o'zini o'z uyidagidek va qulay his qiladi. Bu yerda oshxona, mehmonxona va mayda detallar uy sharoiti hissini beradi. Dam olish uchun kichkina bog'i ham bo'ladi oilaviy kechki ovqatni, kechalarni ham o'tkazish mumkin.

Butik hostellar bu kabi hostellar yana tirli nomlar bilan ham ataladi: Premium hostel, hashamatli hostel, dizaynli hostel. Ular yaxshi dizaynli kamxarj binodir. Ularning boshqa hostellardan farqi shundaki, bu hostellar chiroyli qilib bezatilgani va texnologiyalar bilan ta'minlanganligidadir.

Kecha uyushturuvchi hostellar. O'z nomidan ma'lumki, kechalar uyushtiradigan hostel bo'lib, yosh sayohatchilar uchun mo'ljallangan. Odatda maxsus hodisalarni tashkil qilib beradi, lekin alkogol ichimliklari taqdim etilmaydi.

An'anaviy yoshlar hosteli o'zining e'tiborini arzonligiga va ijtimoiy yotoqxonaga qaratadi. Shubhasizki, an'anaviy hostellar katta guruhlarni, katta guruhli maktab o'quvchilarni, ishchi hodimlarni qabul qilishga mo'ljallangan. Individual sayohatchi uchun esa yangi odamlar bilan uchrashish uchun qulay joydir. Oilaviy dam oluvchilar uchun ham yaxshi tanlovdir.



Turmush tarzi yoki mashg'ulot hosteli aktiv turmush tarzini sevuvchilar uchun ayni muddaodir. Bu kabi hostellar doskada uchish, chang`ida uchish, tabiat va piyoda yurish, sho`ng`ish kabilarni taklif etishadi.

5 yulduzli hostellar.O`z nomidan bilinib turibdiki, bu kabi hostellar o`z bahosiga ega bo`lib ajoyib va mukammal dizayn, barcha qulayliklarga ega. Bunday hostellar barchaga ma`qul tushadi.

Hostellarning 3ta asosisiy xona turi mavjud, ular: yotoqxona, shaxsiy xonalar, apartmentlar. Yotoqxona ham o`z navbatida quyidagilarni; faqat ayollar yotoqxonasi, erkaklar yotoqxonasi, ikki qavatli karavotlar yotoqxonasi, bir yotoqli xonalar, kapsula yotoq, uch qavatli karavotlar yotoqxonasi, pilla uslubidagi yotoqxonalarni o`z ichiga oladi. Shaxsiy xonalarga double xona, twin xona, bir kishilik xona, lyuks xona kabilarga bo`linadi. Hostellarning bu kabi xona turlariga ta`rif beradigan bo`lsak, yotoqxonada sayohatchi faqat karavot uchun haq to`lab, bu yerda bir qancha turistlar bilan xonani bo`lishishadi. Odatda yotoqxona xonalari 3ta karavotdan boshlanadi.Bunda karavotlar sonida chegara yo`q, qancha xona katta bo`lsa narx ham arzonroq bo`ladi. 4karavotli xona keng tarqalgan xona turi hisoblanib u foydalanuvchilar tomonidan qulayroqdir. Ayollar yotoqxonasidan o`z nomidan faqat ayollargina foydalanishadi. Hozirgi kunda o`ziga turistlarni jalb qilish maqsadida bu kabi hostellar yanada qulayliklar yaratishmoqda, ya`ni ko`proq oyna va soch quritgichlardan foydalanishmoqda. Pilla shaklidagi yotoqxona o`z faoliyatini yaponiyada boshlagan bo`lib hozirda ko`pgina davlatlarda urfda. Shaxsiy hududni parda yordamida chegaralab olib, sayohatchilar uchun qulay hisoblanadi. Demak, bunday xonalarda har bir karavotda rozetka va parda bo`ladi. Shaxsiy bir kishilik xona – tushuntirish uchun juda sodda va oddiydir.

Aviakompaniya ishini kengaytirish va kuchaytirish, mehmonlarni ismi yozilgan tablig` bilan kutib olish, turistlarni tashish uchun taxi kompaniyasini tashkil etish, hostellar bo`yicha yangi mobil ilovalar ishlab chiqish muhim hisoblanadi. Bundan tashqari yoshlar uchun ekstremal turizm, ekoturizm, shopping, aktiv turlarni ko`paytirish shu bo`yicha tur paketlar ishlab chiqish va uni albatta realizatsiya qilish juda ahamiyatlidir. Shu bilan birgalikda ichki turizmni rivojlantirib borish zarur hostellardan katta jamoaviy sayohatchilar, ishchi hodimlar, kollektivlar uchun ham manzurdur, shuning uchun O`zbekiston hududi bo`ylab aholining sayohatga chiqishi va hostellerdan foydalanishi hostellarning kelajagi uchun yahshi imtiyozdir. Faqatgina an`anaviy hostel turi emas, milliylikimizdan kelib chiqqan holda bezatilgan o`zbek hostelini yaratishimiz zarur. Undan tashqari oilalar uchun, noodatiy bezatilgan va jixozlangan bir o`rinli, ikki o`rinli hostellar qurish, 5 yulduzli, mashg`ulot taklif etuvchi, ayollar yotoqxonasi mavjud hostellarni ishga tushirish joiz deb o`ylayman. Ularni shunchaki standart tarzda qurish emas, balki dizayniga va qulayligiga katta ahamiyat qaratish kerak. Hozirgi kunda standart, qorong`u va zerikarli mehmonxonalar juda ko`p. Ulardan foydalangan mijoz keyin qaytib kelishi va boshqalarga tavsiya berishi amri

mahol. Shunday ekan, hostellarni ishga tushirishda katta ahamiyat berish va ma'suliyatni his qilish birinchi o'rinda bo'lishi kerak deb hisoblayman, chunki bu kabi mehmon qabul qilish korxonalarini bugungi kungacha bizda yo'q edi talab ham yo'q edi. Barcha tarmoqlarni rivojlantirgan holda hostellarni ishini olib borishning kelajagi ravnaqli bo'lishi tabiiydir.

## **Urchuqning kritik tezligini aniqlash va harakat simulyatsiyasini yaratish**

*Imomaliyeva Shohsanam Fahriddin qizi, Pirnazarov Abdurasul Umataliyevich  
Namangan muhandislik-texnologiya instituti*

Halqali yigirish mashinasining chiqaruvchi tsilindrlari juftligidan chiqayotgan miyka eshishga yuboriladi. Mexanika eshish uchun eshish mexanizmlari – urchuqlardan foydalaniladi.


Har qanday konstruksiyadagi urchuqlar uning aylanuvchi shpindeliga mahkamlangan detallar va tayanch bo'lib xizmat qiluvchi hamda uning barcha detallarini unga birlashtiruvchi va urchuqni mashinaga mahkamlovchi qo'zg'almas detallardan tarkib topadi.

Halqali yigirish mashinalari urchuqlarining yig'ma birliklariga (1-rasm) quyidagilar kiradi: shpindel 1, vtulka 2 va uyacha 3. Kiydirmali urchuqning shpindeli bevosita shpindel 1 ning o'zidan (2-rasm), unga presslab o'rnatilgan blokcha 2 va fiksatorli 4 kiydirma 3 lardan tarkib topgan.


Shpindelning blokcha qo'ng'iroqidan quyida joylashgan qismi katta uchlangan konusli tsilindr, tovon oldi kichik konus (yoki tsilindr) va konussimon tovonidan tarkib topgan. Shpindel dumining katta konusining asosiy vazifasi – urchuq ishlashi jarayonida yuqorigi rolikli podshipnikni moy bilan ta'minlash.

Ushbu qism konusining qiyaligi dumning uzunligi, diametri va urchuqning aylanish tezligiga, moylovchi materialning naviga bog'liq ravishda belgilanadi. Urchuq shpindelining konussimon tovonining burchagini odatda 60 va 90 gradusda tayyorlanadi. Konussimon tovon uchining yeyilishini kamaytirish maqsadida uni dumaloqlanadi, bunda vertikal yuklamani qabul qiladigan ma'lum bir miqdorda tayanch sirt ham xosil bo'ladi.

Urchuqlar yuqori tezliklarda (17000 ayl/min gacha) aylanadi, shuning uchun shpindelning materiali va uni tayyorlash aniqligiga yuqori darajadagi talablar qo'yiladi. Urchuqlarning shpindellari odatda SHX9 po'latdan tayyorlanadi va termik ishlov beriladi: tovon va tsilindrik qismi – HRC 62, qolgan qismlari esa - HRC 52 qattiqlikkacha.




1-rasm. Kiydirmali urchuq:  
1 - shpindel; 2 – vtulka; 3 – uya.



2-rasm. Kiydirmali urchuqning  
shpindelini yig'ish:  
1 – shpindel; 2 – blokcha; 3 –  
kiydirma; 4 – fiksatorlar.

Murakkab shakldagi shpindelning kritik tezligini deformatsiyani yuklama bilan bog'laydigan tenglama yordamida aniqlash mumkin. Buning uchun o'zgaruvchan kesimga ega bo'lgan shpindelga ta'sir qiluvchi koeffitsientlarni bilishni talab qilinadi. Hisoblashlarni yengillashtirish uchun shpindelning haqiqiy shaklini soddasiga almashtirish kerak. Urchuq shpindelini ko'rib chiqamiz. Ma'lum cheklanishlar bilan ikkita  $AB$  va  $BS$  konusli kesimlardan iborat bo'lgan,  $B$  tayanchda katta asosi bilan chiqib turgan shpindel sxemasini qabul qilamiz (3-rasm).



3-rasm. Urchuq shpindelining soddalashtirilgan sxemasi.

Katta asoslarining diametrlarini haqiqiy shpindelning diametrlari o'lchamida qoldiramiz.  $AB$  va  $BC$  konusli kesimlarni to'ldiramiz. Konsol qismidagi  $C$  nuqtaga birlik kuch  $p_0 = 1$  ni qo'yamiz va ushbu nuqtadagi shpindelning egilishini aniqlaymiz. Yechishni  $AB$  va  $BC$  uchastkalar bo'yicha amalga oshiramiz. Buning uchun  $A$  tayanchdagi reaksiyani aniqlaymiz. 3-

rasmdan ko'rinib turibdiki,  $C$  nuqtaga qo'yilgan birlik kuchning reaksiyasi quyidagiga teng bo'ladi:

$$R_A = -\frac{b}{a} \quad (1)$$

Minus ishorasi  $R_A$  reaksiya pastga yo'nalgan bo'lishi kerakligini ko'rsatadi.

$C$  nuqtada markazdan qochma kuch ta'sirida shpindelning deformatsiyalanishini aniqlash uchun formula tuzamiz:

$$y_c = a_{cc} m_{kel} \omega^2 y_c, \quad (2)$$

bu yerda  $m_{kel} \omega^2 y_c$  - shpindelga ta'sir qiluvchi markazdan qochma kuchning qiymati.

Ushbu formula yordamida urchuq shpindelining kritik tezligini aniqlash mumkin bo'ladi. Buning uchun shpindelning massasini  $C$  nuqtaga keltirish kerak. Keltirilgan massaning qiymatini quyidagi nisbat bo'yicha aniqlashni tavsiya qilish mumkin:

$$m_{kel} = 0,313m_2,$$

bu yerda  $m_2$  - blochkasiz shpindelning konsol qismining massasi.

(2) tenglamadagi barcha a'zolarini o'ng tomonga olib o'tamiz:

$$y_c (1 - a_{cc} m_{kel} \omega^2) = 0.$$

Olingan tenglama ikkita yechimga ega:

$$a) y_c = 0; \quad b) 1 - a_{cc} m_{kel} \omega^2 = 0.$$



Birinchi a) tenglamani yechishning amaliy jihatdan ahamiyati yo'q, chunki egilishning nolga tengligi tebranishning yo'qligidan dalolat beradi. Ikkinchi b) tenglamani yechib, naychasiz urchuq shpindelining kritik tezligini aniqlash uchun ifodani xosil qilamiz:

$$\omega_{kr} = \sqrt{\frac{1}{m_{kel} \cdot a_{cc}}} \quad (3)$$

Halqali yigiruv mashinasi urchug'ini 3 o'lchamlik (3D) modelini yaratish uchun biz SolidWorks dasturini tanlab oldik.

Solidwork dasturida avval har bir detal alohida modellashtiriladi va keyin barcha detallar birlashtirilib, butun qurilmani yasaladi. Biz ham avvalo urcguqning har bir detallarni 3 o'lchamlik modellarini yasadik hamda 2 o'lchamlik chizmalarini yaratdik.


Bu model kelgusida kinematik, statik va dinamik tadqiqotlar o'tkazish imkoniyatlarini beradi.



**4-rasm. Shpindel**

**5-rasm. Spindel va vtulkani biriktirish**

Halqali yigiruv mashinasi urchug'ini detallarini yig'ib, saqlab olingandan so'ng uning ish jarayonini to'la tasavvur qilish uchun unga harakat berib o'rganilishi lozim. Buning uchun urchuqning .SLDASM fayli ochiladi va Motion Study bo'limi tanlanadi. So'ngra vtulkani qo'zgalmas qilib biriktiriladi va shpindelni erkin holatga o'tkaziladi. Urchuq shpindeliga aylanma harakat berish uchun harakat menyusidan (1) elektrodvigatel tanlanadi hamda animatsiya oynasida paydo bo'lgan Rotary Motor (2) orqali boshqarish mumkin. Simulatsiya vaqtini esa (3) orqali belgilaymiz. Yaratilgan simulatsiyani kelgusida doimiy tahlil qilib o'rganish uchun saqlash tugmasi (4) orqali kompyuterga saqlab olamiz (6-rasm).



**6-rasm. Simulatsiya jarayonini boshqarish**

Murakkab shakldagi shpindelning kritik tezligini deformatsiyani yuklama bilan bog'laydigan tenglama yordamida aniqlash mumkin ekan. Buning uchun o'zgaruvchan kesimga ega bo'lgan shpindelga ta'sir qiluvchi koeffitsientlarni bilishni talab qilinadi. Lekin bugungi kunda zamonaviy informatsion texnologiyalar bu ishlarni juda ham soddalashtirib, yanada osonlashtirdi. SolidWorks kabi kompyuter dasturlari orqali uch o'lchamlik modellarini va mexanizmlarning harakat simulyatsiyalarini yaratish yangi mashinalarni loyihalash jarayonini soddalashtiradi va sarf harajatlarni tejash imkonini yaratadi.

## **Табий тесурлардан фойдаланишда инновацион ёндашувлар**

*Р.Ю Акбаров<sup>1</sup>, Ю.Б Собиров<sup>1</sup>, Б.Р.Акбаров<sup>2</sup>, С.Ш.Махмудов<sup>3</sup>*

*<sup>1</sup>ЎзР ФА Материалишунослик институти, Паркент;*

*<sup>2</sup>Тошкент ахборт технологиялари университети;*

*<sup>3</sup>Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети.*

Республикамізда фан ва таълим соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар юзага келмоқда. Фан ва таълим соҳасидаги давлат бошқарув институтларида структуравий ўзгартиришлар амалга оширилди, бири-бирини такрорловчи самарасиз тузилмалар тугатилди, янги, вазифалари аниқ бўлган тузилмалар ташкил этилди, илғор мамлакатларнинг фан ва таълим йўналишидаги тажрибалари ўрганилди, соҳага иқтидорли мутахассислар жалб қилинди. Бу ишларнинг барчаси фан ва таълим соҳасида юзага келган қолоқликни бартараф этиш, илғор мамлакатлар талабларига мос келадиган ва улардан юқори, кенг дунёқарашга эга бўлган, чуқур билимли янги авлод вакиллари шакллантиришдир.

Бу ўзгаришларнинг муҳим жиҳатлари шундан иборатки, улар инновацион ғоялар асосида амалга оширилмоқда.

Инновация сўзи латинча «novatio» сўзидан келиб чиққан бўлиб, янгиликни (ёки ўзгариш) маъносини билдиради. In кўшимча йўналишда деган маънони англатиб, «innovatio» сўзи латинчадан ўзбек тилига “ўзгаришлар томон” деб таржима қилиниши мумкин. Умумий қилиб айтганда, инновация – бу ишлатилишга олиб кирилган янги ёки чуқур ўзгартирилган маҳсулот (товар ёки хизмат), жараён, услуб ва бошқа бирор нарса бўлиб, у маълум бир ижобий ўзгаришларни таъминлайди. Инновация ҳар қандай янглик ёки янги ўзгариш бўлмай, фақат уларнинг жиддий ижобий самара берадиганларидир. Албатта, ижобий самаранинг баҳоланиши ҳам маълум меъёрлар асосида амалга оширилади.

Илмий адабиётда инновация матнига ўхшаш, маъноси бир-бирига яқин матнлар кенг ишлатилади. Масалан, ихтиро, яратувчанлик, ўзгариш, яхшиланиш, самарадорлик ва бошқалар. Инновация ихтиро эмас.

Инновация тушунчаси илмий амалиётда 19 асрда пайдо бўлган ва унга жиддий ёндашиш 20 асрда америкалик олим Й. Шумпетернинг иқтисод бўйича эълон қилган илмий ишларидан сўнг пайдо бўлди.

Инновация инсон фаолиятининг турли соҳаларида кенг қўлланилади ва шунга қараб унинг турлари ҳақида фикр юртиш мумкин. Масалан илмий-технологик инновациялар, таълим, ижтимоий ва ташкилотчилик соҳаларидаги инновациялар, иқтисодиётда инновация ва бошқалар.

Давлатнинг инновацион сиёсати унинг, айниқса фан, таълим ва иқтисодий ривожланишида жуда муҳим омил ҳисобланади. Бу фаолият ўта мураккаб ва унда маълум ижтимоий ва иқтисодий хавф-хатар ҳамда таваккалчилик элементлари мавжуд ва шу туфайли бу сиёсатдан кутилаётган натижа ҳам салмоқли бўлади. Турли манбаларда келтирилишича, ривожланган мамлакатлардаги ишлаб-чиқаришни ўсишини 70-100 фоизи инновациялардан фойдаланиш ҳисобига амалга ошмоқда. Иқтисодчи олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, давлат илмий-техник харажатларини 0.1% ортириш, узоқ келажакда давлат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажмини 1.2% ошириши мумкин экан [1].

Давлатнинг тўғри инновацион сиёсати туфайли қисқа муддатларда турли соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киртган кўплаб мамлакатларни мисол сифатида келтириш мумкин. Бунда, ҳар-бир давлатнинг ўзига ҳос хусусиятлари эътиборга олинади. Масалан, АҚШда ҳамма ривожланишлар хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар яратганлиги негизида амалга ошган бўлса, Финляндияда тезкор технологик ривожланишда давлат асосий ўрин тутган. Финляндияда иқтисодий ютуқларнинг асоси - таълимга бўлган эътибордир. У ерда инновацион фаолиятнинг молиявий манбаларини 68 фоизи саноат

корхоналарига ва 28 фоизи давлат ҳисобига тўғри келади. Ҳиндистонда инновацион сиёсатнинг асосини ўзининг таълим тизимини ривожланишини амалга ошириши ва хусусий илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни қўллаб-қуватлашни ташкил қилган. У ерда 1980 йилларда қабул қилинган АКТ (Ахборот Коммуникация Технологиялари) тўғрисидаги қонун муҳим аҳамият касб этган ва ҳозирга келиб Ҳиндистон бу соҳада улкан ютуқларга эришган. Жанубий Корея миллий иқтисодиётининг тез ривожланишида йирик саноат-молиявий гуруҳларнинг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши муҳим рол ўйнаган [2].

Таълим соҳасидаги инновация – бу амалиётга илғор педагогик тажрибаларни олиб киришдир. Ўқув-тарбия жараёнининг мақсади ўқувчиларга билимлар ва кўникмалар бериш, шахсни ҳар томонлама шакллантириш, дунёвий, маънавий, миллий ва сиёсий дунёқарашларни юзага келтиришдир. Соҳада бўладиган янгиликлар вақт тақозоси, таълимга, тарбияга ва ривожланишга бўлган муносабатларни ўзгариши туфайли пайдо бўлади. Таълимда инновацион технологиялар уни бошқариш ва замонавий томонга йўналтириш, сифатини яхшиланишига имкон яратади.

Аммо, таълим соҳасига инновацион технологияларни тадбиқ этишда маълум қийинчиликлар юзага келади ва бу ҳолат табиий. Одамларни доимо янги ва номаълум нарсалар ҳавотрга солади ва уларда ўзгаришларга салбий муносабат пайдо бўлади. Кўп йиллар амал қилинган доимий қолиплардан воз кечиш осон кечмайди. Ҳамма ўқитувчи ҳам назарияни қайтадан ўрганиш, имтиҳонлар топшириш, дунёқарашини ўзгартиришни, буларга вақтини сарфлашни хоҳламайди, яъни конформизм, шахсий ҳавотир, ёш хусусиятлари, фикрлашда қатъийлик каби объектив сабаблар мавжуд. Ўзини бундай психологик ҳолатдан чиқара билган, ўз устида ишлаш ва шахсий ривожланишини таъминлай оладиган ўқитувчини инновацион таълим жараёни қатнашчиси деб айтиш мумкин [3].

Олий ўқув юрти талабаларига, айниқса ўз салоҳиятини, интилишини кўрсата олганлари учун, фанларни янада кенгроқ ўрганиши учун имкониятлар яратмоқ лозим. Бунинг учун факультатив машғулотларни юқори савияда ташкил қилиш, устоз-шогирд тенденцияларини такомиллаштириш, илмий-текшириш институтлари билан алоқаларни кенгайтириш, соҳанинг профессионал мутахасислари ва мумкин бўлган бўлғуси иш берувчилар билан алоқаларни мунтазам равишда ташкил қилиш лозим. Буларнинг ҳаммаси талабаларда танлаган соҳасига ва келажакдаги илмий фаолиятига ишонч туғдиради [4]. Зеро, таниқли олимлар ва профессионал мутахасислар билан бевосита ўзаро мулоқат, илмий даргоҳ фаолияти ва замонавий ишлаб чиқариш жараёни билан танишиш, бевосита илмий асбоб-ускуналар билан ишлаб кўриш катта аҳамиятга эгадир.



Инновацион технологияларни таълим жарёнига фаол тадбиқ қилишда ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, видеоконференциялар, вебинарлар ўтказиш, мультимедиа хоналарининг мавжудлиги, турли ахборот технологияларининг қўлланилиши, масофавий глобал таълим технологияларидан фойдаланиш, фан ва таълим узвийлигини таъминлаш ва бошқа кўплаб ёндашувлар муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг “Физика-Қуёш” илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида, хусусан, Материалшунослик институтида мактаб ва олий таълим даргоҳлари талабаларига илм-фаннинг жамият ривожланишида тутган ўрни, бу соҳадаги ютуқларнинг аҳамияти, баркамол авлод тарбиясида кенг дунёқарашни шакллантиришда фаннинг роли ва уни тарғибот қилиш масалалари муҳим аҳамиятга молик йўналишлар эканлигига эътибор берилган.

Институтда кўп йиллардан буён “Қуёш энергиясидан фойдаланиш ва гелиоматериаллар” йўналишида олий ўқув юрти талабалари учун бир ойлик ёзги ўқув курслари ташкил этилган. Ҳозирга қадар бу курсларда Республикамиз вилоятлари, Қорақалпоқистон Республикаси, Россия Федерацияси, Қирғизистон Республикаси ва Қозоқистон Республикаси олий ўқув юртларининг бир неча юз талабалари иштирок этишган, уларга махсус адабиётлар, электрон ресурслар ва сертификатлар тақдим этилган. Ўқув марказида талабаларга “Физика-Қуёш” илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида фаолият кўрсатаётган академиклар, фан докторлари ва кўзга кўринган олим ва мутахассислар маърузалар ўқишади ва амалий машғулотлар олиб боришади. Ўқув маркази Тошкент вилоятининг Паркент туманида, Материалшунослик институтининг “Қуёш” объектида жойлашган. Талабалар ўқув жараёни давомида Тошкент шахрининг йирик илмий марказлари, диққатга сазовор жойлари билан танишадилар, спорт ва маданий дастурларда иштирок этадилар.

Материалшунослик институтининг “Қуёш” объектида бир неча ноёб илмий қурилмалар мавжуд ва улар замонавий илмий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, бу ердаги илмий лабораторияларда муҳим илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мана шундай ноёб илмий қурилмалардан бири Қуввати 1000 кВт бўлган Катта Қуёш Сандонидир (КҚС) [5]. Бундай салобатли қурилма дунёда 2 та бўлиб, иккинчиси Франциянинг Одейо ҳудудида жойлашган [6]. КҚС да ўтган йиллар мобайнида 150 ортиқ оксид материаллар синтез қилинди. Бу материаллар функционал, конструкционал ва юқори температурали керамика асосини ташкил қилади ва муҳим бўлган керакли хоссаларга эгадирлар.

КҚС автоматик бошқарув тизимига эга бўлган мураккаб оптик-механик комплекс бўлиб, праболик концентратор, технологик минора ва гелиостатлар майдонидан ташкил топган. Қурилма Тошкент шахридан 50 км узоқликда, Паркент туманида жойлашган. Ҳудуднинг географик

кенглиги  $41.32^0$ , узунлиги  $69.74^0$  (шарқий), денгиз сатҳидан баландлиги эса 1050 метрни ташкил этади.

Гелиостатлар майдони 8 та террасада жойлашган, ўлчами  $7.5 \times 6.5$  м бўлган, бир-хил конструкцияли 62 та гелиостатдан иборат. Ҳар бир гелиостат, ўлчами  $0.5 \times 0.5$  м бўлган 195 та алоҳида кўзгудан (фцета) ташкил топган. КҚС гелиостатлари майдонидаги фацеталарнинг умумий сони 12090 та.

Концентратор шакли парболоид кўринишда бўлиб, унинг фокус масофаси 18 м ни ташкил қилади, унинг баландлиги 42 м, эни эса 54 м га тенг. Концентратор 214 та блокдан ташкил топган бўлиб, хар бир блокда 50 та ромб шаклидаги фацеталар жойлашган. КҚС концентратори фацеталарининг умумий сони 10700 дона.

Курилмада жами 22790 та фацета мавжуд, уларнинг умумий юзаси 5200 кв.м атрофида. КҚС 2 га ер майдонини эгаллайди.

КҚС ҳудудида 2013 йилдан замонавий автоматик метеорологик станция ишлай бошлади. Бу станция куёш радиациясини ўлчаш учун замонавий, юқори аниқликдаги пиранометрлар ва пиргелиометрлар билан жиҳозланган. Станцияда турли метеорологик катталиклардан (температура, босим, кўриш узоклик масофасини ўлчаш, ёғингарчилик миқдори, шамол тезлиги ва йўналиши) ташқари, глобал горизонтал радиация, горизонтал диффуз радиация ва нормал радиация ўлчанади [7-8].



1-расм. Катта Қуёш курилмасининг умумий кўриниши.

“Қуёш” объектида жойлашган илмий лабораториялар замонавий ўлчаш асбоблари билан жиҳозланган. Булар жумласига материаллар температурасини дистанцион ўлчаш асбоби - пирометр (ИМРАС IGA 12,  $T_{max}=3500^0C$ ), тепловизор (FLIR A655), мужассамлашган ёруғлик оқими зичлигини ўлчаш учун турли радиометрлар, фотометрлар, рақамли термометрлар, техник кўриш системаси ва бошқалар киради.

Айтиб ўтиш жоиз, дунёнинг машҳур илмий марказларида ҳам фаннинг таълимдаги ўрнига бағишланган ишлар амалга оширилган. Масалан, юқорида тилга олинган, Франциядаги куёш сандони жойлашган илмий даргоҳда ҳам алоҳида махсус жой ташкил этилган. У ерда турли физик қурилмаларнинг макетлари, экспонатлар, информацион китобчалар тадқиқотлари ташкил этилган. Илмий марказга йил давомида кўплаб ўқувчи ва талабалар, туристлар ташриф қилишади. Худди шундай ҳолатни, Американинг Миллий Қайта Тикланувчи Энергиялар лабораториясида (NREL) ҳам кузатиш мумкин [9]. Бу ерда алоҳида павильон мавжуд бўлиб, кўп соҳага тегишли электрон ва механик экспонатлар, қурилмалар, онлайн электрон ресурслар ва бошқа кўплаб қизиқарли ишланмалар жойлаштирилган. Павильон йил давомида ташрифчилар билан гавжум.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Материалшунослик институтда амалга оширилган ишлар ва яратилган шароитлар асосидаги амалиёт воситасида инновацион ёндашув билан талабаларни бўлғусида етук мутахасислар бўлиб етишиш йўлида муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиёт.

1. С.Д Ильенкова. Инновационный менеджмент: учебник для вузов. – М.: Банки и биржи. ЮНИТИ, 1997. - 327 с.

2. Т.А Азатбек, Н.Д Есмагулова, Г.А Кожаметова. Государственная инновационная политика в странах мира: цели и механизмы реализации. Вестник КазНУ. Алматы, 2015.

3. <https://businessman.ru/new-sovremennye-innovacii-v-obrazovanii-primery.html>.

4. В.Я Гельман, Н.М Хмельницкая, О некоторых проблемах подготовки научно-педагогических кадров высшей квалификации. Журнал «НАУКА. ИННОВАЦИИ. ОБРАЗОВАНИЕ». 2017. № 1(23), стр. 102-119.

5. R.Yu.Akbarov, M.S Paizullakhanov. Characteristic Features of the Energy Modes of a Large Solar Furnace with a Capacity of 1000 kW . Applied Solar Energy. Vol.54, #2, pp.99-109. 2018.

6. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Одейлийская\\_солнечная\\_печь](https://ru.wikipedia.org/wiki/Одейлийская_солнечная_печь).

7. С.Лутпуллаев., Ш.Файзиев., Ю.Собиров., Н.Гуломова., Гёдер Норберт. Об измерении солнечных ресурсов в Узбекистане. Standart. «Ўзстандарт» Агентлиги илмий техника журнали. 2015. №2. –С.30-33.


## Orol dengizining qurishiga sabab Kaspiy dengizimi?

*B.Karimov, S.Zaynolobiddinova, A.R.Mamayusupova, A.A.Abduraxmonov  
FarDU talabasi*

Orol dengizining qurishiga sabab Kaspiy dengizimi? Kaspiy dengizining Orol dengizining qurishiga qanday aloqasi bor? Bu kabi savollar hammani o'ylantiradi. Chunki Kaspiy dengizi Orol dengizidan hajmi va suv sathiga ko'ra ancha katta. Ya'ni 1929-1935-yillargacha Kaspiyning umumiy maydoni 422 ming km<sup>2</sup>, Orolning maydoni 1935-yilda 69670 km<sup>2</sup> bo'lgan ya'ni 6,06 marta katta. Kaspiy dengizining umumiy hududi 376 ming km<sup>2</sup>. Uning sathi dengiz sathidan 28 m past. Dengiz uzunligi shimoldan janubgacha 1200 km. Dengizning enli yeri—435 km, ensiz yeri—193 km. Kaspiy dengizini yoqasining uzunligi — 7000 km. Uning suvi 5 ta davlat qirg'oq'ini yuvib turibdi. Kaspiy dengiz yoqasining ulushi Qozog'istonga 29 % (2340 km), Rossiyaga 16%, Ozarbayjonga 20 %, Turkmanistonga 21 %, Eronga 14 % tegishli. Kaspiy dengiziga 130 taga yaqin daryolar va kanallar suv quyadi. Kaspiy dengizi shimoldan janubga 1200 km ga cho'zilgan, o'rtacha kengligi esa 320 km. Qirg'oq'ining uzunligi 7 ming km ga yaqin.



(1-rasm)



(2-rasm)

Kaspiy dengizi Rossiya Federatsiyasi, Qozog'iston Turkmaniston Eron, Ozarbayjon hududlarida joylashgan. Quyidagi xususiyatlariga ko'ra dengiz deb ataladi: kattaligi jihatidan Qora, Oq va Boltik, dengizlaridan kam farq qiladi, suvi ham dengiz suvi singari sho'r, hayvonot va o'simliklar dunyosining bir qismi dengizlarda yashaydigan hayvon va o'simliklar jumlasidan. Kaspiy dengizi bir vaqtlar hozirgi Kuma-Manich botig'i o'rnidan o'tgan bo'g'oz orqali Azov va Qora dengizlar bilan tutashib turgan. Kaspiy dengizi sathi Dunyo okeani sathidan qariyb 28 m past (1986-yil). Dengiz qirg'oqi ancha tekis, egri-bugri joylar kam. Yirik qo'ltiqlari: Qorabog'ozgo'l, Krasnovodsk, Qozoq, Mang'ishloq va boshqalar.




(3-rasm)



(4-rasm)


Kaspiy dengizda umumiy maydoni qariyb 350 km<sup>2</sup> boʻlgan 50 ga yaqin orol bor (eng yiriklari Tyuleniy, Chechen, Artyom, Jiloy, Bulla, Ogurchinskiy va Kulali). Maydoni jixatidan uchala qismi deyarli bir-biriga teng, lekin suv hajmi jihatidan ular har xil: shimoliy qismiga umumiy suv xajmining 1/100 qismidan kamroq, oʻrta qismiga 1/3, janubiy qismiga esa 2/3 ga yaqin boʻlagi toʻgʻri keladi. Kaspiy dengiziga Volga, Ural, Kura, Terek, Emba, Samur, Sulak, Erondan oqib keladigan Safedrud kabi yirik daryolar va koʻpgina kichik daryo va soylar quyiladi. Shimoliy, shimoliy-gʻarbiy va sharqiy sohillarning yozi juda issiq va quruq, qishi esa sovuq. Janubiy-gʻarbiy va janubiy sohillarida iqlim yumshoq va nam. Kaspiy dengizning har 1 l suvida oʻrtacha 12,7 g tuz bor. Baʼzi olimlarning fikricha qadim zamonlarda Orol dengizi va Kaspiy dengizi orasida bogʻlanish mavjud boʻlgan. Ularning aytishicha Orol dengiziga Kaspiy dengizidan suv oqib kelgan degan edilar. Biroq bular qanchalik toʻgʻri va qanchalik isbotlangan buni aniq ayta olmaymiz. Biz bu fikrga qoʻshilmaymiz. Ularni nohaq ham deya olmaymiz, ammo bizning fikrimizcha, Orolga Kaspiy dengizdan suv tushmagan. Toʻgʻri Kaspiy dengiz va Orol dengizi orasida kemalar qatnovi boʻlgan. Bu holat bir necha yillargacha boʻlgan. Ammo suv biridan ikkinchisiga oqib oʻtmagan. Bunga misol qilib Orol dengizini hamda Kaspiy dengizining suv yuzalarini, maydonlarining yillar davomida oʻzgarishini koʻrib chiqaylik. Eng avvalo Kaspiy dengizining joylashishini bilishimiz kerak. Kaspiy dengizi dengiz sathidan 26-28 metr chuqurlikda boʻlgan. Demak, Orol dengizi Kaspiyga nisbatan yuqorida joylashgan. Bundan shunday xulosa qilishimiz mumkinki, Kaspiydan toʻgʻridan-toʻgʻri Orolga suv quyilmagan. Agar mobodo Orolga suv Kaspiyga oqib oʻtgan desak. Orolga suv sathining oʻzgarishi bir maromda boʻlishi kerak, yaʼni kamayishi kerak. Biroq bunday boʻlmagan. (5-rasmda koʻrsatilgan)





(5-rasm)

Orol dengizi 1785-yilda ko'tarilgan, 1825-yilda kamaygan, 1835-1850-yillar oralig'ida ko'tarilgan, 1850-1862-yillarda kamaygan, 1881-1885-yillar oralig'ida ko'tarilgan, 1885-1919-yillar oralig'ida kamaygan, 1919-1935-yillarda dengizning suvi ortgan. Biroq oxirgi 14 yil ichida Orol dengizining suvi faqat kamaygan (6-rasm).



(6-rasm)

Bu davrda Kaspiy dengizining suvi ham bir maromda bo'lishi kerak edi. Ya'ni faqat ortishi kerak edi. Biroq bu davrda bunday bo'lmagan. Yani suv sathi o'zgarib turgan. 1800-1900-yillar oralig'ida Kaspiy dengizining suv sathi ko'tarilgan, 1929-1956-yillar oralig'ida dengizning suv sathi pasaygan ya'ni kamaygan, 1966-1976-yillarda dengizning suvi yanada kamaygan, 1978-yildan Kaspiyning suv sathi yana ko'tarilgan. Kaspiy dengizi va Orol dengizining suv yuzasidagi yoki suv sathining o'zgarishini quyidagi jadval orqali ko'rishimiz mumkin. Jadval orqali taqqoslashimiz juda ham oson (7-rasm).

Shunday qilib, Kaspiyning suv sathi ko'tarilgan vaqtda Orolning ham suvi ko'tarilgan va aksincha birinchisida suv kamayganda ikkinchisida ham kamaygan. To'g'ri ba'zi yillar oralig'ida Orolida suv kamayganda Kaspiyda suv ko'tarilgan. Bunday holat yuzaga kelishiga sabab Kaspiy dengiziga keladigan suv miqdori aynan o'sha vaqtda ko'paygan. Shu bois Kaspiyning suvi ko'tarilgan. Orolning suvining kamayishiga sabab daryo suvlarining to'liq yetib kelmasligidir.

Kaspiy dengizining suv yuzasining o'zgarishi.		Orol dengizining suv yuzasining o'zgarishi	
yillar	(km <sup>2</sup> )	yillar	(km <sup>2</sup> )
1800-1900-yillar	ko'tarilgan	1800-1900-yillar	ko'tarilgan
1929-yilgacha	422000	1919-yil	67300
1929-1956-yillar	kamaygan	1935-yil	69670
1969-yil	371000	1960-yil	68000
1978-yilda	ko'tarilgan	1961-yil	64000
1986-yilda	376000	1994-yil	32500

(7-rasm)

Ayrim mutaxassislarning fikriga ko'ra, Orol va Kaspiy dengizlari o'rtasida yoriq paydo bo'lib, suv ana shu tektonik o'zgarish oqibatida paydo bo'lgan yo'l orqali Kaspiy dengiziga o'tib ketgan bo'lishi ham mumkin emish. Biroq, bu bir taxmin, xolos. Nima bo'lgan taqdirda ham dengiz qurimoqda. Bir paytlar "bebosh" nomini olgan Amudaryoning suvlari Orolga yetib kelmayapti. Bugungi kunda onda-sonda yog'adigan yomg'irlardan tashqari dengizni to'ldiradigan biror-bir irmoq qolmagan.

Orol dengizi fojeasining boshlanishi quyidagichadir:

Ikkinchi Jahon Urushidan keyin SSSR O'zbekistonni ulkan paxtazorga aylantiradi. Amudaryo va Sirdaryo suvlari nafaqat yangi shaharlarga balki yangi paxta dalalariga buriladi. Paxta ishlab chiqarish kuchayadi. O'zbekistonda 6 million tonnagacha paxta hosili ko'tarish mo'ljali olinadi. Orol esa 1960 yillardayoq qisqarishni boshlaydi.

Demak, xulosa qilib aytadigan bo'lsak, bizning fikrimizcha Orol dengizining suvi o'zimizning yurtimizda aholining daryo suvlaridan noto'g'ri foydalanganimizdan, dengizning sho'rlashishi va suv omborlarining qurilishi, Aydarko'l havzasining kengayishi Orol dengiziga quyilayotgan suvlardan chiqib ketayotgan suvlarning miqdori katta bo'lganligi bug'lanishning ortishi kabilarni sabab va asos qilib keltirishimiz mumkin.

## Orol-butun dunyo nigohida

*A.R.Mamayusupova*

*FarDU talabasi*

Orol muammosi faqatgina olimlarnigina emas balki bizdek yosh avlodlarni ham o'ziga tortmoqda. Shu sabab barcha yoshlar o'zining inovatsion g'oyalarini taklif qilishmoqda, shunday yoshlar qatorida biz ham. Orol dengizini yana avvalgi holatga qaytarish mumkin. Buning uchun shunday taklifni berishimiz mumkin. Bu loyihaning nomi „Orol-butun dunyo nigohida“ mavzusida bo'lib, u ijtimoiy, iqtisodiy soha (Orol va Mo'ynoq taqdiri) ga oid. Orol muammosi butun insoniyat muammosiga aylanib bo'ldi. Shu o'rinda bu muammo biz yoshlarni ham o'ziga jalb qildi. Loyihani

bajarishdan maqsad, eng avvalo, global muammoga aylanib qolgan Orol muammosini yumshatish, Orolbo'yi hududidagi aholining turmush tarzini yaxshilash, Xorazm viloyatidagi zaxkashlikni kamaytirish hamda Orol dengizini yana qayta avvalgi holatiga qaytarishdan iboratdir. Bugungi kunda Orol dengizi deyarli qurib bo'lgan. Bu qurib bo'lgan Orol dengizi o'rnida tuzlar to'planib qolgan va bu yerda tez-tez tuzli bo'ronlar bo'lib turadi. Bu tuzli bo'ronlar yaqin atrofdagi yerlarga uchib borib tushmoqda. Buning natijasida bu yerlarda hosildorlik kamayib aholining turmush tarziga salbiy ta'sirini ko'rsatmoqda. Muxtaram prezidentimiz tashabbuslari bilan 2018-yilning dekabr oyidan boshlab 2019-yilning yanvar oyigacha Orolning qurigan qismida ya'ni 77997 gektarga qumni saqlovchi ariqlar tortildi, 27215 gektarga saksovul urug'lari va ko'chatlari ekildi. Bundan tashqari samaliyotlar yordamida 18 ta parvoz amalga oshirilib, 14100 gektarga saksovul urug'lari sepildi. Bizga ma'lumki, Orol dengizida qadimda noyob turdagi baliqlar turlari bo'lgan. Mo'ynoqliklar baliqchilik, chorvachilik bilan shug'ullanganlar. Orolbo'yi hududlarida baliq konserva zavodi ishlab turgan hamda baliq eksporti yaxshi yo'lga qo'yilgan edi. Biroq bugungi kungacha Orol va uning atrofi achinarli holatda edi. Bugungi kunga kelib esa prezidentimiz tashabbuslari bilan Orolbo'yi hududini yaxshilashga alohida e'tibor berilmoqda.

Bu loyiha juda katta miqyosda o'z ichiga dengizni suv bilan ta'minlash, aholi iste'moli uchun elektr energiyasini olish, tuz qayta ishlash zavod-fabrikasini qurish kabilarni qamrab oladi. Loyihani amalga oshirsak, Orol dengizi suvga to'lishi bilangina cheklanib qolmasdan dengizga yaqin joydagi Mo'ynoq tumanini hamda Mo'ynoq aholisini turmush tarzini yaxshilashga erishamiz. Aholining ishli bo'lishi hamda ish bilan bandligini ta'minlaymiz.

Hozirda O'zbekistonda ko'llar soni yaqin yillarga nisbatan ko'payib ketdi. Ba'zi ko'llar (Sariqamish, Sudoche, Jiltirbos, Aydarko'l)da suvning miqdori yildan – yilga ortib ketmoqda. Bunga nisbatan chora-tadbir ko'rish maqsadida ko'llardan texnik kanallar qurib, bu ko'llardagi ortiqcha suvni Orol dengiziga olib borishni yo'lga qo'yish maqsad qilingan. Bizga ma'lumki, Sarqamish ko'lining bugungi kunda suv havzasi kengayib bormoqda. Agar insoniyat Orolga nisbatan qilingan bee'tiborligini Sariqamish ko'lga nisbatan ham qo'llasa yaqin kelajakda bu yerda ham ikkinchi Orol muammosi yuzaga kelishi mumkin. Chunki Orol dengizida ham qadimda suv ko'p bo'lgan va insoniyat bu suvdan noo'rin foydalanish oqibatida Orolning suvi kamaygan. Sho'rlashish miqdori ortib ketgan. Iqlim o'zgarishi va turli kasalliklar kelib chiqmoqda.

Bugungi kunda Xorazm viloyatida va viloyat atrofidagi yerlarda, Jiltirbos ko'li, Sarqamish ko'li, Sudoche ko'li atroflarida zaxkashlik va sho'rlashish ko'payib ketdi. Natijada hosildorlik kamaygan. Bu aholi turmush tarziga salbiy ta'sir ko'rsatyapti. Salbiy holatni bartaraf etishga ham alohida e'tibor berilgan ya'ni loyihani amalga oshirishda bu masalaga ham alohida to'xtalib o'tilgan. Ya'ni bu xududdagi yer osti (sizot) suvlarini nasoslar va



kanal orqali Orol dengiziga yo'naltirishimiz mumkin. Agar yuqorida aytib o'tilgan sizot suvlarni yer ustiga artezan yoki grantlar orqali yuqoriga suvni iste'mol uchun yaroqli qilib qayta ishlab kanalga tashlasak, bir tomondan aholi uchun toza ichimlik suvini olishimiz mumkin. Ikkinchi tomondan esa yuqorida sanab o'tilgan ko'llarda ham sho'rlashish ortgan bu sho'r suv Orolga quyilsa undagi sho'rlashish ham ortadi. Bu esa Orolga bug'lanish yana ortishiga va suv yana kamayishiga olib keladi. Shu bois bu ko'llarning suvini qayta ishlab, tuzini ajratib olgandan so'ng Orolga yo'naltirishimiz kerak. Natijada ko'llardagi va zaxkash yerlardagi sho'rlashish kamayadi. Hosildorlik miqdori ortadi, aholi iste'moli uchun ichimlik suvi ko'payadi.

## **Tuzilmali vaqt argumenti bo'yicha ikkinchi tartibli tenglama uchun chegaraviy masala**

*Ramazonov Husniddin  
Termiz davlat universiteti*

**Masalaning qo'yilishi:** Shunday  $u(x,t)$  funksiyasini topingki u berilgan  $D = \{(x,t) : 0 < x < \pi; 0 < t < T\}$  sohada ushbu

$$\left(\frac{\partial}{\partial t} - \frac{\partial^2}{\partial x^2}\right) \cdot \left(\frac{\partial}{\partial t} + \frac{\partial^2}{\partial x^2}\right) u(x,t) = 0 \quad (1.1)$$

tenglama va boshlang'ich

$$u|_{t=0} = \varphi_1, \quad u_t|_{t=0} = \varphi_2, \quad 0 \leq x \leq \pi; \quad (1.2)$$

hamda chegaraviy

$$u|_{x=0} = 0, \quad u|_{x=\pi} = 0, \quad u_{xx}|_{x=0} = 0, \quad u_{xx}|_{x=\pi} = 0, \quad 0 \leq t \leq T; \quad (1.3)$$

shartlarni qanoatlantirsin.

### **Masala yechimining ko'rinishi.**

Yuqorida berilgan (1.1) – (1.3) masalani quyidagi ko'rinishdagi ikkita masalaga keltiramiz.

$$\text{I.} \quad \left(\frac{\partial}{\partial t} + \frac{\partial^2}{\partial x^2}\right) u(x,t) = v, \quad (x,t) \in D,$$

boshlang'ich

$$u|_{t=0} = \varphi_1', \quad 0 \leq x \leq \pi;$$

hamda chegaraviy

$$u|_{x=0} = 0, \quad u|_{x=\pi} = 0, \quad 0 \leq t \leq T;$$

shartlarni qanoatlantirsin.

$$\text{II.} \quad \frac{\partial v}{\partial t} - \frac{\partial^2 v}{\partial x^2} = 0, \quad (x,t) \in D,$$

boshlang'ich

$$v|_{t=0} = \varphi_2 + \varphi_1'' = \varphi_3, \quad 0 \leq x \leq \pi;$$

hamda chegaraviy

$$v|_{x=0} = 0, \quad v|_{x=\pi} = 0, \quad 0 \leq t \leq T;$$

shartlarni qanoatlantirsin.

Belgilangan **II** masalani yechimini ushbu ko'rinishda qidiramiz:

$$v(x, t) = \sum_{k=1}^{\infty} v_k(t) \sin kx \quad (1.4)$$

$$v_k(t) - \text{noma'lum funksiyalar, } k = 1, 2, \dots,$$

bu ko'rinishni **II** masala tenglamasiga va shartlariga qo'yib topamiz.

$$\left. \begin{aligned} (v'_k(t)) + k^2 v_k(t) &= 0 \\ v_k(0) &= \varphi_{3k} \end{aligned} \right\}$$

$$\text{bu yerda } \varphi_{3k} = \int_0^{\pi} \varphi_3(x) \sin kx dx, \quad k = 1, 2, \dots$$

Har bir fiksirlangan  $k$  – da ushbu ko'rinishdagi yechimga ega bo'lamiz.

$$v_k(t) = e^{-k^2 t} \varphi_{3k}, \quad k = 1, 2, \dots \quad (1.5)$$

1) Faraz qilaylik  $\varphi_1 = 0$  bo'lsin:

$$v(x, t) = \sum_{k=1}^{\infty} v_k(t) \sin kx, \quad (1.6)$$

bu yerda  $v_k(t)$  (1.5) dan aniqlanadi:

**I** masalani yechimini

$$u(x, t) = \sum_{k=1}^{\infty} u_k(t) \sin kx \quad (1.7)$$

ko'rinishida qidiramiz.

(1.6) va (1.7) tenglamalarni **I** ko'rinishidagi tenglamaga qo'ysak

$$\begin{aligned} (u_k(t))_t - k^2 u_k(t) &= v_k(t) \\ u_k(0) &= 0 \end{aligned} \quad k = 1, 2, 3, \dots \quad (1.8)$$

Ushbu (1.8) masala yechimini topamiz (har bir fiksirlangan  $k$  da) (1.8) dagi tenglamani har ikkala tomonini  $e^{-k^2 t}$  ko'paytirib ushbu ko'rinishidagi tenglamaga ega bo'lamiz:

$$e^{k^2 t} (e^{-k^2 t} \cdot u_k(t))_t = v_k,$$

yoki

$$(e^{-k^2 t} \cdot u_k(t))_t = e^{-k^2 t} \cdot v_k.$$

Oxirgi tenglamani integrallab quyidagi ko'rinishga kelamiz:

$$e^{-k^2 t} \cdot u_k(t) = \int_0^t e^{-k^2 \tau} v_k(\tau) d\tau \quad \text{chunki } u_k(0) = 0.$$

Oddiy o'zgartirishlardan keyin  $u_k(t)$  uchun ushbu ko'rinishni hosil qilamiz.

$$u_k(t) = e^{-k^2 t} \cdot \int_0^t e^{-k^2 \tau} \cdot e^{-k^2 \tau} d\tau \cdot \varphi_{3k} = e^{-k^2 t} \left( -\frac{e^{-k^2 \tau}}{2k^2} \right) \Big|_0^t \varphi_{3k} =$$

$$= \frac{1}{2k^2} \{ e^{-k^2 t} - e^{-k^2 t} \} \varphi_{3k} = \frac{shk^2 t}{k^2} \varphi_{3k} = u_k(t)$$

yoki

$$u_k(t) = \frac{shk^2 t}{k^2} \varphi_{3k}.$$

Shunday qilib  $\varphi_1 = 0$  bo'lganda (1.1) – (1.3) masala yechimi ushbu ko'rinishga ega bo'ladi.

$$u(x, t) = \sum_{k=1}^{\infty} \frac{shk^2 t}{k^2} \varphi_{3k} \sin kx \quad (1.9)$$

## **Avtomatik boshqarish tizimining rivojlanishi va samaradorligi.**

*Ramazonov Husniddin Saidahmadovich*  
*TerDU o'qituvchisi*

Avtomatlashtirilgan axborotlar tizimi-axborotlar, axborotlarni ishlab chiqishda qo'llaniladigan iqtisodiy-matematik usullar va modellar va boshqaruv qarorlarini qabul qilishga mo'ljallangan texnik, dasturiy, texnologik vositalar va mutaxassislar majmuidir.

Axborot tizimi boshqaruv xizmatlari xodimlariga axborotli xizmat ko'rsatuvchi tizim sifatida axborotlarni jamlash, saqlash, uzatish va ishlab chiqish bo'yicha texnologik vazifani bajaradi. U aniq iqtisodiy ob'ektda qabul qilingan boshqaruv faoliyatining usullari va tuzilishi bilan belgilangan tartibda vujudga keladi, shakllanadi va faoliyat yuritadi.

Avtomatlashtirilgan axborotlar tizimining tashkil qilinishi iqtisodiy ob'ektning ishlab chiqarish samaradorligini oshirishda ko'maklashadi va boshqaruv sifatini ta'minlaydi. Korxonalar, firmalar va barcha sohalarning ish rejalarini muvofiklashtirishda tezkor qarorlarni ishlab chiqish, moddiy va moliyaviy resurslar bilan aniq harakat qilish orqali avtomatlashtirilgan axborotlar tizimining eng katta samaradorligiga erishiladi. Shu bois avtomatlashtirilgan axborotlar tizimlarining faoliyat yuritish sharoitlarida boshqaruv jarayoni ob'ektning o'ziga xos tarkibiy-dinamik hususiyatlarini ko'proq yoki kamroq adekvat (o'xshashmas) aks ettiruvchi iqtisodiy-tashkiliy modellarga asoslanadi.

Avtomatik boshqarish tizimining keltiradigan samaradorligi loyihalash jarayonining birinchi bosqichidayoq hisoblana boshlanadi. Avvaliga tahmini, keyingi bosqichlarga o'tgan sari aniqroq, hisoblar qilinadi.

Avtomatik boshqarish tizimning foydasi quyidagilardan namoyon bo'ladi:

— ma'lumotlarni ishlash uchun qo'llanadigan sarflar kamayadi;

— ma'lumotlarni EHM va boshqa texnika vositalari yordamida ishlash, ulardan turli va unumli foydalanish imkonini beradi;

— ijodiy mehnat qilishga o'tgan ish kuchi ortiqcha mahsulot ishlab chiqarish imkonini beradi;

— korxonaning hamma vaqt optimal plan asosida ishlashi ta'minlanadi.

Hozir avtomatik boshqarish tizimining iqtisodiy foydasini o'lchash uchun uchta asosiy ko'rsatkich asos qilib olinadi: tejam, iqtisodiy samaradorlik, harajatni qoplash davri. Shuni ham aytib o'tish kerakki, ko'pincha, tejam bilan iqtisodiy samaradorlik ko'rsatkichlarini chalkashtirib aytiladi. Tejam—sarflanadigan ish kuchining vaqt yoki mablag'larning eski usul ishlab chiqarishi bilan yangi usul ishlab chiqarishi o'rtasidagi farqini bildiradi. Yangi usulga o'tish bilan olinadigan qo'shimcha mahsulotlar iqtisodiy samaradorlik hisoblanadi.

Hozirgi davrda loyihalashni avtomatlashtirish muammosi bo'yicha ko'pgina ilmiy tekshirish institutlarining mutaxassisleri ish olib bormoqdalar. Optimal loyihalash bo'yicha metodologiyaning, sonli metodlar va algoritmlarning rivojlanishi ilmiy tekshirish institutlarida, konstruktorlik byurolarida va korxonalarda tadbiq etilayotgan loyihalashning avtomatlashtirilgan tizimlari hususiyatlariga ta'siri kattadir.

Avtomatik boshqarish tizimning iqtisodiy va umumiy foydasini hisoblaganda quyidagilarga ahamiyat berish mumkin:

- 1) Avtomatik boshqarish tizim deganda gap ishlab chiqarish texnikasi to'g'risida emas, balki boshqarishning texnika vositalari to'g'risida boradi;
- 2) hisoblash texnikasi ish predmetiga bevosita ta'sir qilmaydi, balki bilvosita odam ishini boshqarish orqali ta'sir qiladi;
- 3) Avtomatik boshqarish tizimni joriy qilish bir marta amalga oshirib, keyin tashlab quyiladigan tadbir emas. Avtomatik boshqarish tizim doim takomillashib boradi, demak, foydasi ham oshib boradi;
- 4) Avtomatik boshqarish tizimning foydasi boshqarish ishlaridan olinadigan tejamlarda namoyon bo'libgina qolmasdan, ishlab chiqarish natijalarida, boshqarishning ob'ektga o'tkazgan ta'sirlari natijalarida ham aks etadi;
- 5) Avtomatik boshqarish tizimlar korxonalarni boshqarishni yangi, yuqori bosqichga ko'tarish uchun mo'ljallanganini hamma biladi. Lekin ularning tarbiyaviy rolini hamma vaqt ham hisobga olinavermaydi. Ko'rib o'tilgan muammolarni sinchiklab o'rganib chiqilsa, avtomatik boshqarish tizimlar kishilarning mehnatga munosabatini yuksaltirishga, ishlab chiqarish madaniyatini oshirishga, umuman yangi jamiyat kishisini shakllantirishga yordam berishini ko'rish mumkin.

Avtomatik boshqarish tizimlarni loyihalash va joriy qilishda iqtisodiy va umumiy foydani hisoblash usullarini topish ham muhim o‘rin tutadi.

Shunday qilib, iqtisodiy matematik usullar asosida ayrim xo‘jalik tarmoqlari va korxonalarni bir–biri bilan uzviy bog‘lovchi rejalarining balanslashtirilgan varianti tuziladi. Iqtisodiy matematika-optimal rejalar tuzish, optimallik shartlarini aniqlash muhim ahamiyatga ega. Bu esa jamiyat maqsadi va shu maqsadni amalga oshirish vositalarini uzviy bog‘lovchi iqtisodiy taraqqiyot variantlariga ob‘ektiv baho berishga imkoniyat beradigan yagona optimal mezonni ko‘zda tutadi.

## **Ta'lim muassasalari uchun mo'ljallangan elektron darsliklarning asosiy xususiyatlari**

*Taylakov Umid Kuvondikovich*

*T.N.Qori Niyoziy nomidagi O‘zbekiston Pedagogika fanlari ilmiy tadqiqot instituti tayanch doktoranti*

Zamonaviy ta'lim tizimlarining xilma-xilligiga o'tish ta'lim amaliyotida tatbiq etish istagi, shaxsga yo'naltirilgan ta'lim modeli uni individualizatsiya qilish muammolarini jiddiy o'zlashtirmoqda. Hozirgi kunda global informatizatsiya sharoitida axborot olishning faol, mustaqil shakllariga asoslangan yangi o'qitish metodlari asosan axborotni jamoaviy qabul qilishga qaratilgan an'anaviy usullarning imkoniyatlarini sezilarli darajada boyitadi.

Zamonaviy axborot texnologiyalarining paydo bo'lishi ta'limni individuallashtirish muammosiga yangi yondashishga imkon berdi. Bugungi kunda dasturiy ta'minot mahsulotlaridan foydalanish shaxsga yo'naltirilgan o'rganishni amalga oshirishning istiqbolli yo'nalishiga aylandi.

Ta'lim uchun mo'ljallangan dasturiy ta'minotni yaratish va ulardan foydalanish muammolari dolzarb, ular odatda quyidagi xususiyatlarga ega bolishi lozim:

- o'quvchi va kompyuter o'rtasidagi o'zaro munosabatlarga oid muammolarni aks ettiruvchi psixologik, ularning suhbatlari xususiyatlari, individual xususiyatlari va o'quvchilarning bilim darajasini baholash;

- o'quv jarayonida kompyuterning o'rnini hisobga olgan holda, dasturiy ta'minotni turli bosqichlarida qo'llash, dasturiy ta'minotni tanlash, dasturiy ta'minot tartibi, tarkibni tanlash, samaradorlikni baholash usullari;

- pedagogik mashg'ulotlarni kompyuterlashtirish jarayonlarini tahlil qilish, ta'limni joriy etish masalalari va o'quv jarayonining samaradorligini oshirish yo'llari;

- fiziologik va gigiyena vositalari, o'quv mashg'ulotlariga ta'sir ko'rsatadigan kompyuter texnikasi bilan o'quvchilarning qulay va xavfsiz mehnat sharoitlarini aniqlash;

- dasturiy vositalar tizimining tarkibiy qismiga ta'sir etuvchi texnologik masalalar, ularning tipologiyasi, o'quv jarayonining modellari va o'qitish usullari, o'quv strategiyalarini ishlab chiqish va h.k.;

- texnikaviy, shu jumladan dasturiy kompyuterlar tizimini yaratishda vositalarni tanlash, algoritmlarni va dasturlarni ishlab chiqish, ularni sinash, disk raskadrovka qilish va h.k.

- taraqqiyotni tashkillashtirish, ish faoliyatini baholash, takrorlash, ta'lim texnologiyalari bozorida rag'batlantirish va boshqalar.

Bugungi kunda o'quv jarayonida qo'llaniladigan ko'plab kompyuter dasturlari yaratilgan: monitoring, o'quv, modellashtirish va namoyish qilish dasturlari; avtomatlashtirilgan o'quv tizimlari; gipermedia, multimedia va virtual haqiqat dasturlari; elektron darsliklar; intellektual va mutaxassis repetitorlik tizimlari. Kompyuter texnologiyalari an'anaviy ta'lim usullari imkoniyatlarini qo'llab-quvvatlash va kengaytirish uchun tobora ko'proq foydalanilmoqda. O'quvchilarga mo'ljallangan o'qitish uslubini joriy qilishning muhim manbasi, xususan elektron (kompyuter) darsliklari.

Elektron darslik elektron nusxa shaklida oddiy bosma kitob emas. Elektron darslik odatdagi darslikdan ajratib turadi - bosma nashr, u erda chizikli printsip har doim ustunlik qiladi. Sun'iy intellektual elementlari bo'lgan elektron darslik ko'pgina afzalliklarga ega samarali o'qitish vositasidir. O'quvchiga o'rganish maydonining gipermatnasida marshrutni taklif qilish, savollar berish, javob olish, turli xil ta'lim ta'sirlaridan foydalanish, o'qitish sifatini nazorat qilish va boshqa ba'zi funktsiyalarni bajarish, masalan, yordam berish mumkin. Boshqacha qilib aytadigan bo'lsak, inson va kompyuter o'quv rejimida samarali suhbatlarga olib kelishi mumkin.

Ta'lim dasturlari uchun zamonaviy dasturiy ta'minotning afzalliklari va didaktik imkoniyatlariga qaramasdan, mavjud maktab amaliyotida kompyuter axborot texnologiyalari sohasidagi kontseptual yangi echimlarni amalga oshiradigan ko'plab yutuqlar amal qilmaydi. Kompyuter texnologiyasini qo'llash usullari odatda empirik yondashuvlarga asoslangan va o'quvchilarni texnologik tayyorgarlikda ta'limning individualizatsiyasidan kelib chiqqan kompyuter dasturiy vositalar deyarli yo'q.

Shu bilan bir vaqtda, "Texnologiya" ta'lim sohasining texnologiya o'quv dasturi barcha bo'limlarini o'rganishda kompyuter texnikasidan foydalanishga intilmoqda. Bu o'quv materiallarining katta miqdori, o'qitishning cheklangan miqdori, o'qitishning individualizatsiyasi talabi, o'quvchilarning kompyuter texnikasi imkoniyatlarini amalda tanishtirish zarurligi bilan bog'liq.

## **Smart texnologiyalarning ta'lim jarayonidagi o'rni**

*Bobomuxamedova Shoira Agzamdjan qizi*

*Nizomiy nomidagi TDPU doktoranti*

Bugungi kunda ta'limni axborotlashtirish va modernizatsiyalash sharoitida ta'lim muassasalarida o'quv jarayonini tashkil qilish nazariyasi va amaliyotini rivojlantirishning tarmoq texnologiyasidan foydalanuvchi axborot-ta'lim tizimi yetakchi hisoblanadi.

O‘zbekiston respublikasi Vazirlar Mahkamasining O‘zbekiston respublikasida «aqli shahar» texnologiyalarini joriy etish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risidagi qarorida keltirilgan «Aqli shahar» texnologiyalarini joriy etish loyihalarini amalga oshirishning asosiy yo‘nalishlaridan biri sifatida «Aqli ta’lim» keltirib o‘tilgan. «Aqli ta’lim» — bu ta’lim onlayn-platformalar va ommaviy ochiq onlayn kurslar tarzidagi texnologik yechimlar to‘plamini, virtual real holat bilan to‘ldirilgan ilg‘or vizualizatsiya va masofaviy kirish texnologiyalari va boshqalarni o‘z ichiga olgan texnologik yechimlar to‘plamidir.

«Aqli ta’lim» texnologik yechimlarini joriy etish orqali quyidagilar nazarda tutiladi:

-o‘quvchilarni sinab ko‘rish imkoniyati bilan sun’iy intellekt bazasida - ta’lim berish tizimi;

-shaxsni intellektual aniqlash tizimi;

-masofaviy ta’lim va elektron o‘qitish;

-ta’limning barcha bosqichlarini qamrab olgan elektron jurnallar;

-onlayn va oflayn uslublaridagi integratsiya tizimlari;

-adaptiv va mobil o‘qitish texnologiyalari.

AKTni hozirgi rivojlanish bosqichida nafaqat klassik ta'lim texnologiyalari, balki elektron ta'lim texnologiyalari (E-learning) ham qondira olmaydigan AKTni hozirgi rivojlanish bosqichida nafaqat klassik ta'lim texnologiyalari, balki elektron ta'lim texnologiyalari (E-learning) ham qondira olmaydigan ehtiyojlar tobora ortib bormoqda. Hozirgi kunda E-learning elektron ta'lim texnologiyalaridan Smart (ingliz tilidan. – aqli, baquvvat) e-learning va Smart Education (aqli ta'lim) ga o'tish jarayoni bo'lmoqda.

Smart texnologiyasi-bu faoliyat maqsadlarini belgilash uchun zamonaviy yondashuvdir. Smart-maqsadlarni belgilash tizimi maqsadli bosqichda mavjud bo'lgan barcha ma'lumotlarni umumlashtirish, maqbul ish vaqtini belgilash, resurslarning yetarililigini aniqlash, jarayonning barcha ishtirokchilariga tushunarli, aniq vazifalarni taqdim etish imkonini beradi.

Smart-ta'lim kontsepsiyasi-moslashuvchanlik, egiluvchanlik, ko'plab manbalarga ega bo'lish, maksimal darajada media xilma-xilligi, tinglovchilarning darajasi va ehtiyojlari kelib chiqib tez va sodda tarzda moslasha olishdan iboratdir.

Axborotlarni talabalarga yangi interfaol uskunalari (interfaol taxta — Smart Boards, interaktiv displey — Sympodium) yordamida uzatish, ma’ruzachiga dars jarayonining o‘zida taqdimotlar yaratish imkonini beradi. Interfaol Smart Boards taxtalariga maxsus markerlar yordamida yozish, o‘quv materiallarini namoyish etish, ekrandagi tasvir ustidan yozma sharhlar berish mumkin. Shu bilan birga, interfaol Smart Board taxtasiga yozilgan ma’lumotlarni magnit tashuvchilarda saqlanib qolib, ularni bosib chiqarish, darsga kelmagan talabaning elektron pochtasiga yuborish amalga oshiriladi. Ma’ruza davomida Smart Board taxtasida yaratilgan o‘quv materialini esa, o‘rnatilgan videokoderga yozib olib, ko‘p marta qayta qo‘llanishi mumkin.

Albatta bugungi kunda interfaol smart taxtalar imkoniyatlaridan maksimal foydalanish uchun maxsus dasturiy ta'minotlar (Smart Notebook, Bridgit, Synhron Eyes) ishlab chiqilgan. Mazkur dasturiy ta'minotlar har birining o'z imkoniyatlari mavjud. Masalan, Smart Notebook matnlar va obyektlar bilan ishlaydi, axborotlarni saqlaydi, yozma harflarni bosma harflarga aylantiradi. Bridgit dasturi taqdimotlarni tez va osonlik bilan butun dunyoning turli nuqtalaridagi hamkorlarga tarqatadi, o'z hujjatlariga taqrizlar oladi. Buni amalga oshirish uchun o'qituvchi chiqishidagi muhim pozitsiyalarini umumiy «ishchi stol»da ajratib ko'satishi bilan shu onning o'zidayoq, dastur real vaqtda, barcha konferensiya ishtirokchilari oynasida paydo bo'ladi. Synhron Eyes (sinxron ko'z) dasturiy paket yordamida o'qituvchi barcha o'quvchilarni kuzatib turishi, o'quvchilar ishchi monitorlarini ekranga chiqarishi, blokirovka qilishi, interfaol taxta yordamida o'quv materiallarini, darsliklarni, testlarni yuborishi va jarayonni nazorat qilishi mumkin.

Interfaol taxtalar bilan ishlash jarayonida barcha ishtirokchilarning diqqati jamalanadi va ular o'quv materiallarini juda tez o'zlashtirishni boshlaydilar. Buning natijasida har bir ishtirokchining o'zlashtirish ko'rsatkichi oshib boradi. Yangi ta'lim texnologiyasini ta'limga joriy etilishi o'zi bilan birga, ta'lim sxemasini reproduktiv shakldan kreativ shaklga o'tishini ta'minlaydi. Zamonaviy Smart ta'limning o'z oldiga qo'ygan ikkita asosiy maqsadi mavjud bo'lib, ular: 1. Talabalarda bilim olish uchun zarur bo'lgan barqaror motivatsiyani yaratish. 2. Ijodiy yechimlar yordamida bilim o'zlashtirishning yangi shakli va instrumentlarini izlab topishdan iborat.

Xulosa qilib aytganda, axborotlashgan jamiyatni rivojlantirish bosqichlarida oliy ta'lim muassasalarining eng asosiy vazifalaridan biri talabalarni zamonaviy taraqqiyot g'oyalaridan unumli va maqsadli foydalanish madaniyatini shakllantirishdan iborat. Talabalarni o'qitishda Smart-texnologiyalardan foydalanish samarali natija beradi. Smart ta'limga hayoliy bir narsa sifatida munosabat ta'lim maqsadlarida tarmoqning foydali resurslaridan foydalanish va amaliy qadamlar bilan almashtirilishi kerak.

### **«Informatika va axborot texnologiyalari» fanini o'rganishda 3D modellash tizimini qo'llash**

*Isaqulov To'lqin Mahmud o'g'li ,*

*T.N.Qori Niyoziy nomidagi O'zbekiston Pedagogika fanlari ilmiy tadqiqot instituti tayanch doktoranti*

Interfaol uch o'lchovli kompyuter grafiklari ta'lim texnologiyalarida qo'llanila boshlangan bo'lsada, «Informatika va axborot texnologiyalari» fanini o'qitishda 3D modellash tizimi respublikamizda ishlab chiqilmagan. Interaktiv 3D modellash tizimni yaratishda, 3D animatsion fragmentlar, videokliplar, kompyuter modellarini tatbiq etish dasturlari, grafik obyektlarni foto-realistik qilish lozim hisoblanadi. Bunda 3D grafik ma'lumotlarning



o'quvchilar tomonidan yaxshi qabul qilinishini, ayni paytda tizim potensial foydalanuvchilar resurslariga moslashtirilishini ta'minlash zarur. Shu bilan birga, foydalanuvchilar ma'lumotlarini ko'rish uchun dasturlar foydalanishga joriy qilinish kerak. Shunday qilib, tadqiqotning vazifasi, real obyektlarning foto-realistik qiyofasini namoyish etish va tadqiqot ma'lumotlarini (ya'ni, grafikalar, diagrammalar, 3D animatsion fragmentlar, videokliplar va kompyuter modellarini tatbiq etish dasturlari) ko'rsatish uchun uch o'lchovli modellardan foydalanishni ta'minlaydigan tizimni ishlab chiqishdan iborat.

Haqiqiy obyektlarning fotorealistik tasvirlarini namoyish qilish uchun 3D modellar tizimi quyidagi asosiy imkoniyatlarni taqdim etishi kerak.

1. 3 D (uch o'lchamli) grafik obyektlarni ishlab chiqish.
2. 3 D grafik obyektlarini tahrirlash.
3. Uch o'lchamli modellashtirishni qisman avtomatlashtirish.
4. Ko'rsatilgan uch o'lchovli grafik obyektlar fotosuratlariga ega bo'lishi va osongina tanish bo'lishi kerak, chunki ular real obyektlarga mos keladi.

5. O'quv jarayonining samaradorligini oshirish uchun obyektlarning ayniqsa muhim ishlab chiqarish detallarini ajratib ko'rsatish kerak.

6. Uch o'lchamli grafik obyektlarning ekran tizimi talaba bilan interaktiv muloqot qilishni, shuningdek, real tizimning jarayonlarini tavsiflovchi texnik vositalar to'plamini va matematik modeli bilan ta'minlanishi kerak.

«Informatika va axborot texnologiyalari» fanini o'qitishda 3D modellar grafikani yaratish texnologiyasini qarab o'tamiz.

Uch o'lchovli grafika kompyuter modellarini qurishda keng qo'llaniladi. Uch o'lchovli grafika kompyuter grafikasi tarkibiga kiruvchi eng murakkab va keng qamrovli yo'nalishlardan biridir. Uch o'lchovli grafika bilan ishlovchi foydalanuvchilar loyihalash, yoritish, obyektlar va kameralarni ko'chirish, tovush, amaliy dasturlardan foydalanish va namoyish effektlaridan foydalanish kabi sohalardan birida bilimlarga ega bo'lishi kerak. Bu yerda shu sohaning tashkil etuvchilari – fazolar, obyektlarni modellashtirish, animatsiya, yoritish va namoyish to'g'risida ma'lumotlar keltiriladi.

Uch o'lchamli muharrirlar uch o'lchamli kompozitsiyalarni yaratishda foydalaniladi. Ular ikki xil o'ziga xos xususiyatga ega. Birinchidan, tasvirlanayotgan obyektning uch o'lchamliligini ko'rsatish uchun obyekt sirti xossalari bilan yorug'lik manbasi o'rtasidagi o'zaro ta'sirni mos ravishda boshqarish. Ikkinchidan, uch o'lchamli animatsiyani yaratish imkonini beradi. Shuning uchun ham uch o'lchamli grafika muharrirlarini 3D-animatorlar deb ataladi.

Uch o'lchamli grafiklarning dasturiy ta'minlanishi yassi ekranda X, Y va Z koordinatlari tizimida uch o'lchamli tasvirni qurishga imkon beradi. Bunday turdagi grafika 3D grafik deb belgilanishi qabul qilingan. Uch o'lchamli modellar predmet haqida barcha uch o'lchamlarda tasavvur beradi, bu, ayniqsa murakkab tasvirlarni yaratishda juda muhim. Hozirgi davrda uch

o'lovli modullarning uch asosiy modellarini ajratish mumkin: sinchli, yuzaki va hajmli.

Masalan, «Informatika va axborot texnologiyalari» fanini o'qitishda foydalanilgan materiallarni sheyder dizayneri (shaders – materiallar) o'zi boshida o'ylaganidagidek yorug'liklar (lights) yordamida to'g'ri yoritilmasa, natija yaxshi holda chiqishi mumkin, aks holda hammasini boshqatdan qilishga to'g'ri keladi. 3Dda endi ishlamoqchi bo'lganlar ko'pincha Boolean operatsiyasini qo'llashadi. Yaxshisi bolalikdan yaxshi odatlarga o'rganish va Booleanni eng zarur hollarda ishlatish kerak. Hatto yasash qiyin bo'lgan faskalarni ham Boolean operatsiyasini qo'llamasdan bajarish mumkin. Bundan tashqari, multimediya texnologiyalari asosida yaratilgan audio, video axborot, ma'ruza matnlari ham mavjud. Dastur oddiy, oddiy tuzilishga ega. O'quvchilar ushbu kurslarni Internet orqali yoki CD dan foydalanishlari mumkin.

Interfaol elektron o'quv kurslari o'quv dasturlariga asoslanadi, ular o'quv materiallarini o'rganishning samarali usullaridan foydalanadi.

## **Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг замонавий таҳлили**

*Акрамова Хуршида Артикбаевна*

*ОЎМТВ ҳузуридаги Бош илмий-методик марказининг таянч докторанти, Тошкент шаҳри*

Жамиятимизда бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни амалга ошириш борасида ҳал этилиши лозим бўлган устувор вазифалардан бири илм-фан ва замонавий технологияларни инновацион ривожлантириш бўлиб, республикада илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш ва ривожлантириш, давлатнинг инновацион салоҳиятини шакллантириш ва янада ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратишнинг самарали механизми ишлаб чиқилмоқда ва унга муносиб бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Маълумки, инновацион фаолиятнинг асосий компонентлари фан, таълим, инвестиция ҳамда амалиётга янгиликлар киритилиши билан белгиланади. Бу компонентлар ичида фан асосийларидан бўлиб, инсон фаолиятининг маълум соҳаси ҳисобланади ва унда воқеа-ҳодисалар ҳақидаги билимлар яратилганидан кейин назарий жиҳатдан аниқ бир тизимга келтирилади. Фан ва таълим ютуқларининг ҳаётга тадбиқ этилиши илмий фаолият, яъни илмий-тадқиқот, илмий-техник фаолият ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқариш фаолияти натижасига боғлиқ. Шу билан бирга Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзларининг чиқишларида Олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда уни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга мутахассис ва олимлар томонидан етарлича эътибор

берилмаётгани ва Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш зарурлиги ҳақида гапириб ўтганлари катта аҳамиятга эгадир[1].

Ҳозирги пайтда таълим тизимини такомиллаштириш орқали ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фидоий ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада таълим турлари тўғрисидаги мутлақо янги қоидалар ҳаётга жорий этилди. Кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий асоси яратилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги асосий тамойилларидан бири – бу таълим тизимини тузилиш ва мазмун жиҳатидан ислоҳ қилиш учун ўқитувчи ва мураббийларни қайта тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштириш, илғор педагогик технологияларни, педагогик инновацияларни таълим жараёнига киритиш ҳисобланади ва бу педагогика соҳасида янги илмий йўналиш – педагогик инновация ва таълим жараёнини янгилаш ғояларининг пайдо бўлиши натижасида ўқитувчининг педагогик фаолиятида ҳам янги йўналиш “ўқитувчининг инновацион фаолияти” тушунчаси пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Инновацион фаолият – педагогнинг ўз касбини такомиллаштиришдаги мавжуд шакл ва воситаларни эгаллашга ижодий ёндашувини назарда тутди. Ўқитувчи инновацион фаолиятнинг субъекти ва ташкилотчиси сифатида янгиликни яратиш, қўллаш ҳамда оммалаштиришда иштирок этади. Инновацион фаолият – узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узок вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради.

Инновацион фаолият давомида тадқиқот ва инновацион компонентларни ривожлантириш Ўзбекистоннинг олий ўқув юртлари фаолиятини тизимли ўзгартиришни талаб этади. Олий ўқув юртларининг ихтисослашуви ва фрагментлашувини кучайтириш бўйича эмас, балки ташкилий бирликларни йириклаштириш учун қадамлар ташлаш керак, бу эса фанлараро тадқиқотлар ва ишланмаларни ривожлантиришга ёрдам бериши лозим. Олий ўқув юртларини ривожлантириш ва ўзгартиришлар киритиш дастури асосини илмий тадқиқот ишлари ва таълим дастурларининг ташқи, шу жумладан, халқаро экспертизаси, бошқарув сифатини сертификатлаш ва Халқаро стандартлаштириш эгаллаши лозим. Бундай ўзгаришлар олий ўқув юртлари базасидаги тадқиқотлар учун ҳам, таълим бериш жараёнининг мазмуни ва усуллари учун ҳам тааллуқли. Дастлаб, жиддий илмий тадқиқотлар ва ишланмалар олиб бориш профессор-ўқитувчилардан иборат таркибдан ташкил топган тор гуруҳнинг ваколатида бўлса, эндиликда эса улар барча ўқитувчилар иш фаолиятининг реал қисми бўлиши лозим[2].

Бундан ташқари, таълим жараёнидаги инновациялар, илғор педагогик технологиялар, янгиликлар, дарс ўтишнинг интерфаол усуллари ўз-ўзидан таълимга кириб келмайди. Демак, ўқитувчидан билим, ижодий меҳнат ва касб маҳорати талаб қилинади. Чунки

Ўқитувчи фаолияти янгиланмаса таълимда самарадорликка эришиб бўлмайди. Ўқитувчи томонидан талабаларни ижодий изланиш, фаоллик, эркин фикр юритишга йўналтирувчи таълим шакли, услуб ва воситаларининг тўғри танланиши дарсларнинг қизиқарли, баҳс-мунозараларга бой бўлиши, ижодий тортишувларнинг юзага келишига туртки беради. Мана шу ҳолатдагина талабалар ташаббусни ўз қўлларига оладилар, ўқитувчининг зиммасида эса, уларнинг фаолиятини маълум йўналишга солиб юбориш, умумий фаолиятини назорат қилиш, мураккаб вазиятларда йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳатлар бериш ҳамда улар фаолиятини баҳолаш каби вазифалар қолади. Берилаётган билим оддийгина хотира ёрдамида эмас балки, талабанинг ўз фикрлаш саъй-ҳаракатлари билан эгаллангандагина мустаҳкамланади. Шу жумладан университетларнинг мутахассислар томонидан олиб борган тадқиқотлари инновация жараёнининг кўплаб соҳаларда намоён бўлишини кўрсатади:

- Таълим жараёнида турли восита ва усуллар асосида тайёр билимларни ўрганиш миқдорини камайтириб, таълим олувчилар интеллектуал, ижодий ва мустақил фикрлаш фаолиятини кучайтириш, олган билимларини амалиётда қўллаш, назарий билимларни амалий қўллаш ҳолатига қўювчи вазиятлар яратиш кераклиги;
- Хориж мамлакатларининг илғор таълим инновацияларини чуқур ўрганиш ва олий таълим тизими амалиётига тадбиқ этиш мақсадида педагог-ўқитувчилар ва ёшларнинг илмий, ўқув, ишлаб чиқариш муассасаларида ўз малакаларини оширишга чет давлатларга сафарбар қилишни кучайтириш кераклиги;
- бакалавр, магистр талабаларининг, тадқиқотчи ва ўқитувчиларнинг илмий тадқиқот ишларини ўрганиш;
- талаба ва тингловчилар ўртасида инновациялар ҳақидаги билимларни тарқатиш;
- Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни маънавий ва моддий рағбатлантирилишини янада кучайтириш лозимлиги ва бунда иқтидорли талабаларнинг ҳамда ёш олимларнинг илм-фан тараққиётига қўшадиган ҳиссаларига эътиборни ошириш кераклиги.

Олий таълим муассасаларида инновацияларни жорий этиш олий таълимнинг янги моделини қайта ташкил этишга олиб келиши мумкин ва бунда университетларнинг инновацион моделлари ҳам ҳар хил бўлиши керак.

#### Адабиётлар

1. “Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг янги йил арафасида – 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан

намоёндалари билан учрашувидаги маърузаси// Халқ сўзи. 2016 йил 31 декабрь.

2. Гимуш Р.И., Матмурадов Ф.М. Инновацион менежмент/Ўқув қўлланма.-Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2008. -144 б.

## **«Algebra va analiz asoslari» fanini o'qitishda zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish metodikasi**

*Mamadiyorov Jamol Baxodirovich*

*T.N.Qori Niyoziy nomidagi O'zbekiston pedagogika*

*Fanlari ilmiy tadqiqot instituti tayanch doktaranti, Toshkent.*

«Algebra va analiz asoslari» fanini o'qitishda informatika fani, shu jumladan, kompyuter vositalari va boshqa axborot texnologiyalaridan foydalanib o'qitish keng rivojlanib borayotganligi hech kimga sir emas. Kompyuter texnikalarini ta'lim muassasalariga tatbiq etish, imkoni boricha ko'proq foydalanish uchun sharoitlarni yaratish o'qitish jarayonini optimallashtirishga katta foyda beradi.

Keyingi o'n yillikda «Algebra va analiz asoslari» fanini o'qitishda kompyuter vositalaridan foydalanish o'quvchilarda ancha qulaylik yaratmoqda. Shuning uchun barcha mavzularga kompyuter vositalarini keng jalb etish talab etiladi. Bularga kompyuter yordamida o'quvchilarning bilimlarini baholash, turli tipdagi o'rgatuvchi dasturlarni ishlab chiqish, ularni rivojlantirish va boshqalar kiradi.

Ko'p holatlarda o'quvchilarga mavzuni aniq, ravshan, tez va tushinarli yetkazib berish uchun kompyuter texnologiyalarining o'rni katta. XX asrning 90-yillarida matematiklar uchun ancha qulayliklarga ega bo'lgan matematik sistemalar yaratilgan. Bu maxsus sistemalar yordamida turli sonli va analitik matematik hisoblarni, oddiy arifmetik hisoblashlar, grafiklarni yasash va shunga o'xshash amallarni ham amalga oshirish mumkin.

«Algebra va analiz asoslari» fanlarini o'quvchilarga tushuntirishda yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanib o'qitish, shu jumladan, kompyuter va boshqa axborot texnologiyalarining bu borada yetakchi texnologiyalardan biri bo'lib kelmoqda.

Ta'lim muassasalarini kompyuter vositalari bilan ta'minlash prezintatsiyalar va har xil kompyuterli matematik o'yinlar yordamida o'quvchilarga yanada mukammalroq yetkazib berish mumkin bo'ladi. O'quvchilarni kompyuter yordamida bilimlarini baholash, turli tipdagi o'rgatuvchi dasturlarni ishlab chiqish, ularni rivojlantirish va boshqalar kiradi.

«Algebra va analiz asoslari» fanini o'qitishda elektron jadvallar ham muhim ahamiyatga ega, ya'ni elektron jadval yordamida bir qancha masalalarni, boshqacha aytganda funksiyalarning ayni bir nuqtadagi qiymatlarni to'ldirishda, iqtisodiy masalalarni nafaqat yechish, balki bu yechimlarni tushuntirib berish uchun ham qulay hisoblanadi. Masalan, Excell dasturi yordamida funksiya qiymatlarini avtomatik to'ldirish mumkin.

Ma'lumotlarni diagrammalar shaklida namoyish etish, bajarilayotgan ishni tez tushunishga va uni tez tushunishga yordam beradi. Jumladan, diagrammalar juda katta hajmdagi sonlarni ko'rgazmali tasvirlash va ular orasidagi aloqadorlikni aniqlashda juda foydalidir. Diagrammalar yordamida to'plamlar va ular ustida amallar mavzulariga oid misol va masalalarni yechishda, ularni tushuntirishda ko'plab qulayliklarni yaratadi.

O'quvchilarga o'tilgan dars yuzasidan takroriy tushinchalar berish, yangi mavzu bo'yicha ma'lumotlarni kiritish, elektron ko'rgazmali qurol ko'rinishida tayyorlangan savollar va yangi mavzu yuzasidan misollar ekranda namoyish etiladi. O'qituvchi o'quvchilarning javoblarini baholab boradi va bu savol-javobda barcha o'quvchilarning faol ishtirok etishiga e'tiborni qaratadi.

Yangi mavzuga o'tishda o'quvchilarga to'plam, ular ustida bajariladigan amallar qanchalik tanishligini aniqlash va ularning bilimini yetarli asosda to'ldirish va chuqurlashtirish maqsadida o'quvchilarga mavzu yuzasidan savollar berib borish va ularning javoblarini to'ldirish, tartiblash orqali yangi tushunchalar kiritiladi. O'quvchilarga Eyler-Venn diagrammalari haqida elektron ko'rgazmali qurol yordamida ma'lumot beriladi va to'plamlarga oid bir qancha misollar birgalikda yechiladi. Dars davomida to'plamlar ustida bajariladigan amallar va yana shunga o'xshash mavzular Eyler-Venn diagrammalari yordamida tushuntirilib, Power Point dasturi orqali tayyorlangan elektron ko'rgazmali qurollar yordamida namoyish etib boriladi.

O'quvchilarning dars davomida olgan bilimlarini o'tilgan dars bo'yicha baholash, yangi mavzuni mustahkamlash maqsadida ekran orqali har bir o'quvchiga alohida tuzilgan topshiriqlar beriladi va olingan natijalar esa o'qituvchi tomonidan muhokama etilib, baholari jurnalga qo'yib boriladi. Qabul qilishi past o'quvchilar bilan esa alohida shug'ullaniladi.

Dars yakunida ekranda o'quvchilar uyida bajarishi uchun uyga vazifalar beriladi va uyga berilgan misollarda qiyinlariga sal-sal tushuncha sifatida o'rgatiladi.

## **Модернизированный метод юстировки facets гелиостатов большой солнечной печи Узбекистана**

*Ю.Б.Собиров, А.А.Абдурахманов*

*Институт материаловедения НПО «Физика-солнце» АН РУз,  
г.Ташкент,*

Большая солнечная печь (БСП) института Материаловедения НПО «Физика-солнце» АН РУз является крупногабаритной, многозеркальной, высокотемпературной установкой [1]. БСП состоит из 62 гелиостатов с отдельными зеркалами – facets 12090 штук и параболоидного концентратора с facets -10700 штук. Энергетические характеристики в фокальной зоне концентратора БСП зависят от состояния юстировки этих зеркал [2].

Юстировка facets гелиостатов с помощью авторефлексионной марки [3] позволяет проводить плоских facets гелиостатов с большой точностью, погрешности меньше 1 угловой минут. В процессе эксплуатации БСП, юстировка отдельных отражающих поверхностей ЗКС - facets гелиостатов нарушается. Разъюстировка становится заметной (3-4 угл.мин.) уже в течение двух-трех месяцев их работы. Поэтому одним из сложных проблем эксплуатации БСП является сохранение первоначальной юстировки, т.е. систематическая оценка точности и, если необходимо, доюстировка facets 62 гелиостатов. Контроль и юстировка facets гелиостатов осуществляется при помощи авторефлексионной марки, установленной на концентраторе БСП (см. рис.1).




Рис. 1. Авторефлексионная марка установленная на концентраторе БСП.

1-концентратор БСП, 2-марка, 3- лабораторная комната юстировщика.

При юстировки этим методом на каждой facete гелиостата через зрительной трубы рассматривается соответствующая визирная цель марки. При этом включается подсветка визирной цели соответствующая юстируемой facete, и по команде оператора находящего у зрительной трубы, юстировщик разворачивает facету до тех пор, пока изображения визирной цели не будет совмещена с перекрестием, начерченным на ее поверхности. Потом подсветка визирной цели отъюстированной facеты выключается и включается подсветка следующей визирной цели юстируемой facеты.

Отметим, что для оценки состояния facets гелиостатов до юстировки оператор составляет карту-сетку видимого изображения каждой визирной цели на соответствующей facete гелиостата. Отметим, что каждый из 62 гелиостатов БСП состоит из 195 отдельных facets с



размерами 50x50 см и объективная оценка состояния юстировки каждой факеты и её запись на карте занимает много времени оператора и носит качественный характер.

С целью, повышения производительности, уменьшения трудоёмкости работы и получения объективной оценки состояния юстировки, нами усовершенствован метод юстировки факет гелиостатов на базе Системы Технического Зрения (СТЗ) [4,5]. Общая схема этого метода представлена на рис.2.




Рис.2. Юстировка факет гелиостатов с помощью СТЗ. 1- авторефлексионная марка, 2-красные лампы – марки, 3-гелиостат, 4-СТЗ, 5-пульт для переключения ламп, 6-ПЭВМ, 7-изображение лампы на экране компьютера до и после юстировки.

После установки соответствующего гелиостата на авторефлексионную марку, изображение марки через видеокамеры выводится на экран монитора ЭВМ.

Для оценки положения отражающей поверхности достаточно снимать изображение подсветок, когда гелиостат ориентирован на авторефлексионную марку.

Таким образом, модернизированный метод юстировки факет гелиостатов имеет следующие достоинства:

- позволяет оперативно быстро получать данные о состоянии юстировки факет гелиостатов по всему гелиополю;
- наглядно и эффективно проводить процесс юстировки составных факет гелиостатов.

Усовершенствование обработки юстировочных данных.

Наряду усовершенствованием процесса юстировки нами проведено усовершенствование обработки результатов юстировки с помощью компьютерной программы. Для этого оператор находящийся в авторефлексионной марке, вводит информации о состоянии юстировки каждой факеты данного гелиостата в файл. При этом оператор оценивает отклонение марки (красной лапмы) от расчетной точки в сантиметрах.

Далее оператор запускает разработанную нами программу для обработки данных. Программа запрашивает в диалоговом режиме



следующие данные: число, месяц, год, номер юстируемого гелиостата, состояние юстировки «до» или «после».

Далее программа находит коэффициент погрешности «sigma». Этот коэффициент переводит линейное отклонение марки от расчетное значение к угловым минутам.

Далее программа обрабатывает данные и выводит результаты расчета в виде таблицы.

На основе полученных данных можно построить графики, гистограммы и т.д., для анализа состояния юстировки фасет гелиостатов БСП.




Рис.3. Гистограмма состояние юстировки 46-гелиостата до и после проведения юстировки фасет гелиостата авторефлексионным методом.

Проводиться измерения энергетических характеристик гелиостатов до и после процесса юстировки (см. рис.4,5).




Рис.4. Распределения энергии от 27-гелиостата до юстировки.




Рис.5. Распределения энергии от 27-гелиостата после юстировки.

Как видно из рис.4÷5 энергетический эффект от юстировки facets гелиостат составляет:

$$E_{эф} = \frac{25 - 21}{21} = 19\%$$

Таким образом модернизирование метода юстировки facets гелиостатов позволяет:

- наглядно и объективно проводить процесс юстировки;
- проводить качественную и количественную оценку эффекта от юстировочных работ на ЭВМ;
- создания банка данных о состоянии юстировки facets гелиостатов;

-определить facets подлежащих к замене из-за большой поверхностной ошибки.

В целом внедрение новых указанных выше методов на БСП позволяет эффективно контролировать её оптико-энергетические характеристики.

Эта работа выполнена в рамках проекта ФА-Атех-2018-(420+85) «Разработка комплекса научно-технической документации по созданию лаборатории для проведения сертификационных ускоренных испытаний на лучевую стойкость материалов, узлов и изделий новой техники» при поддержке Министерство Инновационного развития Республики Узбекистан.

#### Список литературы:

1. Абдурахманов А. и др. Аналитические подходы расчета распределения плотности лучистого потока от Солнца для параболоцилиндрических зеркально-концентрирующих систем. // Гелиотехника. 2016. №2. С.50-54.
$p_0^{j+1}$  қийматлар изланаётган чегаравий шартни беради.

Ҳисоблашларда ушбу маълумотлар қўлланди:  $k = 1 \cdot 10^{-12} \text{ м}^2$ ,  $w_0 = 1,0 \cdot 10^{-4} \text{ м/с}$ ,  $m_0 = 0,15$ ,  $p_0 = 50 \text{ МПа}$ ,  $\mu = 5 \cdot 10^{-3} \text{ Па}\cdot\text{с}$ ,  $\alpha = 20$ . Берилган маълумотлар ҳар хил хатоликлар билан берилганда  $x = 0$  чегарада босим тикланиши ҳисоблаш натижалари 1-, 2-расмларда кўрсатилган. Турғун ечим олиш учун вақт бўйича қадамли регуляриштириш усули қўлланди [4, 5].  $\delta = 0$  да ҳосил қилинган ечим турғун характерга эгаллиги 1-расм  $a$ ,  $b$  дан кўриниб турибди. 2-расм  $a$  дан кўринишича, кичик вақт қадамларида ечим турғунмас характерга эгаллиги кўринади. 2-расм  $b$  дан кўринишича,  $\tau_1$  вақт бўйича қадам ошиши билан ечим турғунмаслиги камайиши кўрсатилган.

$p(0,t)$ , МПа



$p(0,t)$ , МПа



1-расм. Ушбу  $\delta = 0$ ,  $d = 20 \text{ м}$ ,  $a_1 = 0,083 \text{ м}^2/\text{с}$ ,  $a_2 = 0,097 \text{ м}^2/\text{с}$  маълумотлар билан аниқ берилган маълумотлар учун тескари масала ечими натижалари  $\tau_1 = 5\tau$  ( $a$ ),  $\tau_1 = 10\tau$  ( $b$ )






Рис. 2. Ушбу  $\delta = 0,003$ ,  $d = 20$  м,  $a_1 = 0,083$  м<sup>2</sup>/с,  $a_2 = 0,097$  м<sup>2</sup>/с маълумотлар билан қўзғалишли берилган маълумотлар учун тескари масала ечими натижалари  $\tau_1 = 5\tau$  (а),  $\tau_1 = 10\tau$  (б)

#### Адабиётлар

1. Баренблатт Г.И., Крылов А.П. Об упругопластическом режиме фильтрации // Изв. АН СССР. ОТН. 1955. № 2. С. 5 – 13.
2. Баренблатт Г.И. О некоторых задачах восстановления давления и распространения волн разгрузки при упруго-пластическом режиме фильтрации // Изв. АН СССР. ОТН. 1955. № 2. С. 14 – 26.
3. Varenblatt G.I., Entov V.M., Ryzhik V.M. Theory of fluid flows through natural rocks. Kluwer Academic Publishers. 1990. – 395 p.
4. Алифанов О.М. Обратные задачи теплообмена.- М.: Машиностроение, 1988.-280 с.
5. Бек Дж., Блакуэлл Б., Сент-Клэр Ч. мл. Некорректные обратные задачи теплопроводности. –М.:Мир.-312 с.
6. Щелкачев В.Н. Основы и приложения теории неустановившейся фильтрации: Монография: В 2 ч. — М.: Нефть и газ, 1995.Ч. 1. – 586 с., Ч. 2. – 493 с.
7. Самарский А.А. Теория разностных схем. – М.: Наука. 1983. – 616 с.

## Кадрлар сифатини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси

*Атабоев Аброр Зиёдулла Ўғли,  
Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги мактаб-интернати  
ўқитувчиси*

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш соҳадаги ютуқлар кўламининг кенгайишига замин яратади. Хусусан, ҳудуддаги олимлар, талабалар ва ишлаб чиқарувчиларга дунёдаги мавжуд инновацияларни тақдим этиб, илмий-инновацион салоҳиятини намоён қилиб янада янги даражага кўтаришга хизмат қилади.

Интеграллаштириш самараси ривожланаётган турли ҳил элементларнинг ўзаро уйғунлашуви бўлиб ҳисобланади. Элементлараро ички алоқаларнинг комплекслиги, эпчиллиги ўз навбатида, марказлаштирилган бошқарув омилларининг кучсизланишига ва ўзини-ўзи бошқарув омилнинг ўсишига олиб келади. Элементлараро алоқанинг оптимал тарқалиши янги самарани келиб чиқишига олиб келади. Мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган интегратив ҳолат жамиятда ижтимоий-иқтисодий тезлашишига мувофиқлашиб бориши зарур. Кенг миқёсдаги мутахассис салоҳияти асосан унинг кўп қиррали тарзда тайёрланганлиги ва илмий, амалий муаммоларни ҳал этишда уйғунлик бўлиб ҳисобланади. Салоҳиятли кадрларни етиштиришда эса, мутахассисларнинг тажрибаси, амалий кўникмаларга эга эканлиги муҳим рол ўйнайди. Хусусан ёш олимлар томонидан таълим равнақи учун хизмат қиладиган турли инновацион лойиҳа ва таклифлар, кашфиётлар айнан шу соҳа ривожланишига омилдир. Ушбу жараёнда эса биргина муҳим жиҳат айнан ихтиролар яратилишига ўзбек миллий анъаналарининг рамзи ҳисобланган, тарихий қадриятларимиз рамзи бўлган жиҳатларни кўшишдан иборат. Юртбошимиз Ш.Мирзиёев бу борада “Бизни ҳамиша ўйлантриб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айти пайтда ўзлигини ҳам унутмасин” дейди.<sup>10</sup>

Энди эса ривожланган мамлакатлар амалиётига назар ташласак. Бугунги кунда Бауман номидаги Москва давлат техника университети Москва шаҳридаги олий таълим муассасалари ўртасида 3 чи, Россияда 5 чи ва “QS World University” жаҳон рейтингда 291 ўринни

---

<sup>10</sup> Шавкат Мирзиёевнинг 15-июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқидан.

эгаллайди. Ушбу олий таълим даргоҳида 17 факултет, 132 кафедра, 10 талабалар турар жойлари, 3 филиали мавжуд. Майдони 350000м<sup>2</sup> эга бўлган 20 та ўқув корпусларида 100 дан ортиқ таълим йўналишлари бўйича таълим олиб борилади. Университетда ўқув жараёнида 3000 ортиқ юқори малакали профессор – ўқитувчилар иштирок этадилар. Жумладан, 600 фан докторлари ва 1700 фан номзодлари саналади. Таълим муассасасида фанлар интеграцияси юқори даражада йўлга қўйилган.

Олий ўқув юртлири учун ишлаб-чиқариш илмий муассасалар билан интеграцияни ривожлантиришда капитал қурилиш, ўқув – илмий мақсадлар учун маълум миқдорда маблағ олиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, олиб бориладиган хўжалик шартномаларидан тушадиган даромаднинг асосий қисмини моддий – техника базани ривожлантиришга йўналтириш ҳам назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775 сонли қарорига мувофиқ бошқарма томонидан “Инновацион ғоя етакчиси” кўкрак нишони Низоми ишлаб чиқилди ҳамда 2018 йил 2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 786-сон Қарори қабул қилинди. Бу каби кўрик-танловлар ёшларнинг иқтидорини янада намоён этиш, улар салоҳиятини юксалтириш, тажрибали таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, соҳадаги интеграция жараёнининг амалиётга тадбиқ этилиши унинг ривожига ҳисса қўшишини таъминлайди.

Шунингдек, илмий-тадқиқот, таълим ва Республиканинг бошқа муассасалари томонидан амалга оширилаётган давлат илмий техник дастурлари ва лойиҳалари йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат. Бу каби ижобий ўзгаришлар соҳалар хусусан фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясининг юқори босқичга кўтарилиши, соҳадаги тажрибали кадрларни етиштиришда амалий аҳамият касб этади. Бу эса кадрлар сифатини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг роли нақадар муҳим эканлигини англатади.

## **Ғовак муҳитларда модда кўчиши тенгламасининг манба ҳадини тесқари масала ечими орқали тиклаш масаласи**

*О.Хайдаров<sup>1</sup>, О.Б.Исмоилов<sup>2</sup>, О.А.Жўраев<sup>2</sup>*

*<sup>1</sup>СамДУ таянч докторанти, <sup>2</sup>ТермДУ 2-босқич магистрантлари*

Аҳолининг ўсиши ва саноатнинг ривожланиши туфайли ер ости сувларининг ифлосланиши муаммолари муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ишда маълум концентрацияли модда кўчиши масаласи тенгламасининг манба ҳадини тескари масала ечими орқали тиклаш масаласи қаралган.

### 1. Тескари масаланинг қўйилиши

Бу ерда ғовак муҳитларда [1] да қаралган масала учун манба ҳадини тиклаш масаласи қаралмоқда. Концентрация тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади [1]

$$R \frac{\partial c}{\partial t} - D_{xx} \frac{\partial^2 c}{\partial x^2} + u_x \frac{\partial c}{\partial x} + \lambda R c - \frac{qc^*}{n} = 0, \quad (1)$$

$$R = 1 + \frac{1-n}{n} k_d, \quad q = \text{const}, \quad c^* = \text{const},$$

бу ерда  $c$  – модда концентрацияси,  $x$  – координата,  $t$  – вақт,  $R$  – ретардацион омил,  $D_{xx}$  – диффузия коэффиценти,  $u_x$  – сизиш тезлиги,  $n$  – ғоваклик,  $\lambda$  – радиоактив емирилиш коэффиценти,  $q$  – манба ҳади,  $c^*$  – манба жадаллиги,  $k_d$  – тақсимот коэффиценти.

(1) тенгламада  $q$  манба ҳади номаълум бўлсин, бунинг учун бизга ечим ҳақида  $x_k$  нуқталарда  $z_k(t)$  қўшимча маълумот зарур бўлади.

Номаълум  $q$  манба ҳадини қуйидаги функционалнинг минимумидан излаймиз [2]

$$J(q) = \sum_{k=1}^2 \int_0^T [c(x_k, t) - z_k(t)]^2 dt, \quad (2)$$

бу ерда  $z_k(t)$  – концентрациянинг кузатилаётган қийматлари,  $c(x_k, t)$  – эса ҳисобланган концентрация қийматлари.

(2) функционалнинг стационарлик шарти қуйидаги кўринишга эга бўлади [2]

$$\frac{dJ(q)}{dq} = 2 \sum_{k=1}^2 \int_0^T [c(x_k, t) - z_k(t)] w(x_k, t) dt = 0, \quad (3)$$

бунда  $w = dc/dq$ .  $c$  функцияни  $q$  атрофда иккинчи тартибли ҳадгача аниқликда қаторга ёямиз [2]

$$c^{s+1}(x, t) \approx c^s(x, t) + \binom{s+1}{q-q}^s w^s(x, t). \quad (4)$$

(4) ёйилмани (3) га қўйиб,  $q$  коэффицентга нисбатан ушбу чизикли муносабатни ҳосил қиламиз:

$$2 \sum_{k=1}^2 \int_0^T \left[ c^s(x_k, t) + \binom{s+1}{q-q}^s w^s(x_k, t) - z_k(t) \right] w^s(x_k, t) dt = 0,$$

бу ердан агар  $c^s(x, t)$  ва  $w^s(x, t)$  маълум бўлса,  $q^{s+1}$  нинг тақрибий қийматини қуйидагича осон ҳисоблаш мумкин [2]:

$$q^{s+1} = \left\{ \sum_{k=1}^2 \int_0^T \left[ q^s w^s(x_k, t) - c^s(x_k, t) + z_k(t) \right] w^s(x_k, t) dt \right\} \cdot \left\{ \sum_{k=1}^2 \int_0^T w^s(x_k, t) dt \right\}^{-1}. \quad (5)$$

(1) тенгламани  $q$  бўйича дифференциаллаб,  $w(x, t)$  га нисбатан қуйидаги тенгламани ҳосил қиламиз:

$$R \frac{\partial w}{\partial t} - D_{xx} \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + u_x \frac{\partial w}{\partial x} + \lambda R w - \frac{c^*}{n} = 0 \quad (6)$$

(1), (6) тенгламаларни бирлаштириб  $q = q^s$  да қуйидаги тенгламалар системасини ҳосил қиламиз

$$R \frac{\partial c^s}{\partial t} - D_{xx} \frac{\partial^2 c^s}{\partial x^2} + u_x \frac{\partial c^s}{\partial x} + \lambda R c^s - \frac{q c^*}{n} = 0, \quad (7)$$

$$R \frac{\partial w^s}{\partial t} - D_{xx} \frac{\partial^2 w^s}{\partial x^2} + u_x \frac{\partial w^s}{\partial x} + \lambda R w^s - \frac{c^*}{n} = 0.$$

Юқорида баён этилган (1) тенгламанинг  $q$  коэффициентни аниқлаш масаласини сонли амалга ошириш учун  $[0, L]$  чекли қатламда концентрация учун қуйидаги бошланғич ва чегаравий шартларни қўямиз

$$c(x, 0) = 0, \quad c(0, t) = c_0 = const, \quad c(L, t) = 0. \quad (8)$$

$w(x, t)$  функция учун бошланғич ва чегаравий шартларни  $c(x, t)$  функциянинг мос шартларидан  $q$  параметр бўйича дифференциаллаш йўли билан ҳосил қиламиз:

$$w(x, 0) = 0, \quad w(0, t) = 0, \quad w(L, t) = 0. \quad (9)$$

## 2. Тескари масалани ечишнинг сонли усуллари

Дастлаб (1) тенглама учун тўғри масалани (8) шартлар билан ушбу  $q = 2 \cdot 10^{-4}$  1/сутка,  $c_0 = 0,01$  кг/м<sup>3</sup>,  $n = 0,46$ ,  $k_d = 0,375$ ,  $D_{xx} = 1$  м<sup>2</sup>/сутка,  $u_x = 0,1$  м/сутка,  $L = 100$  м маълум қийматларда сонли ечамиз ва  $x_1 = 30$  м,  $x_2 = 60$  м нуқталарда ечимни аниқлаймиз. Бу нуқталарда ечимни  $z_k(t_j) = c(x_k, t_j)$ ,  $k = 1, 2$  “ўлчаш маълумотлари” сифатида қўллаймиз, бу ерда  $t_j$  – дискрет вақт.

(7) тенгламалар системасини (8) - (9) шартлар билан чекли айирмалар усулини қўллаб сонли ечамиз [3].

$q$  коэффициентни аниқлашнинг сонли алгоритмини қуйидаги тарзда қуриш мумкин [2]: а)  $s = 0$  да қандайдир бошланғич  $q^0$  яқинлашишни берамиз; б) (7) тенгламалар системасини (8) - (9) шартлар

билан ечамиз ва  $c^s, w^s$  функцияларни аниқлаймиз; в) (2) ва (5) ларни ҳисоблаймиз; г) кейин эса  $q = q^{s+1}$  қўямиз; д) шундан сўнг етарли аниқликка эришгунча б), в), г) босқичларини давом этамиз.

Итерация жараёнини тугатиш мезони сифатида қуйидаги тенгсизликлардан бирини олиш мумкин

$$\left| c^{s+1} - c^s \right| < \varepsilon_1, \quad \left| q^{s+1} - q^s \right| < \varepsilon_2, \quad \left| J(q^{s+1}) - J(q^s) \right| < \varepsilon_3.$$


бу ерда  $\varepsilon_1, \varepsilon_2, \varepsilon_3$  – берилган кичик катталиклар.

3. Сонли ҳисоблашлар таҳлили ва хулосалар

$q$  коэффициентни аниқлаш бўйича биринчи тартибли усул (5)

формула бўйича ҳар-хил  $q$  нолинчи яқинлашишларда ҳисоблаш натижалари 2-расмда тасвирланган. Ҳисоблаш натижаларининг

кўрсатишича, ҳар-хил  $q$  нолинчи яқинлашишларда  $q$  коэффициент амалда икки итерацияда тикланмоқда (2-расм).



2-расм. Ҳар-хил бошланғич яқинлашишларда  $q$  коэффициентнинг тикланиш қийматлари

Тескари масалаларда асосий масалалардан бири берилган маълумотларнинг хатоликка нисбатан ечимнинг турғунлигини тадқиқ этиш масаласи ҳисобланади [4]. Бу ерда ечимнинг турғунлигини тадқиқ этиш учун, қўзғатилган берилган маълумотлар билан ҳисоблаш эксперименти ўтказилди. Берилган маълумотларга хатолик бериш қуйидаги тарзда моделлаштирилди:  $z_k^\delta(t) = z_k(t) + 2\delta(\sigma(t) - 0,5)$ ,  $t = t_j$ , бу ерда  $z_k^\delta(t)$  – лар  $z_k(t)$  нинг қўзғатилган қийматлари,  $\delta$  – хатолик,  $\sigma(t)$  – эса  $(0, 1)$  ораликда текис тақсимланган тасодий катталик. Қўзғатилган берилган маълумотлар билан ҳисоблаш натижалари 1-жадвалда берилган.

$s$	$q \cdot 10^{-3}$ , 1/сутка ( $\delta=0$ )	$q \cdot 10^{-3}$ , 1/сутка ( $\delta=0,005$ )	$q \cdot 10^{-3}$ , 1/сутка ( $\delta=0,01$ )	$q \cdot 10^{-3}$ , 1/сутка ( $\delta=0,02$ )
0	0,02000	0,02000	0,02000	0,02000
1	0,20000	0,20018	0,20052	0,20201
2	0,20000	0,20018	0,20052	0,20201
Нисбий хатолик, %	0,0 %	0,09	0,26	1,005

## Ортотроп жисмлар учун икки ўлчовли термоэластик боғлиқ масалани компьютерли моделлаштириш

*Азиз Абдуқаямович Қаландаров, Абдуқаям Қаландаров, Аваз  
Мухиддинович Маматов*

*Гулулисто давлат университети, Гулистон ш.*

Замонавий техникани ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири, бу бино ва иншоотларнинг конструкцияларида турли термо-механик хусусиятларга эга бўлган композицион материаллардан фойдаланиш ҳисобланади.

Мақолада анизотроп жисмлар учун динамик термоэластик боғлиқ масала қаралган. Бу чегаравий масала гиперболик типга тегишли ҳаракат тенгламаси ва параболик типга тегишли иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаларидан ташкил топган бўлиб, тенгламаларда кўчиш функцияси ва температура ноъмалум сифатида қатнашади. Қаралаётган масала учун ошкор ва ошкормас типдаги чекли айирмали схемалар қурилган ва улар икки хил усулда сонли ечилган ва натижаларнинг устма-уст тушишлиги кўрсатилган.

**Масаланинг қўйилиши.** Термоэластикнинг боғлиқ динамик чегаравий масаласини қараб чиқамиз: у ҳаракат тенгламаси [1]

$$\sigma_{ij,j} + X_i = \rho \ddot{u}_i \quad (1)$$

анизотроп жисмлар учун Дюгамель-Нейман муносабати [6]

$$\sigma_{ij} = C_{ijkl} \varepsilon_{kl} - \beta_{ij} (T - T_0) \delta_{ij} \quad (2)$$

ва умумий ҳолда иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси [4]

$$\lambda_{ij} T_{,ij} - c_\varepsilon \dot{T} - T \cdot \beta_{ij} \cdot \dot{\varepsilon}_{ij} = 0 \quad (3)$$

бу ерда  $c_\varepsilon$  -доимий деформацияда иссиқлик сифими,  $\beta_{ij}$  -иссиқлик кенгайиши тензори,  $\lambda_{ij}$  -иссиқлик ўтказувчанлик тензори ва Коши муносабати

$$\varepsilon_{ij} = \frac{1}{2} (u_{i,j} + u_{j,i}) \quad (4)$$

қуйидаги бошланғич

$$u_i|_{t=t_0} = \varphi_i, \quad \dot{u}_i|_{t=t_0} = \psi_i, \quad T|_{t=t_0} = T_0 \quad (5)$$

ва чегаравий шартлардан иборат.

$$u_i|_{\Sigma_1} = u_i^0, \quad T|_{\Sigma_1} = \bar{T}_0, \quad \sigma_{ij}n_j|_{\Sigma_2} = S_i^0 \quad (6)$$

(1)-(6) масала кўчишларга нисбатан икки ўлчовли холда қуйидаги кўринишни олади

$$C_{1111} \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + (C_{1122} + C_{1212}) \frac{\partial^2 v}{\partial x \partial y} + C_{1212} \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} - \beta_{11} \frac{\partial T}{\partial x} + X_1 = \rho \frac{\partial^2 u}{\partial t^2}$$

$$C_{1212} \frac{\partial^2 v}{\partial x^2} + (C_{1212} + C_{2211}) \frac{\partial^2 u}{\partial x \partial y} + C_{2222} \frac{\partial^2 v}{\partial y^2} - \beta_{22} \frac{\partial T}{\partial y} + X_2 = \rho \frac{\partial^2 v}{\partial t^2} \quad (7)$$

$$\lambda_{11} \frac{\partial^2 T}{\partial x^2} + \lambda_{22} \frac{\partial^2 T}{\partial y^2} - c_\varepsilon \frac{\partial T}{\partial t} - T(\beta_{11} \frac{\partial^2 u}{\partial x \partial t} + \beta_{22} \frac{\partial^2 v}{\partial y \partial t}) = 0 \quad (8)$$

мос равишда бошланғич

$$u(x,t)|_{t=0} = \varphi_1, \quad \frac{\partial u}{\partial t}|_{t=0} = \psi_1, \quad v(x,t)|_{t=0} = \varphi_2, \quad \frac{\partial v}{\partial t}|_{t=0} = \psi_2, \quad T(x,t)|_{t=0} = T_0 \quad (9)$$

ва чегаравий шартлар

$$u(x,t)|_{x=0} = u_0, \quad u(x,t)|_{x=\ell} = \bar{u}_0, \quad T(x,t)|_{x=0} = T_1(t), \quad T(x,t)|_{x=\ell} = T_2(t) \quad (10)$$

**Ечиш методи.** (7) ва (8) тенгламалардаги хусусий ҳосилаларни айирмалар билан алмаштириб қуйидагига эга бўламиз [2,3,4]

$$C_{1111} \frac{u_{i+1,j,k} - 2u_{i,j,k} + u_{i-1,j,k}}{h_1^2} + (C_{1122} + C_{1212}) \frac{v_{i+1,j+1,k} - v_{i-1,j+1,k} - v_{i+1,j-1,k} + v_{i-1,j-1,k}}{4h_1h_2} +$$

$$C_{1212} \frac{u_{i,j+1,k} - 2u_{i,j,k} + u_{i,j-1,k}}{h_2^2} - \beta_{11} \frac{T_{i+1,j,k} - T_{i-1,j,k}}{2h_1} = \rho \frac{u_{i,j,k+1} - 2u_{i,j,k} + u_{i,j,k-1}}{\tau^2} \quad (11)$$

$$C_{1212} \frac{v_{i+1,j,k} - 2v_{i,j,k} + v_{i-1,j,k}}{h_1^2} + (C_{2211} + C_{1212}) \frac{u_{i+1,j+1,k} - u_{i-1,j+1,k} - u_{i+1,j-1,k} + u_{i-1,j-1,k}}{4h_1h_2} +$$

$$+ C_{2222} \frac{v_{i,j+1,k} - 2v_{i,j,k} + v_{i,j-1,k}}{h_2^2} - \beta_{22} \frac{T_{i,j+1,k} - T_{i,j-1,k}}{2h_2} = \rho \frac{v_{i,j,k+1} - 2v_{i,j,k} + v_{i,j,k-1}}{\tau^2} \quad (12)$$

$$\lambda_{11} \frac{T_{i+1,j,k} - 2T_{i,j,k} + T_{i-1,j,k}}{h_1^2} + \lambda_{22} \frac{T_{i,j+1,k} - 2T_{i,j,k} + T_{i,j-1,k}}{h_2^2} -$$

$$- c_\varepsilon \frac{T_{i,j,k+1} - T_{i,j,k}}{\tau} - T_0 (\beta_{11} \frac{u_{i+1,j,k+1} - u_{i-1,j,k+1} - u_{i+1,j,k-1} + u_{i-1,j,k-1}}{4h_1\tau} +$$


$$+ \beta_{22} \frac{v_{i,j+1,k+1} - v_{i,j-1,k+1} - v_{i,j+1,k-1} + v_{i,j-1,k-1}}{4h_2\tau}) = 0 \quad (13)$$

Бу масала қуйидагича иссиқлик таъсирига учраган четлари маҳкамланган квадрат пластина учун тўрлар усули ва ҳайдаш усуллари билан сонли ечилган:




$$T(x, y, t)|_{t=0} = T_0 + T_0 \sin\left(\frac{\pi x}{l_1}\right) \sin\left(\frac{\pi y}{l_2}\right)$$

а) Ошкор схема



б) Ошкормас схема



1 расм. а,б.  $u(x,y,t)$  кўчишларнинг тарқалиши ( $t = 0.08$ )

Расмлардан кўриниб турибдики иккита метод билан олинган натижалар бир-бирига жуда яқин, бу эса ечимнинг тўғрилигини исботлайди.

#### Адабиётлар

1. Новацкий В. Динамические задачи термоупругости. -М.: «Мир», 1970. 256 с.
2. Khaldjigitov A.A., Qalandarov A., Nik M.A.Asri Long., Eshquvatov Z. Numerical solution of 1D and 2D thermoelastic coupled problems. International journal of modern physics, 2012. Vol. 9, pp. 503-510.
3. Халджигитов А.А., Каландаров А.А., Сагдуллаева Д., Юсупов Ю. Численное решение связанной задачи термоупругости для ортотропного параллелепипеда // Проблемы механики. – Ташкент, 2012.- №4. -С. 9-14.
4. Каландаров А.А. Численное решение двухмерной связанной задачи термоупругости для изотропных тел // Вестник НУУз, – Ташкент, 2013.- №2. -С. 75-77.

### **Орол муаммоси дунё ҳамжамиятининг тақдири**

*Розикова Мехринисо Содикжоновна*

*“Ипак йўли” туризм халқаро университети, Самарқанд шаҳри*

Охирги йиллар сарҳисоботидан биламизки, олиму тадқиқотчиларнинг диққат назарида бутунжаҳон Орол муаммоси ва унинг бартараф этиш муаммоси, кўндаланг масъала бўлиб турибти. Биламизки, бу муаммо Она сайёраамизнинг глобал муаммосидир. Бу масъала 20 асрнинг ўрталаридан то ҳозирги кунга қадар табиат ихлосмандлари, илмий ходимлар ва олиму тадқиқотчиларни қизиқтириб келади. Охирги йилларга қадар Орол денгизи Азол денгизидан икки марта катта бўлиб, Белгия ва Голландия давлатларининг ҳудудида жойлашган эди. Орол денгизи ҳажм жиҳатдан, бутун жаҳон кўллари Шимолий Африканинг Ҳазар-кўли ва Виктория (Африка)дан кейинги тўртинчи ўринда турар эди. Қорақалпоғистон, Хоразм, Тошхавз ва бошқа

яқин вилоятлар Орол денгизи буғланишини сезишар эди. Ҳозирги кунда эса бу минтақаларнинг ҳавоси куриб кетган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Америка қўшма штатининг Нью-Йорк шаҳрида, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида<sup>11</sup> БМТ Бош котибининг "сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчас боғлиқ", деган позициясини тўла қўллаб-қувватлаб, жаҳон ҳамжамияти эътиборини Орол фожиасига қаратган эди. Орол фожиасини жаҳон ҳамжамияти аллақачон глобал муаммолардан бири сифатида тан олган. Бугунги кунда бу экологик инқироз оқибатларини бартараф этишга қаратилган ҳаракатларни бирлаштириш Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу глобал муаммо жаҳон майдонига келиши билан, аниқроғи 20 асрнинг ўрталаридан бошлаб, Орол ҳавзасига бағишлаб Ҳалқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар, тадбирлар ўтказилиб, ундаги таклиф ва хулосалар амалга кенг тарғиб қилинмоқда. Шулардан бири, 2018 йил 8 июн куни Тошкент шаҳрида “International Hotel Tashkent” меҳмонхонасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси асосий ташкилотчилигида ҳамда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси, Марказий Осиё минтақавий экология маркази, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, Жаҳон банки ва Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг (GIZ) Ўзбекистондаги ваколатхоналари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори (ЕХХТ), Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Доимий кўмитаси, “Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” акциядорлик жамияти, Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси илмий-ахборот маркази ва бошқа қатор халқаро ва маҳаллий ташкилотлар ҳамкорлигида “Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлар: янгича ёндашувлар, инновацион ечимлар ва инвестициялар” мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтган эди, анжуманда кўриб чиқилган муаммолар ечими турли хил бўлгани билан бирга муаммо кўлами минтақа экотизимларини тиклаш ва барқарор ривожланишга қаратилган саъй-ҳаракатларга бағишланган<sup>12</sup>. Анжуман иштирокчиларининг берилган таклифларига кўра оролбўйидаги экологик муҳитни барқарорлаштиришнинг энг қулай ва арзон усули – бу ўрмонзорлар барпо қилишдир. Денгизнинг қуриган қисми 5,5 миллион гектар бўлса, шундан 3,5 миллиони Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади. Унинг 2 миллион гектарини ўрмонзорга айлантиришга эришса, вазият анча

<sup>11</sup> <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

<sup>12</sup> Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги

яхшиланади. Бунинг учун эса ҳар йили 100 минг гектар майдонни ўрмонга айлантириш чорасини кўриш зарур. Агар шу тарзда жадал ҳаракат қилиб, денгизнинг қуриган қисми яшиллик билан ўралса, 15-20 йил орасида бу муаммо хавфини бартараф этишга эришиш мумкин. Орол денгизини қуруши 5 миллион аҳолининг яшаш шароитига манфий зарар етказиши, экилган дарахтларни экологик жиҳатдан у ерда яшайдиган аҳолиларни тоза ҳаводан нафас олишларига ва бир қанча мавжуд касалликларни (нафас йўллари хасталликлари, камқонлик, бактерологик, қисқа умр кўриш, ошқозон ва бошқа турдаги касалликлар) олдини олишга хизмат қилади. Орол денгизини буткул қуриши эҳтимоли ва унинг глобал фожиясининг таъсирини тасаввур қилиш мушқил. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш иттифоқининг (World Health Organization)<sup>13</sup> маълумотига кўра 400000 км Орол денгизини масоҳати “экологик фалокат минтақаси”га айланган. Орол денгизининг атрофида Хоразм вилояти ва Қорақалпоқистон Республикасининг аҳолиси истиқомат қилади. Тадқиқотларнинг қайдига кўра Орол денгизи атрофидаги аҳоли ирсий касалликларнинг биринчи даражасига-мутацияларга учраган ва бу соғлиқни ёмон бўлиши, узоқ умр кўришнинг пастлашуви, жинсий носолим ва генофонднинг пастлашувига олиб келади.

Орол ҳавзаси ҳудудидаги жойлардаги чўлланишга қарши курашиш, мавжуд сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, ижтимоий инфратузилма, таълим муассасалари ва тиббиёт марказлари тармоғини кенг ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий фаровонлигини ошириш, минтақалардаги ҳайвонот ва ўсимлик оламини асраб-авайлаш каби масалалар юқоридаги муаммолардан бири бўлиб, бу, очиғи, Оролбўйи ҳудудидаги мавжуд вазиятга берилган муносиб баҳо ва уни ечишнинг оқилона ва тўғри йўлидир. Орол минтақасидаги муаммоларни бартараф этиш учун 1993 йилнинг январь ойида Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон ҳамкорлигида тузилган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) ташкил этилган эди. Шунини таъкидлаб айтиш лозимки, мамлакатимиз мазкур жамғарманинг таъсисчиларидан бири сифатида унинг ишини ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор бериб келган. Яқин йилларда эса, 2018 йилнинг 27 ноябрь куни Нью-Йорк шаҳридаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳида БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик Траст фонди фаолияти бошланди. Мазкур фаолиятнинг асосий мақсади миллий ва минтақавий чегаралардан аллақачон чиқиб бўлган ва борган сари бутун халқаро ҳамжамиятнинг ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилаётган Орол денгизининг экологик инқирозига халқаро


---

<sup>13</sup> 1948 йилда асос солинган бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослашган таркибий бир агентлиги.

жамоатчилик ва донор мамлакатлар эътиборини қаратишдир. Юқорида қайд этилганидек, генофонднинг салбий ўзгариш тенденцияси ва шу билан боғлиқ экологик вазиятни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари, халқаро ташкилотлар кўмагида бир қатор мақсадли лойиҳа ва дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Масалан, "Оролбўйи минтақасининг оналари ва болаларига экологик ва минтақавий ёрдам", Экосан-юнисефнинг "Аспера", "Орол муаммолари халқаро ҳамкорликка даъват", "Оролбўйи минтақасида туризм ва экотуризм", "Экосан" саломатлик поездлари, шунингдек, сув таъминоти ва санитария ҳолатини яхшилашга йўналтирилган қатор лойиҳаларни санаб ўтиш мумкин.

Бутун жаҳонро тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра, Орол фожиаси минтақадаги иқлим шароитини оғирлаштирди, ёз даврида қуруқлик ва жазирагани кучайтирди, қаҳратон қишларни узайтирди.

Яна шуниси аянчлики, Орол фожиасининг таҳдидли таъсири бутун дунёда кузатилмоқда. Халқаро экспертларни таъкидлашча, Орол минтақасининг захарли тузлари Антарктида соҳилларида, Гренландия музликларида, Норвегия ўрмонларида ва Ер қуррасининг кўплаб бошқа жойларида топилган.



Бу соҳадаги мутахассисларни башоратига кўра, 2035-2050 йилларга келиб минтақадаги ҳаво даражаси ҳозирги кўрсаткичларга нисбатан яна 1,5-3 даражага ўсиши мумкин.

Орол денгизининг қуриб бориши ва бунинг оқибатида экологик тизимнинг издан чиқиши, тупроқнинг шўрланиши ва саҳроланиш жараёни, сув ресурсларининг ифлосланаётганлиги, тоза ичимлик суви тақчиллигининг келтириб чиқаряпти. Айниқса, атмосфера ҳавоси қумли ва тузли бўронлар оқибатида ифлосланиб, натижада биологик хилма-хиллик кескин камайиб бормоқда. Минг таассуфки, Орол денгизининг қуриши баробарида табиий иқлим ўзгариб, минтақада жиддий ижтимоий-экологик вазият юзага келмоқда.

Таклиф этиладиган ғоя шундан иборат, ки Орол денгизини асраш бўйича фаолият юритаётган мавжуд фонд ва ташкилотлар ҳамкорлигида илмий-тадқиқот марказларини жаҳон стандартларига муносиб тарзда барпо этиш, марказни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган асбоб-ускуналар билан таъминлаш, марказ фаолиятига етук мутахассисларни бирлаштириш, мавжуд муаммо ечимини муайян чоратadbир, йўл харита ва режалар асосида амалиётга тadbирқ эта бориш.

2018 йилнинг август ойларида Турон фанлар академияси, Самарқанд минтақавий бўлимида Америка қўшма штатининг Колумбия ва Пелсенвания университети ҳамкорлигида ташкил топган “Студентлар Фонди” вакили Роберт Вилард ташриф буюрган эди. Бу фонднинг асосий мақсади Орол ҳавзаси худудидаги Амударё, Сирдарё, Хоразм ва бошқа минтақалардаги аҳолиси билан алоқа ўрнатиб, уларнинг яшаш шароити, муаммолари ва аҳоли билан биргаликда унинг ечимини топишдан иборат эди. Ёш тадқиқотчининг фикрича, у ердаги аҳоли фикр ва хулосалари Орол ҳавзаси муаммосининг тез ечиш ва бартараф этишга хизмат қилади. Биргина мисол, Робертнинг иккинчи маротибадаги ташрифида Америка қўшма штатларидан инвесторларни жалб қилиб, аҳолини тоза сув билан таъминлаш мақсадида сувни филтрловчи ускуналар, аҳоли учун ўқув асбоблари, программалар тақдим этилиб, у ердаги аҳоли таъбини хуш қилиш, оғирларини енгил қилиш ва баъзи бир касалликларини олдини олиш бўлган эди. Ана шундай унга ўхшаш фондларни бизнинг ҳар бир вилоятлардаги Олий таълим маркази қошида барпо этиб, уларни фаолиятини долзарб муаммоларга қаратиш ва ижобий ютуқларга эришадиган лойиҳаларни тақдим этиш билан бирга уни амалиётга тадрижан жорий этиб бориш, хориждан муайян муаммоларга қаратиб инвестицияларни жалб қилиниши-ўйлаймизки бу муаммоларни тез орада ижобий ҳал бўлишга замин ярата олади.

Хулоса қилиб айтганда, сувни тежаш ва унинг ресурс манбаларини ҳимоя этиш, биз фуқароларнинг амал қилишимиз бўлган муқаддас вазифамизнинг биридир.

Фойдаланилган адабиёт:

1. Ш.Ш. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 56 б.
2. Ш.Ш. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
3. Ш.Ш. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрельдаги ПҚ-3672-сонли “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 02 июлдаги ПҚ-3823-сонли “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 03 октябрдаги ПҚ-3956-сонли “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

7. <http://uza.uz/oz/>

8. <http://lex.uz>

9. <http://amunews.uz>

## **Иқтисодиётда кўрсатилаётган молиявий хизматлар тушунчаси ва уларнинг аҳамияти**

*Маликова Дилрабо Муминовна*

*Мустақил изланувчи, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институтини, Самарқанд ш.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони билан суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш вазифаси белгилаб берилган.<sup>14</sup>

Шу боис, мамлакатда иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштириш жараёнлари кучаяётган шароитда, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган хизматлар кўрсатиш, хусусан, молиявий хизматлар кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш мақсадида ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда иқтисодиётга янги инновацион хизматларни жорий этиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда такомиллаштириш вазифаси илмий тадқиқот ишларини олиб бориш долзарблигини белгилайди.

Молиявий хизматлар бу молиявий воситачилик хизматлари демакдир. Молиявий хизмат кўрсатувчи корхоналар қаторига банкларни, инвестицион банкларни, суғурта ва лизинг, брокерлик ҳамда бошқа кўпгина компанияларни киритишимиз мумкин. Молиявий хизматлар – пул тушуми бўйича жаҳонда энг етакчи ўринни эгалловчи соҳадир.<sup>15</sup>

Д.Г.Алексеева, В.К.Андреев, Л.В.Андреевнинг фикрига кўра: “молиявий хизмат бу юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жалб қилиш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир”.<sup>16</sup>

---

<sup>14</sup> <http://lex.uz/docs/3107036>

<sup>15</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Финансовые\\_услуги](https://ru.wikipedia.org/wiki/Финансовые_услуги)

<sup>16</sup> Д.Г.Алексеева, В.К.Андреев, Л.В.Андреева и др. Российское предпринимательское право. Учебник. М.: Проспект, 2011. – 1072 стр.

Масалан, Ю.Б.Фогельсоннинг фикрига кўра: “молиявий хизмат тушунчаси “молиявий воситачилик” ни, яъни бегоналарнинг пул маблағларини жалб қилиш ва жойлаштириш бўйича фаолиятни англатади. Шундан келиб чиқиб, молиявий хизмат деганда аввало молиявий воситачилик, бундан ташқари молиявий воситачилар, шунингдек бошқа шахслар томонидан молиявий воситачиларга кўрсатиладиган қўшимча, консультацион ва ахборот хизматлари тушунилади.<sup>17</sup>

Бизнинг фикримизча, молиявий хизмат – молиявий активлар билан учинчи шахслар манфаатлари учун ўз маблағлари ёки учинчи шахслар маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган операциядир. Молиявий хизматлар кўрсатиш бу тадбиркорлик фаолияти бўлиб, фойда олиш ёки молиявий активларнинг реал баҳосини сақлаб қолиш мақсадида кўрсатилади.

Хўжалик юритишнинг замонавий бозор шароитлари у ёки бу турдаги бизнеснинг максимал даражадаги муваффақияти ва ривожланиши учун амалга оширилаётган фаолиятнинг диверсификацияланишини тақозо этади. Бунда юридик шахснинг молиявий-хўжалик фаолиятининг диверсификация даражасига мазкур юридик шахснинг активлари ҳажми ўз таъсирини кўрсатади, яъни корхона қанча катта бўлса, шунча унинг хўжалик фаолиятида йўналишларнинг ҳам сони ортиб боради.

Ўзбекистонда иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар хизматлар кўрсатиш соҳасини тез суръатларда ва ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади. Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш<sup>18</sup> устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мамлакат иқтисодиётида молиявий хизматлар бозори муҳим ўрин тутди. Негаки, иқтисодиётда кўрсатиладиган молиявий хизматлар иқтисодий ўсишни таъминловчи пул капитали ҳаракатини амалга оширилишига кўмаклашади. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон молиявий хизматлар бозорининг ҳолати кўрсаткичлари ва ривожланиши жиҳатидан кўпгина ривожланган давлатлардан анча ортда қолмоқда. Мамлакатнинг ривожланиши, унинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси, айниқса, бозор иқтисодиёти фаолиятини белгилаб берувчи соҳа ва тармоқларда кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтиришни талаб этади.

---

<sup>17</sup> Защита прав потребителей финансовых услуг. М.Д.Ефремова, В.С.Петрищев, С.А.Румянцев и др.; отв. ред. Ю.Б. Фогельсон. М.: Норма, Инфра-М, 2010. – 368 с.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатла стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 7 феврал

## **COURSELAB** дастуридан фойдаланиб электрон таълим ресурсларини яратиш

*Ниёзов М.Б. – ГулДУ ўқитувчи*

*Абдуллаев Б.Б – ГулДУ 4-босқич талабаси*

Бугунги кунда ахборот тизимлари инсон фаолиятида, яъни бизнес, таълим, тиббиёт, ҳарбий ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилиб келинмоқда. Интерактив хизматларнинг пайдо бўлиши давлат ахборот тизимларининг кенг кўламда ишлатилишини билдирмоқда. Бу эса уларнинг асосий қўлланилиш соҳаларини кўриб чиқилишни аниқлаб берди. Шу билан бир қаторда бу соҳа бўйича малакали кадрларни тайёрлаш ҳам-давр талабидир. Таълим жараёнида илғор педагогик технологиялар ҳамда АКТдан фойдаланиш машғулотларни интерфаол режимда олиб боришга ва таълим тизимини такомиллаштиришга имкон беради.

Шу нуктаи назардан таълим жараёнида АКТда фойдаланишда педагогик дастурий воситалардан бири бўлган CourseLab дастурида асосида электрон таълим ресурсини яратиш ва ундан фойдаланишнинг методик ҳамда амалий асослари таҳлил қилинди. Ҳозирги кунда таълим йўналишларида фанларнинг компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган электрон таълим ресурслари амалиётга жорий этилиши билан белгиланади. Замонавий ўқитиш технологияларига илмий жиҳатдан методик ёндашувлар бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини, дунёқарашини жадал шакллантиради, дунёвий билимларини тез ва мустаҳкам ўзлаштиришлари учун замин яратади.

Электрон таълим ресурси – бу яқунланган дастурли маҳсулот бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти автоматлаштирилган ҳамда лойиҳалаштириш самарадорлигини оширишга йўналтирилган катта дастурли тизимларни лойиҳалаштиришнинг замонавий концепцияларидан фойдаланиш ҳисобланади. Электрон таълим ресурсларини яратиш имкониятини берувчи дастурлар сони ҳозирги вақтга келиб жуда кўп ҳисобланади.

CourseLab - бу Интернет тизимида, масофавий таълим тизимларида, компакт диск ёки бошқа ҳар қандай сақлаш қурилмаларида ишлатиш учун мўлжалланган интерактив таълим материаллари (Электрон таълим ресурслар) тайёрлаш учун мўлжалланган кучли ва ишлатиш осон бўлган дастурий воситадир.

Ҳозирда CourseLab дастурининг CourseLab 2.4, CourseLab 2.7 ва CourseLab 3.1 версиялари кенг қўлланилмоқда.

CourseLab дастурининг янги версияларида ушбу қўшимчалар қўшилган:



- Microsoft PowerPoint дан тақдимотлар импорти механизми қайта ишланган;

- Автофигураларни таҳрирлашдаги янги имкониятлар;

- Расмларни сиқиш механизми қўшилган;

- Дастурни безатиш темалари яратилди;

- Интерфейси мукамаллаштирилди.

CourseLab дастурининг асосий имкониятлари:

✓ WYSIWYG тизимида кўриш ва натижаларни олиш мумкин бўлган таълим материалларини яратиш ва таҳрир қилиш.

✓ Тузувчидан HTML ёки бошқа дастурлаш тилларини билишни талаб қилмайди.

✓ Объектив ёндашиш ҳар қандай мураккабликдаги таълим материалларини яратиш имконини беради.

✓ Ценарийлардан фойдаланиш мураккаб кўп «Объект»ли боғлиқликларни яратишни осонлаштиради.

✓ Тестларни автоматик яратиш механизмига эга.

✓ Очiq объектив интерфейс объект ва шаблонлар кутубхонаси ва фойдаланувчи яратган кутубхоналарни осонликча кенгайтириш имконини беради.

✓ Объектлар анимацияси механизмига эга.

✓ Таълим ресурсларига ҳар қандай Rich-медиянинг ҳар қандай турини – Macromedia Flash, Shockwave, Java ва ҳар қандай форматдаги видео-форматдаги файлларни жойлаштириш имконини беради.

✓ Мусиқий кетма-кетлик жойлаштириш ва синхронлашнинг осон механизмлари.

✓ Microsoft PowerPoint форматидаги тақдимотларни ўқув материалига жойлаштириш имконияти.

✓ Ҳар хил дастурий таъминотларнинг симуляцияларини яратиш имконини берувчи экранни суратга олиш механизмига эга.

✓ Амалларни изохлашнинг осон тилига эга.

✓ Малакали фойдаланувчига дастур файлларининг хусусиятларига тўғридан-тўғри JavaScript- кириш имконини беради.

✓ Электрон таълим ресурсларини кўриш учун Java нинг бўлиши талаб қилинмайди.

CourseLab ёрдамида яратилган таълим материаллари ишлатилиш турига қараб, электрон таълимнинг қуйидаги стандартларига мос келади:

➤ AICC (<http://www.aicc.org/>)

➤ SCORM 1.2 (<http://www.adlnet.org/>)

➤ SCORM 2004 (SCORM 1.3) (<http://www.adlnet.org/>)

Бугунги кунда таълим тизимининг барча йўналишларида электрон таълим ресурсларини яратиш, уларни ўқув жараёнига жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Закирова Ф.М., Мухамедханов У., Шарипов Ш. Электрон ўқув-методик мажмуалар ва таълим ресурсларини яратиш методикаси. Методик қўлланма.– Т.: ОЎМТВ, 2010.-64 б.
2. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).-Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009 - 160 б.
3. Олимов Қ.Т. Педагогик технологиялар. Фан ва технология. 2011. 275 бет.

### **Таълим тизими самародорлигини оширишда ахборот – коммуникатсион технологиялардан фойдаланиш.**

*Ниёзов М.Б. – ГулДУ ўқитувчи*

*Кабекова Г.Р. – ГулДУ 4 –босқич талабаси*

XXI аср – “Ахборот – коммуникацион технологиялари” асри. Бугунги кунда ахборот технологияларидан фойдаланиш, ахборотларни қабул қилиш ва узатиш, қайта ишлаш, ахборот манбаалар имкониятларини чуқур ўрганиб олиш шарт ва муҳимдир. Фан ва техника тараққиёти жамиятимизни ахборот жамиятига айлантди. Бу жамиятда фаолият кўрсатувчиларнинг аксарият қисми ахборотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва амалга ошириш билан банддирлар. Бундай ишларни ахборот-коммуникация технологияларсиз тасаввур этиш қийин.

Таълим сифатини оширишда ҳам, таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларни такомиллаштириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни кенг жорий этиш тақозо этилади. Замонавий билимлар сари кенг йўл очиш таълим тизимини такомиллаштиришда янги ахборот-коммуникация ва интернет технологияларидан унумли фойдаланиш – бугунги куннинг асосий талабига айланди. Ҳозирда биз янги яратилган технологиялардан, уларнинг инновацион салоҳиятларидан таълимда кенг фойдаланишни жорий этишимиз зарур.

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиб ўқув жараёнларини виртуаллаштирилган электрон таълим муҳитининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш зарур.

Ўқув жараёнига электрон таълим муҳитини амалга ошириш доирасида қуйидаги асосий масалаларни ечиш кўзда тутилган:

- электрон-ўқув ресурсларнинг умумий таснифи асосида уни яхлит объект сифатида шакллантириш, унинг асосий тузилмаси ва параметрларини тадқиқ этиш;

- электрон-ўқув ресурсларини веб-технологияларга асосланган ўқитиш тизимига жойлаштиришнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш;

- ўқув жараёнларини виртуаллаштиришнинг махсус дастурий фойдаланувчи интерфейси дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

- веб-технологияларга асосида яратилган дастур натижасини автоматлаштирилган тизимнинг дастурий таъминотини яратиш ва фанларни ўқитишнинг виртуал моделини яратиш;

Web-саҳифалар ва мобил иловалар яратиш технологиялари асосида махсус дастурий таъминот юкори даражадаги алгортмик тиллардан ва дастурий муҳитлардан фойдаланган ҳолда яратилиши мумкинлиги илмий асосланган. Бундай дастурий муҳитлар туркумига Delphi, C++, Java, HTML, PHP, Apache-Сервер ва бошқа муҳитлар киритилган бўлиб, уларнинг оптимал комбинацияси асосида тармоқда фаолият кўрсатиши мумкин бўлган (Клиент-сервер тизими асосида) ва тўла автоматлаштирилган ўқув жараёнининг виртуал моделлари таклиф қилинади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки ўқув жараёнларини такомиллаштиришнинг техник ва ташкилий асоси бўлган ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятлари тўлиқ таҳлил этилади ва веб-технологиялар ва мобил иловалар асосида ўқув жараёнларини бошқаришнинг интеллектуал тизими ишлаб чиқилади ва уни жорий этиш тамойиллари аниқланади. Ўқув жараёнларини такомиллаштириш таълим сифати ва самарадорлигини оширишга имкон яратади.

### **Таълим методлари.**

*Баракаева Гулсанам Сайфиллаевна СамДЧТИ Таржимонлик назарияси ва амалиёти факультети талабаси    Орипов Жавоҳир Аббос ўғли СамДЧТИ талаба Абдулатиф Абдурахманович СамДЧТИ Таржимонлик назарияси ва амалиёти факультети талабаси*

Метод, ўқитиш методи, усул, методика, қоида категорияларининг фарқи нимада?

Метод сўзи грекча тадқиқот, мақсадга эришиш ёъли, усули деганидир. Бу сўзнинг этимологияси (келиб чиқиши) унинг илмий категория сифатидаги талқинида ҳам акс этган. “Метод – энг умумий маънода – мақсадга эришиш усули, маълум тарзда тартибга солинган фаолият”.

Яхши ўқитувчи – болаларга ҳақиқатни сўзлаб беради, буюк ўқитувчи эса ўша ҳақиқатга олиб борувчи йўлни кўрсатади.

*Адольф Дистерверг*

Таълим методлари дейилганда, ўрганилаётган материални эгаллашга қаратилган турли дидактик вазифаларни ҳал этиш бўйича ўқитувчининг ўргатувчи иши ва ўқувчилар ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш усуллари тушунилади.

Таълим усули– таълим методининг таркибий қисми ёки алоҳида томони, методлар билан усуллар муносабати ўзаро бир-бирига боғланган. Усул ва метод бутун ва қисм сифатида бир-бирига боғланади. Усуллар ёрдамида фақат педагогик ёки ўқув вазифасининг бир қисми ҳал қилинади. Худди шу методик усуллар турли методларда фойдаланилган бўлиши мумкин. Ва аксинча худди шу метод турли ўқитувчилар томонидан турли усулларда очиб берилиши мумкин. Методика – бу хусусий дидактика, яъни бирор бир фанни ўқитиш назарияси. Ўзаро таъсир утишнинг турли шакллари ўрганиш асосида бирор фанни ўқитиш ва ўрганиш йўллари ўқув фани методикаси ишлаб чиқади ва таълим олувчиларга таъсир этишнинг аниқ тизимини ўқитувчиларга таклиф этади. Бу тизимлар ДТС, ўқув дастури ва дарсликларда очиб берилувчи таълим мазмунида ўз аксини топади ҳамда таълим методлари, шакллари ва воситалари орқали амалга ошади. Ўқув фани методикаси дидактика билан мустаҳкам боғланган ва унинг умумий қоидаларига таянади.

Қоида – танлаб олинган метод билан боғлиқликда фаолият усуллари амалга ошириш учун қулай тарзда ҳаракат қилиш зарурлигини белгилаб берувчи меъёрий кўрсатмалардир.

Таълим методлари таснифи<sup>19</sup>:

1. Анъанавий (манбасига кўра) таълим методлари (Е.И.Голант, Н.М.Верзилин ва бош.)
2. Ўқувчиларнинг билиш фаолияти тавсифига кўра таълим методлари таснифи (И.Я.Лернер ва М.Н.Скаткин).
3. Асосий дидактик мақсадларига кўра таълим методлари таснифи (М.А.Данилов ва Б.П.Есипов).
4. Таълимнинг бинар методлари (М.И.Махмутов).
5. Яхлит ёндашув бўйича таълим методлари таснифи (Ю.К.Бабанский).
6. Таълимнинг интерфаол методлари.

Ҳикоя– бу ўқитувчи томонидан ўқув материални кетма-кет баён қилиш бўлиб, у одатда тасвирий воситалар ёрдамида таълимнинг барча босқичларида, кўпроқ бошланғич синфларда қўлланилади. Ҳикоянинг ахборотлар билан бойитилиши мақсадга мувофиқдир.

Сухбат – саволлар ва жавоблар шаклидаги диалогик таълим методи бўлиб, у фанга қадимдан маълум, хатто ундан ўз фаолиятида Сукрот ҳам моҳирона фойдаланган. Сухбат таълим жараёнида кўп

---

<sup>19</sup>Педагогика: Учебник / Л. П. Крившенко, М. Е. Вайндорф-Сысоева и др.; Под ред. Л. П. Крившенко. С.278

функсиялар (ақлий фикрлаш, ҳозиржавоблик, мулоқот маданияти ва бошқа сифатларни шакллантиради) бажаради, аммо асосийси ўқувчида фаолликни юзага келтиради. Сухбат ўқитувчи фикрига мос ҳаракат қилиш, натижада янги билимларни босқичма-босқич эгаллашга имкон беради.


Яқуний сухбат ўқувчилар томонидан эгалланган билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш мақсадида амалга оширилади.

Катехизисм (қисқа баёнли) сухбат – ўқувчиларнинг бошланғич билим даражаси ҳамда уларнинг янги ўқув методикасини ўзлаштиришга тайёргарлигини аниқлаш учун тажрибали ўқитувчилар томонидан дарс аввалида ёхуд ўрганилган материални мустаҳкамлаш учун дарс сўнггида қўлланилади. Эвристик сухбат янги билимларни муаммоли тарзда эгаллашга йўналтирилади. Бунда саволлар шундай кетма-кетликда берилиши зарурки, натижада уларга «ҳа» ёки «йўқ» тарзидаги жавобларни олиш эмас, аксинча, ўқувчиларни мустақил фикрлаш, уларда фаолликнинг юзага келишини таъминлаш, уларни таҳлил қилишга ундаш, далилларни илгари суришга эришиш имконияти яратилсин. Демак, эвристик сухбат жараёнида ўқувчилар билимларни ўзларининг тиришқоқликлари ва мустақил фикр юритиш лаёқатига эгалликлари боис ўзлаштира олинсинлар. Тушунтириш ўқув материални исбот, таҳлил, умумлашма, таққослаш асосида баён қилишдир. Бу метод ҳикояга нисбатан бирмунча кенг қўлланилади. Ундан одатда назарий материаллар ҳамда мураккаб масалаларни ўрганишда фойдаланилади. Тушунтириш жараёнида ўқув материалининг бир қадар қийин унсурлари кўзга ташланади ва шу асосда материалнинг моҳияти очиб берилди. Тушунтириш самараси кўп ҳолларда ўқитувчининг кўрғазмали воситалардан оқилона фойдаланишига боғлиқ бўлади. Маъруза – йирик ҳажмдаги ўқув материални оғзаки баён қилиш саналиб, унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: қатъий мантиқий кетма-кетлик, узатилаётган ахборотларнинг кўплиги, билимлар баённинг тизимлилиги. Мактаб маърузаси мазмунини мураккаб тизимлар, ҳодисалар, объектлар, жараёнлар, уларнинг сабабли-оқибатли боғланишлари, қонун ва қоидалар ташкил этади. Шу боис маъруза мактаб шароитида юқори синфлардагина қўлланилади. Чунки у бутун дарс жараёнини қамраб олиши мумкин. Маъруза методи тушунтириш ва сухбатнинг аста-секин кенгайиб боришидан вужудга келади ва бир вақтида ўқувчиларни қисқача ёзиб олиш (конспектлаш)га ўргата боради.

Таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашда кўрғазмали методлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Намойиш методи (демонстрация) ўрганилаётган объект ҳаракат динамикасини очиб беришда қўл келади ва айни чоғда предметнинг ташқи кўриниши ва ички тузилиши ҳақида тўлақонли маълумот беришда кенг қўлланилади. Табиий объектларни намоёниш қилишда одатда унинг ташқи кўриниши (шакли, ҳажми, миқдори, ранги, қисмлари, уларнинг ўзаро муносабатлари)га эътибор

қаратилади, сўнгра ички тузилиши ёки алоҳида хусусиятларини ўрганишга ўтилади. Кўрсатиш кўп ҳолатларда ўрганилаётган объектларнинг субъекти ёки чизмаси ёрдамида кузатилади. Тажрибалар намоиши эса синф тахтасига чизиш ёки ўқитувчининг махсус жиҳозлар ёрдамида кўрсатиб бериши ҳисобига амалга ошади, бунда ушбу тажриба асосида ётувчи тамойилларни тушуниш осонлашади. Иллюстрация намоиш методига чамбарчас боғлиқ бўлсада, дидактикада алоҳида ўрганилади. Иллюстрация нарса, ҳодисалар ва жараёнларни уларнинг рамзий кўринишлари – чизма, порт, расм, фотосурат, ясси моделлар ва бошқалар ёрдамида кўрсатишни тақозо этади.

Намоиш ва иллюстрация методлари ўзаро боғлиқликда бир-бирини тўлдирган ҳолда қўлланилади. Агар ҳодиса ва жараённи ўқувчи яхлит ҳолда қабул қилиши зарур бўлса намоишдан фойдаланиш, агар ҳодиса моҳияти ҳамда унинг унсурлари ўртасидаги боғланишларни англаш талаб этилса Иллюстрацияга мурожаат қилинади. Иллюстрациянинг самараси кўпинча ўқитувчи томонидан кўрсатув технологияси қай даражада ўзлаштирилганлигига боғлиқ бўлади. Кўрсатмалардан фойдаланишнинг билиш жараёнидаги дидактик аҳамияти ўрганилаётган объект моҳиятини тўлақонли ёрита олиши билан белгиланади. Аслида Иллюстрациялар олдиндан тайёрланиб, дарс жараёнида зарур ўринларда керакли ҳажмда кўрсатилади, акс ҳолда улар сонининг ошиб кетиши ўқувчиларни ҳодиса моҳиятини англашда чалғитади. Айрим ҳолларда тарқатма материаллар (фотосурат, жадвал, табиий объектлар ва бошқалар) ёки техник воситалар хизматидан фойдаланишга тўғри келади.



Амалий методлар ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган назарий билимлар ёрдамида уларда амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда алоҳида аҳамият касб этади. Машқ- аклий ёки амалий (жисмоний) ҳаракатларни бажариш кўникмаларини эгаллаш йўлидаги кўп марта такрорланишлар бўлиб, машқсиз кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш мумкин эмас. Машқлар оғзаки, ёзма, графикавий (техник жараёнлар моҳиятини ифодалаш), ижтимоий-фойдали, жисмоний ва бошқа турларга бўлинади.

## **Водные ресурсы республики Узбекистан: проблемы, решение и перспективы рационального использования**

*М.Юлдашов<sup>1</sup>, Д. Яхшибоева<sup>2</sup>, О.Бекмуродова<sup>3</sup>  
Навоийский Государственный педагогический институт*

Узбекистан поражает своими природными экологическими контрастами. Монотонные серые пустыни - и высокие заснеженные горы. Многоводные реки и необычайные безводные пространства.

В Конституции Республики Узбекистан экология окружающей среды возведена в ранг государственной политики. В ней четко определено: «Земля, ее недра, вода, растительный и животный мир и другие природные ресурсы являются общенациональным богатством, подлежат рациональному использованию и охраняются государством». Для Узбекистана, расположенного в аридной зоне, характерно наличие таких крупных природных источников запыления атмосферы как пустыни Каракумы и Кизилкум с частыми пыльными бурями. В последние годы к ним добавилось высохшее Аральское море.

Государственным комитетом по охране природы на территории Республики Узбекистан взято на учет более 400 памятников природы. Из них только около 80 памятников так называемой неодушевленной природы. К ним относятся различные кастовые рельефы, в том числе имеющие археологическую значимость гроты и пещеры, уникальные родники, водопады, имеющие большое научное значение вершины и геологические выносы. Особо остро в охране нуждаются уникальные подземные ландшафты с их загадочной и порой хрупкой красотой, создававшейся природой в течение многих тысячелетий.

Водные ресурсы республики составляют две самые крупные реки Узбекистана и вообще всей Средней Азии - Сырдарья и Амударья, затем идут озера с кристально чистой водой, которых в этой стране, однако, не очень много и, конечно же, удивительное Аральское море - очень соленое озеро, аналогов которому в мире нет.

Поверхностные воды на территории Узбекистана распределяются крайне неравномерно. На обширных равнинных местностях, занимающих почти две трети территории республики, воды очень мало. Но в то же время горные районы, расположенные на востоке страны, изобилуют реками. Такое неравномерное распределение поверхностных вод по районам республики характеризуется климатическими и географическими особенностями Узбекистана. Реки Узбекистана в основном формируются в горной части, так как именно в этих районах выпадает наибольшее количество осадков, и испарения здесь незначительны.

Вода и водные ресурсы страны - это то, что позволяет людям выжить и жить хорошо в условиях пустыни и жаркого климата. Итак, по сути, водные ресурсы Узбекистана - это источник жизни людей,

проживающих здесь, без которого этот регион был бы обречен на опустынивание.

Вода - это удивительная живительная сила, которая работает весьма эффективно, особенно когда люди в ней очень нуждаются. Ну а живительными силами Республики Узбекистан являются, безусловно, реки, озера и одно-единственное море-Арал.

Аральское море - когда-то бессточное соленое озеро, расположенное на территории Средней Азии, на границе Казахстана и Узбекистана. До начала обмеления Аральское море являлось четвертым по величине озером в мире. 21 миллион лет назад, в середине кайнозойской эры, Арал был соединен с Каспийским морем. Так, до 1573 года Амударья по рукаву Узбой впадала в Каспийское море, а река Тургай - в Аральское. На карте греческого ученого Клавдия Птолемея, который жил во 2 веке н.э., отмечены Аральское и Каспийское моря. В Каспий согласно карте впадали реки Амударья и Заравшан.

В 1989 году некогда единый Арал превратился в два абсолютно изолированных водоема - Северное (Малое) и Южное (Большое). В 2003 году площадь поверхности моря составила около четверти первоначальной, а объем воды - около 10%. А летом 2009 года восточная часть Южного (Большого) Аральского моря высохла. Специалисты с негодованием отмечают, что это море уже не спасти. А вот что касается Малого Арала: сохранить его у мира еще возможность есть.

«Процесс» усыхания Аральского моря - это самый крупный, наиболее катастрофический, уникальный «опыт» воздействия человека на природу. Природа и люди испытывают как бы тройной удар: климат становится сухим и резко континентальным, земля засолена и полностью теряет плодородие, резко ухудшается качество воды, предназначенной для орошения угодий и питья.

Но, несмотря на это, винить только человека в том, что произошло с морем, нельзя. Арал пересыхал и до этого, и не один раз. Так, археологами было установлено, что примерно в 13 веке на территории, которую сейчас занимает акватория Аральского моря, была построена мечеть и располагалось небольшое кладбище. Все это было найдено исследователями на высохшем дне Аральского моря.

Район Аральского моря занимает крайнее северное положение в зоне континентального субтропического климата. Его территория получает большое количество солнечного тепла, суммарная радиация составляет 130 - 140 ккал на 1 кв.см. Несмотря на немалую площадь такого водоема, как Арал, влияние окружающих пустынь оказывается преобладающим, что вызывает засушливость и континентальность климата. В приморской зоне, в Муйнакском и Бозатауском районах, по данным Среднеазиатского регионального научно-исследовательского метеорологического института, отмечается уменьшение вегетационного периода до 10 - 12 дней. В этой зоне изменилась также и суточная



амплитуда температур: по данным станций Тигровый мыс, Уяль, Муйнак - в два раза. В июле, температура увеличилась: по метеостанции Муйнак на 5,1°С, Уяль - на 2,1°, Тигровый мыс - на 1,9°, Аральское море - на 0,9°С.

По данным прибрежных станций на 2 - 3% уменьшилась среднегодовая относительная влажность воздуха, а весной и летом это уменьшение достигает 9%. Значительно увеличилось число засушливых дней. На 7 дней стало позже наступление весны и на 12 - 13 дней - осени. Равнинность рельефа дельты способствует беспрепятственному вторжению холодных воздушных масс с северо-востока. Они могут в зимнее время вызвать резкое понижение температуры воздуха до -28°С. В летний период территория дельты Амударьи находится преимущественно в области воздействия теплых сухих тропических континентальных масс, способствующих значительному повышению температуры воздуха в дневное время.

Аральское море - одно из самых знаменитых озер во всем мире. Однако оно получило такую известность не только благодаря своим значительным размерам, наличию большого количества разнообразных видов рыб и замечательной окружающей природной среде, но, к сожалению, благодаря еще и тому, что с 1960 водная поверхность моря начала стремительно сокращаться. Произошло это вследствие того, что властями было принято решение отвести две главные питающие озеро реки Амударью и Сырдарью с целью орошения хлопковых полей. Да, согласиться с тем, что озеру в настоящее время не угрожает опасность полного исчезновения, весьма трудно. Но, что сделано, то сделано и повернуть время вспять к сожалению уже не удастся никогда. Поэтому, единственное, что нам всем сейчас остается - это смириться с ужасной ситуацией, в которой оказался Арал, и попробовать найти некоторые плюсы даже в ней.

Например, можно развивать туризм. Что может предложить туристам Аральское море сейчас, когда поверхность его сократилась в разы по сравнению с тем, каким оно было буквально полвека назад? В настоящее время на месте высохшей части моря находится песчано-солончаковая пустыня, которая, кстати, уже успела получить свое собственное название. Это Аралкум. А пустыня туристам, уважающим активный отдых, может предложить увлекательнейшие джип-туры, маршрут которых обычно проходит через пустыню Кызылкум, все туристические города Узбекистана, пустыню Аралкум и собственно к самому Аральскому морю.

Итак, несмотря на произошедшую на Аральском море катастрофу, оно не потеряло своей привлекательности и красоты ландшафта, и закаты солнца на Арале все еще остаются одними из самых красивых. Да, берег ушел, и ушел довольно далеко, и образовалась вокруг моря безводная пустыня. Но не это ли может привлечь сюда туристов,

уставших от привычного и уже наскучившего вида голубых живых вод морей и океанов, волны которых весело и беззаботно плещутся на берегу.

**Айдаркуль** - искусственно созданное водное чудо, расположенное в северо-восточной части Узбекистана, в 50 км от города Нурата; является искусственным водохранилищем в Айдар-Арнасайской системе озер, занимающей общую площадь в 4000 кв.км. Система включает в себя три соленых озера: собственно, Айдаркуль, затем Арнасай и Тузкан. Озера расположены в солончаковой впадине юго-восточной части пустыни Кызылкум.

Неофициально озеро Айдаркуль называют бирюзовым «морем в песках», способным восхитить и очаровать даже тех, кто своими глазами наблюдал за самыми разными красотами и редкостями природы. Чистая вода и пустые, песчаные пляжи этого крупного бессточного озера имеют даже некоторое сходство с береговой линией Южной Каролины.

В 2005 году в Айдаркуле было 44,3 куб. км воды. Сегодня площадь озера составляет около 3000 кв.км. Длина его составляет почти 250 км, а ширина - до 15 км. Уровень Айдаркуля над уровнем моря Балтийской системы сегодня составляет 247 м.

Примечательно, что дальше трех километров от берега озера на обычной моторной лодке удалаться нельзя. Для того чтобы без риска добраться до центра Айдаркуля, необходим катер с мощным мотором.

Айдаркуль находится вдалеке от заселенных людьми мест, поэтому тишина - это отличительная благоприятная черта озера. У озера проживают всего 345 семей (около 1760 человек).

Район озера Айдаркуль имеет большой потенциал для рыболовства, кочевого скотоводства, и, безусловно, туризма. Также озеро привлекает туристов своими прекрасными пляжами и зарослями по берегам.

Итак, для любителей рыбалки наряду с традиционными видами рыб (сазан, усач карп, жерех, судак, сом, подлещик, чухонь) озерные ресурсы позволяют поймать и те виды, которые характерны исключительно для Средней Азии. Это: змееголов, маринка, тупак или Самаркандская хромуля. В некоторых водоемах также можно поймать уникальные экземпляры сома довольно больших размеров.

Вид ловли во всех водоемах носит в основном спортивный характер. Обычно рыболовные снасти рыбаки привозят с собой, но возможна и их аренда. Кстати, после рыбалки можно познакомиться с одним из древнейших городов мира - легендарным Самаркандом и его всемирно известными памятниками.

Итак, в заключение можно сказать, что озеро Айдаркуль - это не только изумительно красивая природа, чистый воздух и голубая вода, но это также целый мир, обособленный от обыденной для горожан цивилизации, полный захватывающих приключений и способный

подарить своему гостю море приятных впечатлений и незабываемых воспоминаний.

**Чарвакское водохранилище** - драгоценный камень Чимганских гор, искристо и весело переливающийся под яркими лучами солнца. На сегодняшний день - это водоем с кристально чистой водой, куда приезжают тысячи туристов, чтобы насладиться природой этого изумительно красивого края, здешними горами, песком, с удовольствием порыбачить, искупаться и как следует загореть, поплавать на катамаране и с ветерком прокатиться на лодке или скутере. В общем, все виды пляжного отдыха для приезжих здесь гарантированы.

Чарвак - это искусственно созданное водохранилище, расположенное в Бостанлыкском районе на севере Ташкентской области Узбекистана. Оно находится на реке Чирчик немного ниже по течению от места слияния рек Пском и Чаткал между отрогами Угамского и Чаткальского хребтов западного Тянь-Шаня.

Примечательно, что еще до постройки огромной чарвакской плотины, в месте, где сливаются Чаткал и Угам и появляется на свет река Чирчик, располагалось древнее поселение Ходжикент, в переводе на русский означающее «населенный святыми». Легенды сообщают, что лет Ходжикенту ничуть не меньше, чем Ташкенту (а это 2200 лет).

Литература:

1. Каримов И. А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. -Т.1997

## **Инвестицияларни молиялаштиришда тижорат банкларининг ўрни**

*А. Абдувохидов Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси,  
Э.Бўрибоев Ўзбекистон Республикаси Банк ва молия академияси  
тингловчиси*

2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг мухим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномасида кенг қамровли иқтисодий ислохотлар негизидаги мақсадларларга эришиш учун белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда «*ҳудудларни комплекс ривожлантириш тадбирларини изчил давом эттириш лозим*»<sup>20</sup>, – деб таъкидланди.

Мамлакатимизда охириги йилларда олиб борилаётган ислохотлар, иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот


---

<sup>20</sup> 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг мухим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси.// <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

таркибида саноатнинг улушини 2018 йилдаги 35 фоиздан 2019 йилда 37 фоизга ортиши режалаштирилган.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш йўналишида ҳудудлардаги мавжуд ҳолат Президентимиз томонидан танқидий таҳлил қилиниб, 2019 йилда ва ундан кейинги даврда вилоят раҳбарларининг биринчи навбатдаги вазифалари белгилаб берилди: «Бироқ айрим шаҳар ва туманларда бу ўта муҳим масалага етарлича эътибор берилмаяпти. Оқибатда, республиканинг 27 та туманида саноатнинг улуши вилоят кўрсаткичининг 1 фоизига ҳам етмайди. Шу сабабли, ҳар бир туман ва шаҳар саноатини ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқиш керак. Бу масалани, аввало, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар раҳбарлари алоҳида назоратга олиши керак»<sup>21</sup>.

Ҳар қандай инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш жараёнида биринчидан, молиялаштириш ресурсларини чекланганлиги шароитида лойиҳани бажарилишини таъминлаш, иккинчидан, пул маблағларини структурали ишлатилиши ва солиқ имтиёзларидан фойдаланиш эвазига ишлаб чиқариш харажатлари ва рискларини камайтиришга эришиш мақсад қилиб олинади.



1-расм. Кредитлар ҳажмининг ўсиш динамикаси.  
 Манба: Ўз.Рес. МБ маълумотлари.

<sup>21</sup> 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси.// <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

Марказий банк ички нархлар барқарорлиги, банк тизими молиявий мустаҳкамлигини таъминлаш ва узок муддатли истиқболда иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш мақсадларидан келиб чиқиб тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратилаётган кредитлар ҳажмини ва самарадорлигини ўрганиб боради. Бу билан пул-кредит сиёсати ва пруденциал назорат инструментларини қўллаш орқали тижорат банкларининг кредитлаш фаоллигига таъсир кўрсатади.

Ўз навбатида, тижорат банклари томонидан иқтисодиётга берилаётган кредитлар ҳажми ялпи талаб ва таклифга таъсир кўрсатиш орқали инфляция даражасининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Кредитлар ҳажми ошиши ва пул массаси ўсиши ўртасида кескин тафовутнинг вужудга келиши ҳамда ажратилган кредитларнинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши юқори суръатда ўзгариши мазкур кредитлар ҳисобига яратилган ички талабнинг бир қисми импорт ҳисобидан қопланаётганлигидан далолат беради (1-расм).

2018 йилда ажратилган кредитларнинг таркиби бўйича ўсиш суръатлари таҳлили, кредитларнинг ўзгариши асосан юридик шахсларга тўғри келиб, жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ўсиш суръатларига нисбатан 2–2,5 бараварга кўпроқ ошган. Шу жумладан, жисмоний шахслар томонидан олинган кредитларда ипотека кредитларининг салмоғи юқори бўлиб, уларнинг аксарият қисми Ҳукумат томонидан молиялаштирилган (2-расм).



2-расм. Иқтисодиётга ажратилган кредитлар қолдиги ва пул массасининг чораклик ўртача ҳажми ва ЯИМ.

Манба: Ўз.Рес. МБ маълумотлари.

2018 йилда юридик шахслар учун ажратилган кредитларнинг юқори даражада ўсишини давлат корхоналарига берилган марказлашган кредитлар билан изоҳлаш мумкин.



иЖисмоний шахсларга берилган кредитлар колдиги ўзгариши  
 Хўжалик юритувчи субъектларга берилган кредитлар колдиги ўзгариши  
 —Жами кредит портфелининг йиллик ўзгариши

### 3-расм. Миллий валютада кредитларнинг ўсиши.

Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Давлат инвестициявий сиёсатини албатта мустаҳкам тўлов қобилиятига эга банк тизими билан амалга оширади. Ўзбекистонда банклар фаолиятини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки функциясига киритилиб, Марказий банк ўзидаги муҳим дастак: пул-кредит сиёсатидан кенг фойдаланади. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси қайта молиялаштириш операцияларини амалга оширишнинг асосий механизми бўлиб, у пул-кредит сиёсатининг асосий воситалари(масалан, кредитлаш операциялари, марказий банкнинг депозит операциялари)га боғлиқдир. Қайта молиялаштириш ставкасини ўзгартиришнинг асосий тактик мақсадлари мамлакатда пул таклифини ошириш ёки камайтиришдан иборат.

Қайта молиялаш ставкасининг пасайишида бунинг акси бўлади. Мамлакатдаги тадбиркорлик(айниқса кичик тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектлар) муҳити, тижорат банкларининг аҳоли қўлида турган бўш маблағларни банк депозитларига жалб қилиш сиёсатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки аҳоли(Ўзбекистон Республикаси)нинг бугунги ҳаёт тарзи, унинг ойлик иш хақи миқдори ҳамда даромадлари инobatга олинса, аҳоли кунлик нормал ҳаёт кечиритидан орттирадиган маблағ миқдори унчалик ҳам катта миқдорни ташкил қилмайди. Одамлар оилавий бюджет маблағларини сақлаш ёхуд кўпайтириш мақсадида стабил ривожланиш тарихига эга бўлмаган тижорат банкларига сармояларини ишониб топширишмайди. Ушбу ҳолат мамлакатда тижорат банкларининг ресурс тақчилиги ҳамда тўлов қобилиятининг пасайиши каби салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Мамлакатда тижорат билан банд қатламнинг камайиб бориши аввало давлат иқтисодий қувватининг

пасайиши ҳамда миллий иқтисодиётга сармоя киритиш истагининг сусайишини келтириб чиқаради.

Давлат миллий иқтисодиётга инвестиция жалб қилишга оид сиёсат юритар экан, аввало миллий тўлов тизимида ислохотлар ўтказмоғи керак. Банк тизимини энг замонавий хизматлар ҳамда персоналлар билан таъминламоғи лозим. Давлатнинг пул-кредит сиёсати мамлакат фуқаролари каби инвесторлар учун ҳам очиқ(маълумотлар эълон қилиниб борилиши)бўлмоғи керак.

Бир сўз билан айтганда, давлат иқтисодиёти ривож, Ўзбекистоннинг 2035 йилда жаҳондаги етакчи иқтисодиётларнинг топ-50 талигига кириши<sup>22</sup>да мамлакатдаги инвестицион муҳит хорижлик инвесторлар учун оханграбодек ўзига тортмоғи керак.

## **Ўзбекистонда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро хамкорлигини таъминлашда технопарклардан самарали фойдаланиш йўллари**

*А.Абдувоҳидов, А.Бурханов Ж. Назаров  
Гулистон давлат университети*

Инновацион инфратузилманинг барча элементлари ўз вазифалари ва мақсадларига кўра, бир –бирига ўзаро яқин бўлишларига қарамасдан, уларнинг ўртасида сезиларли фарқлар ҳам мавжуд. Қуйида инновацион инфратузилманинг асосий элементларидан бири бўлган технопаркларни батафсил кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Технопарк ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, юқори технологияли бизнесни жадал тараққий эттириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобига маҳаллий ва минтақавий бюджетлар даромад қисмининг ўсишига олиб келади. Технопарклар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни ривожлантириш маҳаллий ҳокимият органларининг доимий қўллаб-қувватлашисиз амалга ошиши қийин кечади.


Ушбу тузилмаларни яратишдан кўзланган асосий мақсад инновацион соҳада ўз бизнесини бошловчиларни қўллаб-қувватлаш борасида инновацион муҳитни шакллантиришдан иборатдир. Мазкур тузилмалар фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- инновацион технологияларни яратиш ва уларни тижорат билан таъминлаш учун компаниялар ва тадбиркорларни рағбатлантириш;
- кичик ва ўрта инновацион компанияларнинг мустақил тарзда оёққа туриб олишларига кўмаклашиш;
- ушбу маҳсулотга бўлган минтақа ва мамлакат бозорларининг эҳтиёжини тўлақонли қондириш мақсадида илмий-техник маҳсулотларнинг сотиш бозорларига изчил ўтказилишини таъминлаш.

---

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожлантириш концепцияси. ННТ “Буюк келажак”.





1-расм. Технопарклар фаолиятининг асосий мазмуни.

Технопарк ўз резидентларига муайян инфратузилма хизматлари ва объектларини тақдим этади:

1. барча керакли жиҳозлар билан жиҳозланган офис бинолари, интернет, телекоммуникация, музокаралар ўтказиш хоналари, конференц-зал;

2. тадқиқот ва ҳисоблаш учун керакли ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар шаклидаги умумий имкониятлар;

3. резидентлар эркин мулоқот қилишлари мумкин бўлган кенг ҳажмли бинолар. Бундай биноларнинг мавжудлиги инновацион компанияларнинг биргаликда фаолият кўрсатишидан кутилаётган синергетик самарани янада оширишда муҳим ўрин тутаяди, бу эса ўз моҳиятига кўра технопарк фаолиятининг асосий вазифаларидан бири саналади. IdeaLabларнинг зарур эканлигини Том Аллен “Технологиялар оқимини бошқариш” номли ўз илмий –асарида изоҳлаб беради. Унинг фикрига кўра, иккита инсон ўртасидаги муносабатларнинг самарадорлиги улар орасидаги масофага боғлиқ бўлиб, масофа 50 фут (15,2м)дан ошса, мулоқотлар самардорлиги 7%дан ошмайди;


4. кўرғазма майдончалари;

5. матбаа маркази;

6. ижтимоий инфратузилма: машиналар, ошхона, кафе, спорт ва дам олиш марказлари, банкоматлар.

Технопарклар резидентлари ва иштирокчилари ўртасидаги алоқаларни қуйидагича тасаввур қилишимиз мумкин:





2-расм. Технопарк иштирокчилари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг йўлга қўйилиши.

## Инвестицияларни молиялаштиришда венчурли молиялаштиришнинг ўрни

*Б. Матрасулов З. Мирхамидова  
Гулистон давлат университети*

Жаҳон амалиётида инновацион лойиҳаларни ва корхоналарни молиялаштириш усули, уз хусусиятларига ва инфратузилмасига эга бўлган венчур капитали бозори яратилган. Айнан венчур капитали ғарб мамлакатларида инновацион лойиҳаларни инвестициялаш жараёнидаги, ички манбалар чегараланган вазиятда ва бошқа ташқи манбалар қўллаш имконияти йўқлигида, илмий янгиликларни молиявий негизи бўлиб хизмат қилди. Венчур капитали ёки венчурли молиялаштириш атамалари

инглизча “venture” сўзидан олинган бўлиб “юқори рискли янги корхона, фаолият тури” маъносини англатади. Венчурли корхона деб кичик 3-5та юқори малакали мутахассислардан (олимлар, кашфиётчилар ва менеджерлардан) иборат илмий-изланиш корхонаси тушунилади. Венчурли инвестор сифатида ушбу кичик венчур корхонасини акциядорлик капиталига(акцияларни сотиб олиш йўли билан ёки инвестицион кредит бериш орқали) ўз инвестицияларини узоқ муддатга, келажакда юқори даромад олиш мақсадида киритадиган инвесторлар тушунилади. Улар махсус венчур фондлари, йирик корпорациялар, банклар ёки ўз жамғармаларига эга бўлган жисмоний шахслар ҳам бўлиши мумкин. Венчур лойиҳалари асосан юқори технологик тармоқларни ривожлантиришга қаратилган бўлиб (компьютер технологиялари, телекоммуникация ва алоқа соҳалари, био- ва нанотехнологиялар, энергетика, фармацевтика ва бошқа тармоқлар) янги технологияларни, инновацион лойиҳаларни жорий этиш фаолияти сифатида ҳам талқин этилади. Мамлакатимиз иқтисодчи-олимларидан А.Узоқов ва бошқа ҳаммуаллифлар томонидан тайёрланган ўқув қўлланмада венчурли молиялаштиришга қуйидаги таъриф бериб ўтган эдилар «Венчурли молиялаштириш – бу молиялаштиришнинг шундай турики, бунда венчур капитали эгалари ва компания эгалари юқори рискли (хатарли) ва юқори даромадли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қиладилар. Бу ҳолатда лойиҳанинг хатари ташқи ҳолат(бошқарувнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, бозор инфратузилмасининг ривожланмаганлиги кабилар) билан эмас, балки янги технологиянинг режалаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқара олиш қобилияти ва бозорда бу маҳсулотни тан олиниши билан боғлиқ бўлади»<sup>23</sup>. Шундай қилиб, венчурли молиялаштириш акцияларга эгалик қилиш шаклида ёки инвестицион кредит бериш орқали инновацион лойиҳани инвестициялаб, маълум корхонани молиявий қўллаб-қувватлашда, бошқа манбалардан фойдаланиш мумкин бўлмаган шароитда инновацияларга хаётийлик бахш этадиган молиялаштириш усулидир. Венчурли инвестор ўз маблағларини фонд биржасида акциялари эркин савдода бўлган корхоналарга эмас, балки барча акциялар маълум юридик ва жисмоний шахслар ўртасида тақсимланган корхоналарга киритишни афзал кўради. Маблағ беғараз ва фоизсиз берилади, ундан ташқари банк кредитлари каби таъминот талаб қилинмайди (таъминот сифатида венчур инвесторнинг қўлида фақат сотиб олинган акциялар бўлади). Берилган маблағлар шартнома муддати тугагунча венчур фирмасидан қайтариб олинмайди. Лойиҳа муваффақиятли бўлган ҳолда компания юқори даромад олади ва уни акционерлар ва инвесторлар ўртасида бўлишади. Олинадиган даромад эса акция даромадининг тақсимооти каби бўлади ва инвесторларнинг

---

<sup>23</sup> Узоқов, Э.Носиров, Р. Саидов, М. Султанов Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. Уқув қўлланма, - Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006й., 173 бет.

улуши 80%гача келишиб олинади. Инвесторларнинг мақсади корхона бошқарувини эгаллаш эмас, шунинг учун акцияларни аксарият қисми кичик корхона раҳбариятида қолади, венчурли инвестор эса ушбу инновацияларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнида фаол қатнашади ва таъсисчи сифатида фойда улушини олади. Кейинчалик, инвестиция лойиҳаси амалга оширилгач, инвестор ўзига тегишли акцияларни фонд биржасида ёки корхона раҳбариятига олган нархидан юқорирок нархга сотади(чунки корхонанинг умумий қиймати ушбу даврга қадар ошган бўлади) ва шу тариқа «ўйиндан» чиқади. Венчур молиялаштиришнинг асосий афзаллиги ўртача даромадлилик даражасининг юқорилиги бўлиб, мамлакат иқтисодиёти бўйича кўриладиган даромаддан 2-3 баробар кўп миқдорни ташкил этади. Масалан, АҚШ иқтисодиёти бўйича 20 асрнинг охириги ўн йиллигида ўртача даромад даражаси 8% бўлса, венчур компанияларининг даромадлилик даражаси ўртача 20%ни ташкил этган.

Шундай қилиб, инвестиция лойиҳаларини венчур капитали ҳисобига молиялаштиришнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- Инвестиция лойиҳасини дастлабки босқичидан бошлаб ноаниқлик ва риск даражасини юқорилиги;
- Венчур капитали эгалари фоиз ва таъминот шартларини қўймайдилар ва узоқ муддатга тўғридан-тўғри акциядорлик капиталига инвестициялар киритадилар;
- Инвестициялар юқори илмий-технологик лойиҳаларга киритилиши ва даромадлилигига қараб сармоялар тармоқлараро тақсимланиши.
- Венчурли инвесторлар фақат маблағ ажратиш билан чегараланиб қолмайдилар, улар корхона бошқарувида фаол қатнашиб, ўз тажрибалари, малакалари, бизнес хамкорлари билан ёрдам бериб, керагича имкониятлар яратиб, венчур кичик корхонасига «илм – ишлаб чиқариш» жараёнидаги барча шароитлар яратиб беради.

Умумий қилиб айтганда, инвестиция лойиҳаларини венчур капитал ҳисобига молиялаштириш – бу юқори технологик тармоқлардаги корхоналарнинг оёқга туриши, ривожланиши ва инновацион маҳсулоти билан таънилишини таъминлайдиган инвестициялашни ноанъанавий юқоририскли тури Венчурли молиялаштириш қўллаш оқибатида ривожланган давлатлар бир қанча макроиқтисодий ютуқларга эришдилар, хусусан:

- Инвесторлар риск даражаси баландлигига қарамай инвестициялаш тўғрисида қарорлар қабул қилишлари, иқтисодиётда молиявий ресурсларни самарали тақсимланишига олиб келди;
- Янги инновацион корхоналар яратилиши юқори технологик тармоқларни ривожлантиришга, мамлакатни рақобатбардошлигини оширишга замин яратади;

- Янги иш ўринлар яратилиши, айниқса юқори интеллектуал бойлик эгалари янги инновацион соҳаларда салоҳиятларини намоён этишга молиявий имкониятлар барпо этилади;


- Мамлакатда даромадни ўртача даражаси ўсиши, чунки венчурли молиялаштиришда у нисбатан баланд бўлади ва бошқалар.

Инвестиция лойиҳалари венчур капитали ҳисобига молиялаштириш илмий-тадқиқот ишланмаларнинг тижоратлашувига, яъни инновацион ғоя тайёр инновацион маҳсулотга айланишига молиявий ёрдам беради. Ундан ташқари, илмий-тадқиқот ишланмаларга бўлган талаб венчурли инвесторларга юқори даромад олишга имконият яратиб, давлатга инновацион ривожланиш йўлига ўтишга, илм-техника тараққиёти даражасини оширишга туртки бўлади.

### **Миллий иқтисодиётда инвестициялар ва уларнинг иқтисодий ўсиш сифатига таъсири самарадорлигининг қиёсий таҳлили**

*С.Мамажонов, С.Абдурасулов  
Гулистон давлат университети*

Ўзбекистон республикасида ижтимоий соҳа ва иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2017 йилда 68,4 трлн. сўм (доллар эквиваленттида 13,4 млрд. АҚШ доллари) ёки 2016 йилга нисбатан 120,4 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди. Асосий капиталга инвестициялар ҳажми 2005 йилга нисбатан 5,1 марта, 2010 йилга нисбатан 2,0 марта ва 2015 йилга нисбатан 129,7 %га кўпайган.



**1-расм.**

**Ўзбекистон Республикасида 2005-2017 йилларда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар динамикаси<sup>24</sup>**

<sup>24</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг мазкур йиллар бўйича маълумотлари .

Қулай инвестиция мухитини шакллантириш ва инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида олиб борилган қатор ислохотлар натижасида ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 2017 йилда 12768,6 млрд. сўми (доллар эквивалентида 2493,3 млн. АҚШ доллари) ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 44,9 %га кўпайди ва жами инвестициялардаги улуши 18,7 ни ташкил этди.

2017 йилда инвестиция дастури доирасида маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича янги юқори технологик ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган йирик инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши қарийб 64,5 трлн. сўмлик капитал қўйилмаларни ўзлаштириш имконини берди. 2017 йилда 161 та замонавий ва йирик ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда ташки дунё билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларимиз ривожланиб ва кенгайиб бормоқда. Иқтисодий ўсиш манбалари ва асосий омилларининг таҳлили иқтисодиёт тузилмасини тизимли ва босқичма – босқич янгилаб борилиши, иқтисодиётга кенг кўламли инвестицияларни амалга ошириш ва шунингдек экспорт салоҳиятини жадал ривожлантириш эвазига иқтисодий фаолликнинг юқори суръатлари таъмин этилаётганлигини кўрсатмоқда.

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида модернизация жараёнларининг самарадорлигининг индикатор кўрсаткичлари динамикаси<sup>25</sup>

Кўрсаткичлар	2005 й.	2010 й.	2014 й.	2017й.
Янги қўшилган қиймат бўйича меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан % да	105,2	98,9	105,2	104,7
Машина ва асбоб ускуналарнинг эскириш даражаси, %	60,3	52,7	50,1	50,4
Асосий воситаларнинг янгилашиш даражаси,%	12,1	17,1	15,6	15,8
Машина ва асбоб-ускуналарнинг хизмат муддати йил	18	35	14	14
Машина ва асбоб-ускуналарнинг чиқиб кетиш даражаси	5,7	1,1	7,1	7,4

Бугунги кунда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти энергия сиғими кўрсаткичи Евроиттифокнинг умумий кўрсаткичидан қарийб 1,7 баробарга ортиқлиги мамлакатимизда яқин келажакда энергия ресурсларидан самарали фойдаланишнинг етарлича имкониятлари

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг мазкур йиллар бўйича маълумотлари .

борлигини кўрсатади. Жаҳон Банкнинг маълумотларига кўра Ўзбекистон иқтисодиёти дунё бўйича энергия сиғими энг юқори бўлган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Дунё мамлакатлари кўрсаткичлари билан таққослаш шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон меҳнат унумдорлигининг ўсиш кўрсаткичлари бўйича анча илгарилаб кетгани ҳолда, бу борада бир қатор жадал ривожланаётган мамлакатлар ва шу билан бир қаторда МДҲ мамлакатларини ҳам ортда қолдирмоқда. Масалан, 2005 – 2017 йилларда республика саноатида меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Малайзия ва шу каби бир қатор мамлакатларнинг худди шундай кўрсаткичларидан ортиқ бўлди.

Макроиқтисодий тадқиқотлар ва прогнозлаштириш институтининг С.Чепель раҳбарлигида бир гуруҳ олимларининг тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш сифати кўрсаткичлари бўлган инвестициялар самарадорлигини ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича истиқбол прогнозларини амалга оширилган<sup>26</sup>.

Тадқиқотларга кўра Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш сифати кўрсаткичларини яхшилаш, инвестициялар самарадорлигини ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда молиявий ва инвестицион ресурсларни тақсимоотида реал секторни модернизациялашдан аста секин мақбул эгилувчан стратегия қўллаган ҳолда босқичма-босқич эътиборни қуйидаги йўналишларга қаратиш лозим:

- давлат институтларини ва бошқарув технологияларини модернизациялаш, индустриал кичик бизнесни ривожлантирувчи янги давлат институтларини шакллантириш (2017-2021 йиллар, 1- босқич);

- молиявий тизимни ривожлантириш ва иқтисодиётни монетаризация ва энергия сиғими кўрсаткичлари бўйича ўртача жаҳон кўрсаткичларига яқинлашиш (2021-2025 йиллар, 2- босқич);

- Таълим сифатини ошириш билан бирга миллий инновацион тизимни ривожлантириш (2025-2035 йиллар, 3- босқич);

- Жорий (5-) ва истиқболда (6-) босқич технологик укладдаги замонавий ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга катта эътибор қаратиш, меҳнат унумдорлигини кескин ўстириш ва тўла бандликни таъминлаш (2030-2040 йиллар, 4- босқич);

- Яшил иқтисодиёт ва сунъий интеллект тамойилларини ва стандартларни юқори суръатларда жорий этиш (2040 йиллардан кейинги даврда).

Бу стратегиянинг бошланғич даврида давлат ўз фаолиятини қуйидаги йўналишларга қаратиши мақсадга мувофиқ:

---

<sup>26</sup>Чепель С. Долгосрочный прогноз развития национальной экономики и этапы перехода к ресурсосберегающей модели инклюзивного роста. Материалы IX/ Форум экономистов/ под общей редакции к.э.н. Ахмаджанова Ш.Х. Ташкент: IFMR.2017.-С.39.

**Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсиш сифатини ошириш ва ресурс тежамкорлик ҳисобига ривожланиш прогнозларининг миқдорий кўрсаткичлари<sup>27</sup>**

Йўналишлар ва устуворликлар	Индикаторлар	Амалга ошириш босқичлари				Баъзи йилидаги кўрсаткич (2015-2017 йиллар)
		2017-2021 йиллар, (1-босқич)	2021-2025 йиллар, (2-босқич);	2025-2035 йиллар, (3-босқич)	2030-2040 йиллар, (4-босқич);	
Иқтисодий ва инвестицион	ЯИМни (ўсиши, %да)	6,5-7,1	7-8	7-8	7-8	8,0
	Инвестициялар (ЯИМга нисбатан %да)	27-28	28-29	29-31	28-30	24-25
Ресурс бўйича самарадорлик	Энергия самарадорлик (дол/к.г.н.э.)	4,0	6,0-6,5	8,0-10,0	11,0-12,0	4,0
	Капитал қайтими (сўм/сўм)	3,5-4,0	3,5-4,0	4-4,5	4,5-5,0	4,0
Таркибий силжишлар ва давлат институтларининг сифати	Қайта ишлаш саноатининг улуши (%да)	25-30	35-40	40-45	45-50	25
	Давлатнинг самарадорлик индекси	1,9-2,1	2,2-2,4	2,8-3,2	3,5-3,7	1,7
Иқтисодий монетаризация даражаси	Хусусий секторга ички инвестициялар (ЯИМга %да)	28-32	37-40	55-60	80-85	
Бандлик даражаси	Ташқи миграция (меҳнат ресурсларига нисбатан мигрантлар улуши %да)	20-25	18-20	10-15	5-7	30

• энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш омили сифатида йирик давлат компанияларида ва корпорацияларида менежмент сифатини ошириш;

• истиқболда ривожланиш учун инвестицияларга маблағлар ажратиш манбаи бўлган корхоналарнинг жамғариш салоҳиятини

<sup>27</sup> Макроиқтисодий тадқиқотлар ва прогнозлаштириш институти маълумотлари.

ошириш учун улар ўртасидаги шартномалар бўйича тартиб-интизомни мустаҳкамлашни таъминлаш;

- инвестицион муҳитни яхшилашнинг муҳим инструменти бўлган хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш.

Кейинги босқичларда (2021-2025 йилларда) давлатнинг роли қуйидаги йўналишларга қаратилиши лозим:

- ресурстежамкорликни рағбатлантирадиган эркин рақобатни ва рақобатбардош бозорларни ривожлантириш;

- молиявий тизимни модернизациялаш орқали фонд бозорлари билан бирга замонавий молиявий бозорни шакллантириш.

Кейинги босқичларда инвестицион индикатор кўрсаткичлари ва ишбилармонлик муҳити бўйича Республикани жаҳоннинг ривожланган давлатлари кўрсаткичларига чиқиб олиши учун давлат ўз фаолиятини йирик миллий инфратузилма лойиҳаларига, миллий инновацион тизимга ва бошқа шарт шароитларни яратишга қаратиши лозим. Шу билан бир вақтда давлат Олий таълим тизмида ўқув-тарбия жараёни сифатини ошириш, инсон капитали сифатининг муҳим кўрсаткичи бўлган кадрлар рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароитларни таъминлаши лозим.

## **Ўзбекистонда замонавий ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш истиқболлари**

*Б. Матрасулов*

*Гулистон давлат университети*

Мамлакатимизда замонавий ахборот - коммуникация технологияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги 5349-сон "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони<sup>28</sup> ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатда рақамли иқтисодиётни, замонавий ахборот технологияларини давлат бошқарувида татбиқ этишни ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашни кўзда тутган ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорининг лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида эълонқилинди.

---

<sup>28</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги 5349-сон "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)



Шу билан бирга, 2030 йилга қадар «Рақамли Ўзбекистон» концепциясини ишлаб чиқиш юзасидан ҳам чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича-Харакатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида 2018 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг –Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари□ тўғрисидаги ПҚ- 3832-сонли қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг галдаги муҳим вазифалари сифатида - Инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари диверсификация қилиш учун криптоактивлар айланмаси соҳасида турли фаолиятларни, жумладан, майнинг (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлар форматида мукофот олиш имкониятини берувчи янги блоклар яратиш ва тақсимловчи платформани қўллаб-қувватлаш бўйича фаолият), смарт контрактлар (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар битилган электрон шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тарқатиш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш) шунингдек, «блокчейн» технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш; малакали кадрларни тайёрлаш; криптовалюталар ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш; бу борада ҳуқуқий базани яратиш кабилар назардатутилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон шароитида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг қонуниятлари, тенденциялари ва имкониятларини, хусусан, ахборот технологияларининг иқтисодиётнинг турли соҳаларига кириб бориш даражаларини илмий асосда ўрганиш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади. Ватанимиз тараққиёти ва истиқболи, мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган ислохотларнинг мувафаққияти миллий иқтисодиётимизга янги инновацияларни жорий қилишга бевосита боғлиқдир. Шу сабабли рақамли иқтисодиётни такомиллаштириш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий асосларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Харакатлар стратегиясида “...иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш”<sup>29</sup> бўйича муҳим

<sup>29</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида» 07.02.2017 йил. ПФ-4947.

вазифалар белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ- 5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнининг долзарблигини қуйидагилар билан асослаш мумкин.

Биринчидан, бугунги кунда Ўзбекистон шароитида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг қонуниятлари, тенденциялари ва имкониятларини, хусусан, ахборот технологияларининг иқтисодиётнинг турли соҳаларига кириб бориш даражаларини илмий асосда ўрганиш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади.

Иккинчидан, Ватанимиз тараққиёти ва истиқболи, мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти миллий иқтисодиётимизга янги инновацияларни жорий қилишга бевосита боғлиқдир. Шу сабабли рақамли иқтисодиётни такомиллаштириш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий асосларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Учинчидан, бутун жаҳон глобаллашув шароитида иқтисодиётни ахборотлаштириш билан бирга Ўзбекистоннинг глобал ахборот муҳитига интеграциялашуви учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Шу боис иқтисодий муносабатларнинг замонавий кўриниши сифатида рақамли трансформация муносабатларининг таъсир кучи ва аҳамиятига боғлиқ омилларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамнафас бўлиб яшаши жамиятга интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларини фаоллашувига кенг йўл очмоқда. Бир томондан интеграцион жараёнларнинг ривожланиши замонавий АКТдан фойдаланишни тақозо этса, иккинчи томондан бизнес трансформациясини вужудга келтирди. Ушбу жараёнларни иқтисодий-сиёсий жиҳатдан ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш давр талаби ҳисобланади. Қайд этилган фикр-мулоҳазалар узвий бирликда иқтисодий муносабатлар тизимига инновацияларни жорий қилиш билан бир қаторда Ўзбекистонда рақамли маконни шакллантиришнинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатларини тадқиқ

этиш заруратини белгилаб берди. Қолаверса, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида фаолият кўрсатаётган АКТ соҳаси корхоналарининг фаолиятини такомиллаштириш, замонавий блокчейн технологияларини қўллаш орқали корхоналарнинг ўзаро интеграциясини йўлга қўйиш, мамлакатда рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари бозорини, жумладан давлат хусусий шерикчилиги асосида технопарк ва коворкинг-марказлар фаолиятини ташкил қилиш орқали хорижий сармояларни жалб қилиш учун қулай шароит яратиш, замонавий телекоммуникация инфратузилмаси, алоқа технология ва тармоқларини ривожлантириш вазорийқилишни мувофиқлаштириш, давлат бошқарувида ва иқтисодиёт соҳаларида электрон хизматларни жорий қилиш, электрон тижорат ва дастурий таъминот бозорини ривожлантириш орқали рақамли иқтисодиётни юксалтириш, интернетнинг миллий сегментини, рақамли медиа-контентни ташкилий, моддий-техник ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш орқали ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

## **Инновацион муҳит концепцияси ва унинг тузилмасини такомиллаштириш**

*М.Нурмухаммидова, Ж.Бегимқулов  
Гулистон давлат университети*

Жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганлигини кўрсатмоқда.

Бугун ривожланишнинг инновацион моделлари ва “ақлли” технологиялар амалга оширилаётган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли фаровонлигини тубдан ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш, жамият ва давлатни ҳар томонлама ҳамда жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб олинди. Бошқача қилиб айтганда, биз Ўзбекистонни ишлаб чиқаришда инновация ва интеллектуал ҳиссанинг юқори улуши бўлган барқарор бозор иқтисодиётига, замонавий ва глобал бозорда рақобатбардош саноатга, шунингдек, қулай инвестициявий ва ишчанлик муҳитига эга жадал ривожланаётган мамлакатга айлантиришимиз лозим. Қўйилган мақсадларга Ўзбекистонни ривожланишнинг инновацион моделига тўлиқ ўтказмасдан туриб эришиш мумкин эмас, бу мамлакатда инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳамда давлат бошқаруви, иқтисодиёт устувор тармоқлари ва ижтимоий соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалда жорий қилишни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш заруратини

тақозо этади. Бироқ, бой интеллектуал ва инфратузилмавий салоҳиятга қарамасдан, мамлакатда инновацияларни жорий этиш ишлари тизимли асосда йўлга қўйилмаган, бунга қуйидаги тизимли муаммолар мавжудлиги сабаб бўлган: давлатнинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда замонавий фан ва инновацион технология-ларнинг ютуқлари ва ривожланиш тенденциялари лозим даражада комплекс таҳлил қилинмасдан ва ўрганилмасдан келган; инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни стратегик прогноз қилиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этишни, шунингдек, мамлакатнинг илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайдиган ягона орган мавжуд эмас; инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда давлат-хусусий шериклик имкониятларини кенг татбиқ этиш, инвестицияларни жалб этишга, шунингдек, инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун инфратузилмани такомиллаштиришга етарли эътибор қаратилмаяпти; юқори технологиялар, ноухау ва замонавий ишланмаларни жорий этишни талаб қилувчи устувор соҳа ва тармоқларни аниқлаш бўйича тизимли ва мақсадга йўналтирилган фаолият йўлга қўйилмаган; инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар соҳасида юқори салоҳиятга эга бўлган хорижий (халқаро) ташкилотлар билан ҳамкорлик паст даражада сақланиб қолмоқда. Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар, илмий ютуқларни жорий этишни рағбатлантиришнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан **“Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”**ги Фармон қабул қилинди. Мазкур Фармонга инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни кенг жорий этиш борасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалда рўёбга чиқариш бўйича муҳим қадам сифатида қараш мумкин. Фармон билан стратегик режалаштириш тизимини яратиш, давлат бошқарувининг инновацион шакллари амалга киритиш, фан ва инновация фаолиятини ривожлан-тиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш, ҳуқуқий базани такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг долзарб соҳаларига илғор технологияларни фаол жорий этиш каби мамлакат **инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари** белгиланди. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналиш бўйича ривожлантиришга йўналтирилган Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги **“Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** ги Қарорида қуйидаги масалаларга

алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли ҳаёт даражаси ва фаровонлигининг барқарор ўсишига имкон берувчи фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишга, фан ва инновацион фаолият жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил натижалари мамлакатда фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга тўсқинлик қилувчи, жумладан, қуйидаги қатор тизимли муаммолар мавжудлигидан далолат беради:

**биринчидан**, ҳудудларнинг мавжуд ресурс базаси ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда илғор ва замонавий инновацион ишланмалар, технологик лойиҳалар-стартаплар ва инновациялар бозорини тизимли таҳлил қилиш йўлга қўйилмаган; **иккинчидан**, инновацион лойиҳалар-стартапларга инвестиция-ларни жалб этиш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасига инновацияларни фаол жорий қилувчи иқтидорли тадбиркорлар фаолиятига кўмаклашиш ва мувофиқлаштириш ишлари лозим даражада амалга оширилмаяпти; **учинчидан**, инновацион ривожланиш соҳасида, айниқса, жойларда ишбилармонлик муҳити паст даражада, шунингдек, инновацион ва муваффақиятли технологик лойиҳалар-стартапларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш бўйича зарур кўникмаларга эга тадбиркорларнинг етишмовчилиги сақланиб қолмоқда; **тўртинчидан**, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларнинг маълумотлар базаси мавжуд эмас, янги ресурсларни яратиш ва тажрибани бизнес-тузилмаларга ўтказиш амалиёти ривожланмасдан қолмоқда; **бешинчидан**, инновацион ишланмалар бозорини қўллаб-қувватлаш механизмлари суст даражада ишлаб чиқилган, инновацион ғоялардан самарали фойдаланишни мувофиқлаштириш йўлга қўйилмаган, инновацион ишланмаларнинг сифати эса бозор талабларига жавоб бермайди; **олтинчидан**, инновацион ишланмалар, технологик лойиҳалар-стартаплар соҳасига техника олий таълим муассасалари битирувчилари ва иқтидорли ёшларни жалб этишга, шунингдек, бизнес-инкубаторларни яратишга лозим даражада эътибор қаратилмаяпти; **еттинчидан**, аҳоли ўртасида инновацион тадбиркорликни оммалаштириш ишлари самарали олиб борилмаяпти, инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқишга ва илгари суришга жалб қилишда техник ва психологик тўсиқлар сақланиб қолмоқда.

Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий ўқув юрти талабаларининг касбий маданиятни янада такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан биридир. Таълимни ахборотлаштириш – таълим соҳасини услубий-амалий жиҳатдан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва техник воситалари билан таъминлаш

---

<sup>34</sup>Ўзбекистон

Республикаси

Президентининг

«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармон и. // Ўзбекистон Республикаси Ҳонун Ҳужжатлари тўплами. Т.: 2017. - Б. 39.

хамда улардан самарали фойдаланиш асосида таълим-тарбия жараёнининг психологик-педагогик мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган жараёндир.

Умуман олганда, олий таълим муассасаларида касбий таълимни ахборотлаштириш орқали - касбий маданиятни юксалтириш, интеграл билимлар тизимини шакллантириш, ахборот етакчиларини ривожлантириш ва ҳуқуқий фанлар бўйича талабаларнинг мустақиллигини ошириш лозим. Бўлажак мутахассисларда ушбу педагогик компетенцияларнинг мавжудлиги касбий маданият сифатини аниқлаш учун мезон сифатида хизмат қилади.

## **Azot oksidlarining atrof-muhitga zararli ta'sirini kamaytirish Navoiy davlat pedagogika instituti**

*Ilmiy rahbar: U.B.Baxadirova*

*Talabalar: O.A. Hojiyev., S.M.Mansurov*

Fan va texnikaning jadal rivojlanishi natijasida atrof-muhitga juda ko'p zaharli gazlar va chiqindilar chiqarilmoqda. Buning natijasida atmosfera va tirik tabiat ekologik tanglikka yuz tutmoqda. Inson doimo o'zini o'rab turgan tabiat bilan uzluksiz aloqada bo'ladi. Bu o'zaro aloqadorlik bevosita yoki bilvosita xarakterga ega. Yer qat'iy o'z kattaligiga ega, undagi tabiiy resurslarining zaxiralari ham cheksiz emas. Ularning ko'plab turlarini qayta tiklanmaydigan xususiyatlari mavjud.

2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasida ushbu masala ya'ni "... atrof-tabiiy muhit, aholi sog'lig'i va genofondiga putur yetkazuvchi ekologik muammolarning oldini olish; ... "ga eng ustuvor yo'nalish sifatida qaralgan.[1]

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida so'zlagan nutqi (Nyu-York shahri, 2017 yil 19 sentyabr)da mintaqadagi ekologik muammo-Orol dengizi inqirozining mohiyatiga lo'ndagina tarzda ta'riflab berilgan: "... Bugungi kunning eng dolzarb muammolaridan biri – Orol halokatiga yana bir bor e'tiboringizni qaratmoqchiman. Mana, mening qo'limda – Orol fojiiyasi aks ettirilgan xarita. O'ylaymanki, bunga ortiqcha izohga hojat yo'q". Bundan tashqari O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasida ham sohaga oid muammolar va ularning yechimlari batafsil ochib berildi: "... Vaholanki, O'zbekiston juda boy tabiiy resurslarga, katta iqtisodiy salohiyatga ega bo'lgan davlat. Yurtimiz zaminida oltin, kumush, mis, uran, neft, tabiiy gaz, ko'mir kabi tabiiy qazilma boyliklarning katta zahiralari mavjud. Umuman, Mendeleevning kimyoviy moddalar jadvalidagi barcha elementlarni mamlakatimizdan topish mumkin ... Hamma gap ana shu bebaho boylikni xalqimiz manfaati

yo'lida oqilona va samarali ishlata olishda ...Bu boylikning katta qismi bekordan-bekorga isrof bo'layotgani albatta barchamizni o'ylantirishi, tashvishga solishi kerak. Chunki Xudo bunday ne'matni hammaga ham bermagan. Uni qadrlash, har bir misqolini asrab-avaylab ishlatish kerak". Har bir davlatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishida jiddiy muammolardan biri chiqindi muammosi hisoblanadi. O'zbekistonda ham bu muammo borgan sari murakkablashmoqda. Qazilma boyliklarni qazib olish, ma'dandan sof xom ashyoni ajratish jarayonlarida juda ko'plab qoplama hamda ma'dandan bo'shagan jinslar vujudga keladi. Ular qayta ishlanayotgan miqdorning 90-95 % ini tashkil qiladi. Konlardan olinayotgan ma'danlarda zarur elementlarning miqdori 1-5 % (rangli metallarda)ni tashkil qilishi mumkin, qolgan bo'sh(puch) jinslar chiqindi sifatida terrikon (uyum)larda yig'iladi. Vujudga kelgan sanoat chiqindilarining to'planib borishi ekologik va iqtisodiy jihatdan butunlay zararli, ularni mineralogik va kimyoviy tarkiblariga ko'ra turli sohalarda foydalanishni amalga oshirish maqsadga muvofiq. Qattiq tog' jinslarini radioaktivlik xususiyati bo'lmasa, maydalab qurilish materiali sifatida foydalanish ayni muddao. Ulardan sifatli shag'al, loy, qirrali g'ola tosh va boshqa foydali qurilishbop materiallarni tayyorlashning imkoni bor. Tog' jinslari jarlik, pastqamlilik va botiqlarni to'ldirishda asqotadi. Ba'zan qattiq jinslar: ohaktosh, angidridlar, gips, lyoss, loy, kaolin, bo'r va boshqa foydali elementlardan iborat bo'lishi mumkin, bu holda ularni turli sohalarda ishlatishga imkon bo'ladi. Kimyo va neft kimyosi sanoati chiqindilaridan turli foydali (mis, rux, qo'rg'oshin va b.) xom ashyolarni ajratib olish maqsadga muvofiq, ba'zilaridan o'g'it (lignin) sifatida, issiklik elektr stantsiyalarida ko'mir yoqish natijasida vujudga kelgan kuldanda shlaka-blok tayyorlashni yo'lga qo'yish, o'g'it sifatida foydalanish yaxshi natija beradi.

Atrof-muhitni muhofaza qilish muhim umumxalq va davlat ahamiyatiga molik vazifa bo'lib, nafaqat hozirgi, balki kelajak avlodlar farovonligi ham bu vazifaning muvaffaqiyatli hal etilishiga bog'liqdir. Bugungi kunda atrof muhitning ifloslanishi oqibatida insonlar salomatligi zaiflashib bormoqda. Butun borliq insoniyat salomatligida muhim ahamiyatga ega. Havo tarkibidagi zararli va zaharli birikmalar oqibatida insonlarda salbiy oqibatlar keng avj olib bormoqda.

Yuzaga keladigan kasalliklarni oldini olish va mavjud muammolarning yechimini topish dolzarb masalalardan biridir. Atmosfera havosiga salbiy ta'sir ko'rsatish bo'yicha ikkinchi o'rinda issiqlik elektrstansiyalari, qozonxonalar, neftni qayta ishlovchi korxonalar turadi. Atmosfera havosini ifloslantiruvchi moddalar turli-tuman bo'ladi jumladan, ekologik xolatlar bo'yicha faoliyat olib boruvchi mutaxassislar 2 mingga yaqin atmosferani ifloslantiruvchi moddalarni sanab o'tishgan. Ular o'z tabiati, ya'ni zichligi va inson organizmiga ta'sir muddatidan kelib chiqib turli noxush oqibatlarga olib kelishi mumkin.


Atrof muhitni muhofaza qilish va chiqindisiz texnologiyani yo'lga qoyishda quyidagi ishlarni bajarishimiz mumkin bo'ladi.

Navoiy shahri sanoatlashgan shaharlardan biridir. Texnika va texnologiyalarning rivojlanishi shubxasiz yuksalishlarga olib keladi, lekin atrof-muhit bundan aziyat chekadi. Masalan "Navoiy Azot" AJ dan ajralib chiqayotgan azot oksidlari buning isbotidir. Har yili ko'plab zaharli gazlar atmosferaga chiqib, molekulyar massasi og'irligi sababli havoga aralasha olmaydi. Natijada, zavod atrofidagi yer, suv va havo strukturalari o'zgaradi. Azot oksidlari tarkibidagi NO<sub>2</sub> (azot IV oksidi) gazi insonlar va hayvonot dunyosini nafas olish organlariga ta'sir qilib, fiziologik jarayonlarni buzilishiga olib keladi. Normal jarayonlarda o'pkadagi kislorod qondagi eritrotsitlarning gemoglobini temir ioni (Fe<sup>2+</sup>) ga birikadi. Lekin havo tarkibida NO<sub>2</sub> gazi esa shu jarayonga aralashishi va temir ioni bilan kislorodga qaraganda barqarorroq bog'lanish hosil qiladi. Shu bog'lanish esa uzoq muddat saqlanadi. Buning natijasida insonlarda bosh og'rigi, ko'ngil aynishi, nafas olishning qiyinlashuvi kuzatiladi. Zaharli gazlarning Yer usti va Yer osti suvlariga o'tishi natijasida kislotalik xususiyatlari oshib bormoqda, bu esa chuchuk suv yetishmasligi muammosini va uy hayvonlarida oshqozon-ichak xastaliklarini keltirib chiqaradi. Agar shu suvlardan poliz ekinlarini sug'orishda ishlatilsa, ular tarkibidagi azotli birikmalarni ortishiga olib keladi va istemol qilinganda oshqozon-ichak faoliyatini buzadi.


Tuproqda ham azotli birikmalar ortishi natijasida uning qarida yashovchi mikroorganizmlarga letal ta'sir ko'rsatadi. Tuproqning kislotaliligi oshib borishi natijasida uning tarkibidagi tirik mikroorganizmlar malum bir darajada qirilib ketadi va uning cho'llanishi boshlanadi.

"Navoiy Azot" AJ dan ajralib chiqayotgan NO<sub>2</sub> (azot IV-oksidi) gazi yuqorida keltirilgan muammolarga sababchi bo'lmoqda. Hammamiz bilamizki, NO<sub>2</sub> gazi havodan og'ir va atmosferaning pastki qatlamida qolib ketadi. Natijada zaharli tasir ko'rsatadi. Demak, bu gazni yig'ib olishimiz kerak, aslida bu gazdan sanoatda foydalansh mumkin. Bu jarayon quyidagi bosqichlarda olib borilishi mumkin:


1-bosqich: NO gazini atmosfera kislorodi bilan oksidlanishi. Bunda bosim 0.100 – 0.110 kPa. NO kameraga kiritilib, unda yetarli miqdorda havo yuboriladi. [ 2 ]




2-bosqich: Dimerlash. Hosil bo'lgan NO<sub>2</sub> gazini alohida ajratib olish uchun siqiladi. Bunda NO<sub>2</sub> gazi normal bosimda -5 – +15 °C oralig'idagi sharoitda dimerini hosil qiladi. Gazning temperaturasi shu intervalga kelguncha kompressatsiya jarayoni davom etadi. [ 3 ]




3-bosqich: Nitrat sintezi. Olingan dimerni suvda eritib, HNO<sub>3</sub> kislota olish. Bosim normal, Temperatura 50 – 60 °C.




Reaksiyon muhitda NO gazini ajralishi sodir bo'ladi va bu NO gazini yana havo O<sub>2</sub> bilan oksidlaymiz.



Temperaturani 50 – 60 °C oralig`ida saqlash kerak. Temperatura pasayishi eritmada N<sub>2</sub>O<sub>3</sub> sintezlanishiga olib keladi.



Temperaturani ko'tarilishi HNO<sub>3</sub> kislotani parchalanishiga olib keladi.



NO gazi ajralib boshlaganda reaksiyon muhitga havo yuboramiz. Gazlar aralashmasidagi NO gazi yonib, NO<sub>2</sub> ga yana aylanadi. Natijada NO<sub>2</sub> gazi reaksiyon muhitdagi HNO<sub>3</sub> kislota eritmasiga qayta adsorbsiyalanadi va nitrat kislotaning hosil bo'lish unumi oshadi.

4-bosqich: Reaksiyon muhitdagi gazlardan CO<sub>2</sub> gazini kompressorda qisib, suyultirib muhitdan chiqarib olamiz [4]

Atrof-muhitga tarqalayotgan me'yoridan ortiq zaharli gazlar va zararli chiqindilarning barchasini o'simliklar o'zlashtira olmaydi. Ortiqcha zararli moddalar o'simlik va mevalarda yig'ilib qoladi hamda ular har - xil yollar bilan inson organizmiga tushadi. Bu esa inson hayotida va ekologiyada bir qancha yuqorida aytilgan salbiy oqibatlarga olib keladi. Atrof muhitni asrab avaylash har birimizning insoniy burchimizdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Sh. Mirziyoyevning "Harakatlar strategiyasi" 2017 – 2021 yillar.
2. Н. Н. Гринвуд и А. Эрншо. "Неорганическая химия", 1997.
3. Жаворонок. Н. М., Кисиль И. М. Справочник Азотчика М. Химия 1987 г.
4. Перлов Е. И., Багдасарян В. С. Оптимизация производства азотной кислоты. – М.: Химия, 1983 г. С. 208.

## **Изучить влияние состава почвенного субстратана приживаемость и рост сеянцев фисташки в контейнерах**

*Хамзаев А.Х., Эшанкулов Б.И., Иномова М.М.*

*Научно-исследовательский институт лесного хозяйства.*

*Ташкент*

Широкомасштабные реформы в агропромышленном комплексе, проводимые под руководством Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёевым, направленные на повышение рентабельности сельского хозяйства, затронули и проблему ореховодства.

По Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан от 15 апреля 2015 г. № 5 «Развитие промышленного ореховодства на сортовой основе в Республике Узбекистан» предусматривает создание промышленных плантаций фисташки на многих тысячах гектаров.

Фисташка настоящая, являясь исключительно засухоустойчивой и адаптированной к условиям среды орехоплодной породой, признана наиболее перспективной для выращивания промышленных плантаций в аридных богарных предгорьях и низкогорьях практически всех горных хребтов в регионе. Создание сортовых фисташковых плантаций не только реально значительно улучшит состояние земель, но и предотвратит дальнейшую их деградацию, опустынивание огромной территории, не пригодной в настоящее время даже для выпаса скота.

Ранее в НИИЛХ был разработан способ создания культур фисташки с применением рассады выращенной в контейнерах малого объема. Это позволило увеличить сроки посадки, облегчить закладку и достичь высокой приживаемости[2].

Однако, как после посева семян, так и посадки посадочного материала с закрытым корневым системой- ПМЗК малого объема, приходится ждать, пока растения фисташки вырастут до нужных размеров, чтобы провести окулировку. При должном уходе требуется не менее трех лет. Так как нельзя достичь 100% приживаемости глазков при окулировке, то приходится проводить дополнительные окулировочные работы на следующий год. В результате этого создание промышленной плантации затягивается на 5-6 лет. Поэтому замена посевов и посадка окулированных саженцев фисташки, может значительно снизить время ожидания начала плодоношения.

Существенное влияние на всхожесть, рост и развитие сеянцев фисташки оказывает состав почвенного субстрата для заполнения контейнеров. При подборе состава следует учитывать не только питательные свойства субстрата, его физические свойства, но и простоты и доступности его приготовления в лесхозах и других производствах, где будет выращиваться посадочный материал.

Для контейнеров из полиэтиленовой пленки размером 17х40см. планируется испытание трех вариантов почвенного субстрата. За базовый вариант принимается состав, рекомендованный Сахацким В.М. и др. [1], определившим в качестве оптимального состав, состоящий из 7 частей по объему мелкозема, перемешанным с 3 частями хорошо перепревшего навоза, то есть навоз 30% - грунт 70%.

Намечается изучение влияния четырех составов субстрата, а именно: 1 – навоз 15%, грунт 85%, 2 – навоз 30%, грунт 70%, 3 – навоз 45%, грунт 55% и грунт 100% (контроль). В октябре показатели роста по высоте и диаметру стволиков сеянцев на вариантах опыта сравниваются с таковыми на контроле, за который принят вариант субстрата, состоящий из грунта.

Существенное влияние на всхожесть, рост и развитие сеянцев фисташки оказывает состав почвенного субстрата для заполнения контейнеров. При подборе состава мы исходили не только с учетом питательных свойств субстрата, его физических свойств, но и простоты и



доступности его приготовления в лесхозах и других производствах, где будет выращиваться посадочный материал.



Рисунок 1. Расположение вариантов опыта по изучению влияния субстрата на растения фисташки настоящий.

Опыт проводился в трехкратной повторности (рис.1), количество растений в повторности 24 штуки. В общей сложности в опыте было посажено 288 растений, из них погибло 4 растения. Приживаемость растений составила 98,61%.

При подготовке субстрата почва просеивалась через сито с ячейками в 1 см и тщательно перемешивалась с навозом. Для заготовки 1584 контейнеров было приготовлено 6,5 т. субстрата. Приготовленным субстратом заполнялись контейнеры из полиэтиленовой пленки размером 17x40 см, и уплотнялись постукиванием контейнера о землю. Затем клиновидной палочкой посередине заполненного контейнера делалось углубление 1,5-2,0 см, в которое производился посев 1-2 проросших семян фисташки.

Перед посевом семена стратифицировали, для этого (02.02.2018 г.) их замочили на сутки в воде, после чего поместили на 2 часа в 0,5% раствор марганцово-кислого калия. После замочки их смешивали с промытым речным песком в соотношении 1:5, смесь погружали в траншею на открытом воздухе.

30 марта семена фисташки из стратификационной траншеи переместили в теплое помещение при температуре воздуха +25<sup>0</sup>С при относительной влажности 55%. В этих условиях, через 4-6 дней, когда корешки проросших семян достигали длины 0,2-1,0 сантиметра, их высевали в контейнеры.

В течение вегетационного сезона за сеянцами проводились постоянные уходные мероприятия, состоящие в основном из поливов, рыхлений почвы, прополок, защиты от вредителей и болезней.

Таблица 1.

Изменение высоты растений при выращивании на различных субстратах.

Варианты	Среднее значение	Статистические показатели					t между контролем и вариантом
		S	V	p	n	% к контролю	
контроль	16,4±0,57	4,8	29,2	3,4	72	100	0,0
15/85	17,7±0,63	5,3	29,8	3,6	70	107,9	1,5
30/70	19,2±0,59	5,0	25,9	3,1	71	116,9	3,4
45/55	16,7±0,59	5,0	29,7	3,5	71	101,8	0,4

Таблица 2.

Изменение диаметра растений при выращивании на различных субстратах.

Варианты	Среднее значение	Статистические показатели					t между контролем и вариантом
		S	V	p	n	% к контролю	
контроль	3,4±0,09	0,7	21,2	2,5	72	100	0,0
15/85	3,9±0,09	0,7	19,0	2,3	70	113,4	3,7
30/70	4,1±0,07	0,6	14,8	1,8	71	119,7	6,0
45/55	3,9±0,08	0,7	18,3	2,2	71	113,7	3,9

В конце вегетации (октябрь) проведено измерение биометрических показателей растений, а именно высоты сеянцев и диаметров их стволиков на высоте 0-2 см от поверхности почвы. Полученные среднестатистические материалы по высоте и диаметру стволиков растений, в сравнении с контролем, представлены в таблицах 1 и 2.

Анализ опытов показал, что лучшие показатели по высоте и диаметру были получены при использовании субстрата, содержащего 30% навоза и 70% грунта. В этом варианте средний показатель по высоте превышал контроль на 3.4 по коэффициенту Стьюдента, а по диаметру на 6.0. При применении субстрата, содержащего 15% навоза и 85% грунта, превышение по высоте составило 1.5, а по диаметру 3.7. При дальнейшем увеличении концентрации навоза до 45% и грунта 55%, наблюдалось снижение показателей по высоте до 0.4, а по диаметру до 3.9. Такая реакция растений фисташки на повышенное содержание в субстрате навоза объясняется избытком азота. На основании вышеприведенных результатов опыта можно сказать, что наиболее

подходящим, для выращивания сеянцев фисташки в контейнерах, является субстрат, содержащий 30% навоза и 70% грунта. Данный субстрат был использован нами как базовый при проведении других опытов.

Таким образом, освоение огромных территорий богарных земель в Узбекистане путём использования привитых саженцев фисташки, выращенных в контейнерах с закрытой корневой системой, позволяет в Республике получать в дальнейшем ценную фисташковую продукцию в регионе.

#### **Список использованных источников**

1. Сахацкий В.М. и др. – Выращивание можжевельника зеравшанского с закрытой корневой системой. Научные труды СредАзНИИЛХ: Вопросы повышения продуктивности лесов Средней Азии. Вып 29. Ташкент, 1991, с.43-47.

2. Чернова Г.М. и др. – Рекомендация по выращиванию плантаций фисташки настоящей на сортовой основе в предгорьях Узбекистана. Ташкент, 2017, с.28-32.

#### **Изучение влияния минеральных удобрений на рост и состояние сеянцев фисташки настоящей, выращенных в контейнерах с закрытой корневой системой**

*Туляганов Т.Э., Чернова Г.М., Николяи Л.В.*

Научно-исследовательский институт лесного хозяйства. Ташкент  
Предгорья и горы Центральной Азии являются ареалом фисташки настоящей. В Узбекистане имеются огромные площади таких земель, которые в настоящее время используются для богарных посевов зерновых и масличных культур, а также в качестве пастбищ. Урожай пропашных культур низки и зависят от влагообеспеченности текущего года. Пастбища, значительные территории которых состоят из неподаемыми животными растениями, деградированы из-за перевыпаса. В связи с происходящим потеплением климата существующие виды землепользования могут привести лишь к опустыниванию огромной территории. Поэтому выращивание адаптированной к таким условиям фисташки на этих территориях является разумной альтернативой существующим практикам. Тем более, что сортовые фисташковые плантации могут стать источником постоянного дохода для местного сельского населения, повышая его благосостояние.

Для того чтобы создавать сортовые плантации фисташки настоящей требуется окулированный посадочный материал с закрытой корневой системой, так как сеянцы фисташки не переносят пересадку и по этой причине, в отличие от других плодовых пород, она не выращивается в питомниках. Долгие годы основным методом выращивания был посев семян на постоянное место. Но так как большая



часть высеянных семян поедается птицами, грызунами, лисицами и насекомыми, то на плантациях появляются лишь единичные всходы, что требует проведение досевана следующий год.

Ранее в НИИЛХ был разработан способ создания культур фисташки с применением рассады выращенной в контейнерах малого объема. Это позволило увеличить сроки посадки, облегчить закладку, и достичь высокой приживаемости.

Однако, как после посева семян, так и посадки ПМЗК малого объема приходится ждать, пока растения фисташки вырастут до нужных размеров, чтобы провести окулировку. При должном уходе требуется не менее трех лет. Так как нельзя достичь 100% приживаемости глазков при окулировке, то приходится проводить дополнительные окулировочные работы на следующий год. В результате этого создание промышленной плантации затягивается на 5-6 лет[1]. Поэтому замена посевов и посадка на уже окулированные саженцы фисташки, может значительно снизить время ожидания начала плодоношения.



Рисунок 1 - Расположение вариантов опыт по изучению влияния минеральных удобрений на растения фисташки настоящий

Несмотря на то, что в субстрате предусмотрен запас питательных веществ для сеянцев, можно предположить, что внесение минеральных удобрений может обеспечить их усиленный рост и развитие[2]. Задачей нашего исследования являлось установить оптимальную смесь основных элементов питания, которая обеспечит лучший рост и развитие растений.

В опытах использовалось удобрение под торговой маркой «Кристаллон», следующего состава  $N_{20}P_{20}K_{20}$  по действующему веществу с добавлением микроэлементов. Удобрения вводились в субстрат в

видераствора. За базовый вариант использовалась следующая концентрация - 2 г/литр воды, которая сравнивается с вариантами 1 и 3 г/литр. Удобрения вводились по 0,5 литров на один контейнер три раза за сезон – в мае, июне и июле. Вариант без внесения удобрений являлся контролем.

Опыт проводился в трехкратной повторности (рис.1), количество растений в повторности равно 24 штук. В общей сложности в опыте используется 288 растений.

В конце вегетации (октябрь) проведено измерение биометрических показателей растений, а именно высоты сеянцев и диаметров их стволиков на высоте 0-2 см от поверхности почвы. Полученные среднестатистические материалы по высоте и диаметру стволиков растений, в сравнении с контролем представлены в таблицах 1 и 2.

Таблица 1.

Среднестатистические показатели высоты стволиков растений при применении минеральных удобрений.

Варианты	Статистические показатели						
	Среднее значение	$\Sigma$	V	p	n	% к контролю	t между контролем и вариантом
контроль	17,4±0,59	4,8	27,4	3,4	66	100	0,0
НПК-1	18,3±0,62	5,3	28,8	3,4	72	105,6	1,1
НПК-2	17,9±0,68	5,8	32,3	3,8	72	103,1	0,6
НПК-3	17,5±0,70	5,0	28,5	3,4	69	100,8	0,2

Из таблицы 1 видно, что лучшие результаты в опыте наблюдались в варианте НПК-1, по отношению к контролю. Превышение показателя размера высоты стволика составила 5,6%. Результаты в таблице также показывают тенденцию снижения роста растений с увеличением концентрации удобрений. Высота стволика растения в варианте НПК-2 составила 3,1, в варианте НПК-3 – 0,8.

Таблица 2.

Среднестатистические показатели диаметра стволика растений при применении минеральных удобрений.

Варианты	Статистические показатели						
	Среднее значение	$\Sigma$	V	p	n	% к контролю	t между контролем и вариантом
контроль	4,3±0,11	0,9	21,1	2,6	66	100	0,0
НПК-1	4,2±0,10	0,9	20,7	2,4	72	97,7	-0,6
НПК-2	4,3±0,14	1,2	27,5	3,3	69	99,8	-0,1
НПК-3	4,5±0,12	1,0	22,8	2,7	72	104	1,1

Из таблицы 2 видно, что лучшие результаты в опыте наблюдались в варианте НРК-3, по отношению с контролем. Превышение показателя размера диаметра стволика составило 4%. В вариантах опыта с использованием НРК-1 и НРК-2 наблюдалось снижение показателей диаметра растений, которые оказались ниже, чем в контроле на -2,3 и 0,2, соответственно.

При анализе таблиц 1 и 2 выявлено, что при использовании удобрений, чем выше показатель высоты растения, тем ниже показатель диаметра. Так в варианте опыта НРК-1 высота растения составляла  $18,3 \pm 0,62$  см, а диаметр  $4,2 \pm 0,10$  мм, в варианте НРК-2 высота растения составляла  $17,9 \pm 0,68$  см, а диаметр  $4,3 \pm 0,14$  мм, в варианте НРК-3 высота растения составляла  $17,5 \pm 0,70$  см, а диаметр  $4,5 \pm 0,12$  мм.

Как видно из представленных результатов изучения влияния минеральных удобрений на рост и развитие саженцев фисташки выращенных в контейнерах с закрытой корневой системой, дополнительное внесение минеральных удобрений положительно активизирует и улучшает рост растений фисташки и ускоряет вовлечение в сельскохозяйственный оборот засушливые земли в богарных предгорьях и низкогорьях.

#### Список использованных источников

1. Чернова Г.М. и др. – Рекомендация по выращиванию плантаций фисташки настоящей на сортовой основе в предгорьях Узбекистана. Ташкент, 2017, с.28-32.

2. Кожахметов С.К.– Перспективы применения минеральных удобрений в лесном хозяйстве Республики Узбекистан, - В кн.: Экология и лесное хозяйство Средней Азии.- Ташкент, 1992, с.137-143.

### **Способы выращивания посадочного материала фисташки настоящей**

*Иномова М.М., Чернова Г.М., Норматов А.А.  
Научно-исследовательский институт лесного хозяйства.  
Ташкент*

Использование выращенного окулированного посадочного материала фисташки с закрытой корневой системой (ПМЗК) позволит заменить посев семян или посадку сеянцев в пластиковых контейнерах на постоянное место на посадку окулированных саженцев (привитой посадочный материал). Это в свою очередь позволит исключить из существующей технологии целый длительный по времени этап (2-4) года, заключающийся в выращивании сеянцев до приемлемых для окулировки размеров, а также сам этап окулировки, занимающий 2-3 года. Таким образом, значительно уменьшится время до начала плодоношения фисташковых насаждений. В целом главным достоинством привитого посадочного материала, выращенного в

контейнерах – это возможность получения посадочного материала с заданными наследственными свойствами. К тому же посадка ПМЗК может проводиться в течение всего позднего весеннего периода (апрель, май), и саженцы довольно хорошо переносят послепосадочную депрессию. При пересадке ПМЗК в грунт не происходит повреждений корневой системы, что обеспечивает хорошее развитие растений в начальный период роста. В настоящее время использование ПМЗК с успехом внедряется в Турции, Иране, Германии, Австрии, Швейцарии, Финляндии, Франции, Англии, США, Белоруссии, а также странах ближнего зарубежья.

С 2006 г. учеными научно-исследовательского института лесного хозяйства Г.М. Черновой, Л.В. Николяи, Л.М. Михайловой и др. проводились работы по выращиванию фисташки, на галечниковых землях на территории Кокандского лесхоза (предгорья Туркестанского хребта). В основу научно-исследовательских работ была положена разработка новых агротехнических приёмов освоения галечниковых земель под культуры фисташки плантационного типа не только традиционным методом – путем посева семян на постоянное место, но и использовался посадочный материал в виде рассады фисташки выращенной в микроконтейнерах[1].

По разработанной учеными Узбекистана технологии по выращиванию рассады фисташки в микроконтейнерах (Л.В. Николяи и др) проводится закладка плантаций фисташки в Узбекистане, Киргизии и Казахстане.

Было установлено, что при посадке саженцев хвойных и лиственных пород, выращиваемых в контейнерах, не нарушается и не повреждается корневая система. Это особенно важно для фисташки настоящей, у которой по биологическим особенностям слабо регенерируется стержневой корень. Видимо поэтому, основным методом выращивания культур фисташки в богарных предгорьях во всех Республках Центральной Азии, является не посадка саженцев, выращенных в питомнике, а посев стратифицированных семян на постоянное место.

Анализируя вышеуказанное можно отметить, что разработанная в научно-исследовательском институте лесного хозяйства более эффективная технология, заключающаяся в выращивании сеянцев фисташки в контейнерах малого объёма по типу «рассады» позволяет не только удлинить сроки закладки плантаций (вплоть до мая месяца), но и значительно (в 6 раз) сократить расход семян фисташки, а также получать гарантированную приживаемость культур – не менее 95%. Небольшой вес микроконтейнеров (300 г.) позволяет легко доставлять их к месту посадки.

Однако, как после посева семян, так и посадки ПМЗК малого объёма приходится ждать, пока растения фисташки вырастут до нужных



размеров, чтобы провести окулировку. При должном уходе требуется не менее трех лет. Так как нельзя достичь 100% приживаемости глазков при окулировке, то приходится проводить дополнительные окулировочные работы на следующий год. В результате этого создание промышленной плантации затягивается на 5-6 лет.

Основным способом выращивания посадочного материала с закрытой корневой системой (ПМЗК) является посев стратифицированных семян фисташки в пластиковые контейнеры размером 17х40 см. Для посева используются стратифицированные семена.

Однако, целью наших исследований является ускорение выращивания посадочного материала фисташки до размеров, позволяющих проводить на них окулировку. Для этого был испытан двухэтапный способ выращивания ПМЗК. В основу предлагаемой нами новой более эффективной технологии положен метод выращивания саженцев фисташки в контейнерах малого объема (210см<sup>3</sup>.) по типу «рассады».



Контейнеры изготавливались из полиэтиленовой пленки. Размер пакета 6х23см. В нижней части контейнера пробивались 2 небольших отверстия, после чего их заполняли почвенным субстратом, состоящим из 5 частей почвы и 1 части перепревшего навоза. Во избежание заражения всходов грибковыми заболеваниями почва бралась на участках ранее не используемых под пасленовые сельхоз культуры. Контейнеры заполнялись субстратом и помещались в ящики, по 80 штук в каждый[2]. Посев семян в контейнеры проводился 12-14 февраля (рис.1). Для сева использовались Рисунок 1 – Посев семян. Рисунок 2.

Наклюнувшиеся семена стратифицированные наклюнувшиеся семена (рис.2). Для этого семена в начале января смешивались с увлажненным, хорошо промытым речным песком в соотношении 1:5 (одна часть семян на пять частей песка) и помещались в траншею на открытом воздухе, в закрытом от солнца месте, Траншея сверху была закрыта сеткой для защиты от птиц и грызунов.

В первых числах февраля семена вместе с песком были извлечены из траншеи и перенесены в теплое помещение с температурой 25



градусов, где в течение 5 дней большая часть из них проросла. Проросшие семена с величиной корня 0,2-10мм высевались в контейнеры.

В каждый контейнер на глубину 2 см высевалось по 1-му семени. Ящики с контейнерами помещались на стеллажи находящиеся в теплом помещении (+25<sup>0</sup>С). Над контейнерами располагались люминесцентные лампы, создающие освещение для молодых всходов. При недостатке света растения сильно вытягиваются и полегают при пересадке.

Рисунок 3 – ящики с контейнерами в теплице

Рисунок 4 – Ящик с контейнерами



Рисунок 5 – Забивка контейнера большого объема

Рисунок 6 – Посадка сеянцев в контейнер большого объема



Через неделю после посева, ящики с растениями были перенесены в неотапливаемую теплицу (рис. 3), где растения находились до

середины марта. К этому времени сеянцы имели высоту 12-15см. С 16 по 20 марта сеянцы фисташки были пересажены в контейнеры большего объема (рис. 5,6), политы и установлены в траншеи.

Таблица 1.

Среднестатистические показатели высоты стволиков растений, выращенных методом посева и посадки.

Варианты	Статистические показатели						
	Среднее значение см.	$\Sigma$	V	p	n	% к контролю	t между посевом и посадкой
посев	16,3±0,60	5,0	30,8	3,7	71	100	0,0
посадка	21,3±0,72	6,0	28,4	3,4	71	130,7	5,4

Таблица 2.

Среднестатистические показатели диаметра стволиков растений, выращенных методом посева и посадки

Варианты	Статистические показатели						
	Среднее значение мм	$\Sigma$	V	p	n	% к контролю	t между посевом и посадкой
посев	4,7±0,10	0,9	18,7	2,2	71	100	0,0
посадка	4,9±0,10	0,8	17,1	2,0	71	106	1,9

Замеры показали, что к концу первого года вегетации растения, выращенные методом пересадки сеянцев из контейнеров малого объема в контейнеры большого объема превосходили растения, выращенные методом посева по высоте на 30,7% и по диаметру стволика на 6,0%.

Полученные результаты позволяют сделать вывод о целесообразности применения двухэтапного способа выращивания посадочного материала.

Использование отапливаемых теплиц для выращивания рассады фисташки в течение одного месяца, незначительно удорожит процесс получения посадочного материала, если учесть, что на одном квадратном метре теплицы можно разместить 420 микроконтейнеров.

Результаты исследований показали, растения, выращенные методом пересадки сеянцев из контейнеров малого объема в контейнеры большого объема, превосходят растения, выращенные методом посева семян по высоте на 30,7% и по диаметру стволиков на 6%. Поэтому, этот метод может быть широко использован при создании промышленных плантаций этой исключительно ценной орехоплодной породы и может быть признан как более эффективным и рациональным.

### **Список использованных источников**

1. Чернова Г.М. и др. – Рекомендация по выращиванию плантаций фисташки настоящей на сортовой основе в предгорьях Узбекистана. Ташкент, 2017, с.28-32.

2. Чернова Г.М. и др. – Рекомендации по выращиванию плантаций фисташки настоящей на сортовой основе в аридных Узбекистана. Ташкент, 2014, с.27-30.

### **Субиригация –қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувни тежаш технологияси**

*Рахмонова Нилуфар Шорсул қизи,  
Маматқобилова Гулзода Алимардон қизи  
ҚарМИИ, Қарши ш.*

*Коллектор-зовур оқимларини ростлаш иншооти.* Воропаев Г.В., Бостанджогло А.А. (1984) Амударё ва Сирдарё хавзаларини кўпинчалик сув хўжалигини ўзининг оқимлари ҳисобига ривожлантириш, фақат сув оқимларини оқилона ростлаш, сувдан фойдаланишда суғориш режимига қаттиқ амал қилиб бориш ва беҳуда сув сарфланишига йўл қўймаслик натижасида амалга ошириш мумкин деб таъкидлайди.

Панков А.М. (1974) эса чучук сизот сувлари сарфини пасайтиришга йўл қўймаслик керак деб ҳисоблайди. Аксинча, чуқур бўлмаган сизот сувларида ўтлоқ жараёни вужудга келиб, гумуснинг тўпланишига ва тупроқ структурасининг яхшиланишига олиб келади. Бундай ҳолатларда суғориш сувларига бўлган эҳтиёж 1,5-2 мартагача камаяди.

Техник-иқтисодий таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, субиригацияни тупроқ гидро- карбонатли шўрланганда, сизот сувларининг минераллашуви 1,5г/л гача, сульфатли шўрланганда эса 2,0г/л гача бўлганда кўшимча зарарсизлантириш тадбирларисиз қўллаш мумкин (Налойченко А.О., Мешерякова Л.Д., 1982).


Қашқадарё вилояти коллектор-дренаж тармоқлари бошқармаси маълумотларга асосан, Қамашни туманидаги Оқработ ва Жомбузсой каби коллектор-зовурлари (1985-2016) оқимларининг минераллашув даражаси 2г/л оралиғида ўзгариб туради.

Ҳозирги пайтда ушбу коллектор-зовур сувларининг минераллашув даражаси Оқрабод 0,80-1,5 г/л, Бодахшон 0,82-1,58 г/л оралиғида ўзгариб туради. Сизот сувларининг таркибида нисбатан сульфат тузларининг кўпроқ бўлиши ва минераллашув даражаси 2 г/л гача эканлигини инобатга олиб, суғориш сувларини тежаш, суғориладиган ерларнинг сув-ҳаво ва сув-туз режимларини ростлаш мақсадида рельефни эътиборга олиб, сув ташлама ёки остона кўринишидаги ростлаш иншоотини зовурларнинг қуйилиш жойида зарур тадбир сифатида тавсия этамиз.

Мелиоратив ерларда тупроқнинг илдиз тараладиган (ўсадиган) қатламида намликни ростлашнинг биринчи муҳим масаласи, очик зовурларда ёки ёпиқ зовурларнинг пьезометрик отметкаси чизигида сизот сувлари сатҳини ростлаш бўйича оқилона тадбирларни танлаш ҳисобланади.

Очик зовурлар учун коллекторлардан фойдаланиш сув сифатини танлаш, энг содда тўсиш иншоотларини қуриш, зовурнинг кўндаланг кесим шаклини ўзгартириш кабилар муҳим тадбирлар бўлиши мумкин [1,2,3,4].

Коллектор-зовур оқимларини ростлаш иншооти, зовурнинг қуйилиш жойида (2) жойлашган, сув ташлама кўринишида ўрна-тилган (1) остонадан тузилган. Остонада марказий (ўқли) ўзан ости каналчаси мавжуд 7-чизик зовурнинг сув сатҳини, 5-чизик эса шит (тўсиқ) ни кўрсатади. Шитга 6-пўкак бириктирилган (1.1-расм).



**1.1-расм. Зовур сувларини ростлаш қурилмаси**

Иншоотнинг ишлаш жараёни қуйдагича: сув сатҳи (7) ўзгарганда, (3) тирқиш ёпилиб ёки очилиб, (6) пўкакга бириктирилган (5) фигурали шит туширилади, бунда сув оқимлари ҳисобига вужудга келган гидродинамик босим (1), (5) шитни сув ташламага зич қилиб қисади. Зовурда сув сатҳи юқори бўлганда (5) шит кўтарилган ҳолатда туради, шунинг учун сув нафақат (1) сув ташламанинг юқориси, балки (3) тирқишнинг тўлиқ кесими орқали қуйилиб, минимал вақт оралиғида максимал оқимни таъминлайди. Сув сатҳи йўл қўйилган (ҳисобий) сатҳдан пасайганда (5) шит (3) тирқишнинг бутун кесимини тўлиқ ёпади, оқибатда оқим бутунлай ёпилади. Остонанинг тепаси мазкур суғориш ҳудудидаги сизот сувларининг руҳсат этилган жойлашиш чуқурлиги қуйи чегараси сатҳида ўрнатилади.

Иншоот қуйидаги ихтирочилик формуласи орқали муаллифлик гувоҳномаси билан ҳимояланган. (Ш.Мурадов, Г.Валуконис, 1982)

$$T = \frac{h}{8 \sqrt{(Q \frac{n}{\sqrt{i}^3})}}, (1.1)$$

бу ерда  $h$ -зовурни тўлдириш чуқурлиги;  $Q$ -сув сарфи;  $n$ -ғадур-будурлик коэф-фиценти;  $i$ -зовурнинг қиялиги.

Бизнинг фикримизча, сув ресурсларининг танқислигини зовур оқимларини ростлаш йўли билан сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга имкон берувчи, илғор усулларни тадбиқ этиш орқали, сувни тежаш ҳисобига эришиш мумкин.

Субирригация нафақат сув ресурсларини тежаш балки, суғориладиган ерларнинг сув-туз ва сув-ҳаво режимларини ҳам яхшилади (сизот сувлари сульфатли-хлоридли типда минераллашган ҳудудларда 2г/л гача).

Ўзбекистоннинг жанубида коллектор-дренаж сувларини ростлаш иншоотини юқори, қисман ўрта табиий сув хўжалиги районларидаги коллектор-зовурлари оқова сувларининг минераллашув даражаси 2г/л гача бўлган шароитларда тавсия этилади (Холбаев Б.М., 2002).

Коллектор-зовур оқимларини ростловчи бу иншоот Қашқадарё дарё ҳавзасининг ўрта табиий сув хўжалиги районида жойлашган Оқработ зовурига тадбиқ этилган (Галямин Е.П., Мурадов Ш.О., Манукьян Д.А., Холбаев Б.М., 1.2-расм).

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, иншоотни коллектор-зовурларга яқка ҳолда эмас, балки «Каскад» усулида ўрнатиш лозимлигини кўрсатди. Натижада суғориладиган ерларда сизот сувларининг сатҳи рухсат этилган меъёригача кўтарилиши ҳисобига экин майдонлари кўшимча суғориш режимига эга бўлиб, субирригация билан боғлиқ иқтисодий самарадорлик бир неча бор ошади, 1.3- расм).

3.2 – формулада биз таклиф этаётган субирригация усулининг «Каскад» иншоотини ҳисоблаш формуласини тавсия этамиз.


Формула коллектор ва зовурлар атрофида сизот сувларининг дамланиш ҳудудларини баҳолаш, ростлаш иншоотининг таъсир этиш майдонини, иншоотлар оралиғидаги маъқул масофани ва субирригация юз берадиган ҳудудларда суғориш меъёрларини қисқартириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради:

$$\Delta H(x_1 t) = H^0 \operatorname{erfc} \lambda, (1.2)$$

бу ерда  $\Delta H(x_1 t)$  сизот сувлари сатҳи таъсирида  $H^0$  коллектор сатҳининг ўзгариши, м;  $x$ -коллектордаги сув кесимидин ҳисобий

нуктагача бўлган масофа,  $m$ ;  $a$  тенглаштирувчи ўтказгич;  $t$ -вақт;  
 $erfc\lambda - \lambda = \frac{x}{2}\sqrt{at}$  махсус функция.

Шундай қилиб, коллектор-зовур оқимларини ростлаш нафақат сув ресурслари танқислигини тежаш, балки минтақанинг экологик ҳолатини ҳам яхшилайдди.



**3.3-расм. Зовур сувларини “Каскад” усулида ростлаш қурилмаси**



**3.3-расм. Қашқадарё дарё ҳавзасининг ўрта табиий сув хўжалиги районида жойлашган Оқработ зовурига тадбиқ этилган коллектор-зовур оқимларини ростловчи иншоот (Холбаев Б.М.)**

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдумуминов Б. А., Исаев С. Х., Ахмеджонов Д. Г. Влияние способа полива субиригацией хлопчатника в гидроморфных условиях

почв на урожай хлопка-сырца // Молодой ученый. — 2015. — №14. — С. 672-675.

2. Холбаев Б.М. Қашқадарё вилояти суғориладиган майдонларида субирригация муаммоси // Республика жанубий ҳудуди агросаноат мажмуиинг долзарб масалалари. ҚАИИ проф.- ўқит. 1-илм.-усл. анж. маъруз. тез. – Қарши, 1993. – Б.48 .

3. Холбаев Б.М. Субирригация–ўсимликларни муҳандислик муҳофаза қилиш омилдир. Муҳандислик-экология» йўналишидаги фанларни ўқитиш услубиёти ва илмий изланишлар //1-Респ.илм.-усл. семин. илм.ишл. тўпл. Қарши, 23-24 май 2002. I- том.-Т., 2002.-Б.100-101.

4. Холбаев Б.М. Эффективность субирригации на орошаемых землях Узбекистана. //ГулДУ ахборотномаси. «Университет» нашриёти , 2003. № 1, - Б.27 - 32.

## **Коллектор-дренаж сувларидан қайта фойдаланишни**


### **экологик асослаш**

*Холбаев Баҳром Махмудович,  
Ғаффоров Нурбек Уйғун ўғли,  
ҚарМИ, Қарши ш.*

Мелиоратив тизимларда дренаж-оқова сувларини бевосита утилизациялаш ва унинг сифатини яхшилаш муаммоси долзарб ҳисобланади. Дренаж оқова сувларини тозалаш ва ундан қайта фойдаланиш, нафақат табиатга нисбатан антропоген юкларни пасайтиради, балки қўшимча чучук сув ресурсларини олиш эвазига янги ерларни ўзлаштириш имкониятини ҳам яратади.

Минераллашган сувларни тузсизлантиришнинг мавжуд усуллари таҳлил қилинганда, дренаж оқимларини ноорганик моддалардан ион алмашилиш усули билан тозалаш – истиқболли самарали усул ҳисобланади. Ушбу усулда ишланган сувларни тўлиқ деминерализациялаш амалга оширилади, яъни оқова сувлардаги ионларнинг барчаси ионитлар орқали сорбцияланади.

Деминерализация катион ва анион алмаштириш филтрлари орқали оқова сувларни ундан кетма-кет ўтказиш орқали амалга оширилади ва унда қуйидаги кимёвий реакция содир бўлади [1,2,3]:



бу ерда Р – ионитнинг полимер қисми;  $K_{at}$ - катионит;  $A_n$ - анионит;

Ушбу реакциялар натижасида ҳар бир эриган туз молекулалари ўрнига тозаланган сув молекуласи олинади.

*Умумий талаблар.* Ҳозирги пайтда ион алмашилиш усули мелиоратив ерлардан чиқаётган оқова сувларни тозалаш ва

тузсизлантириш кенг кўламда қўлланилади. Бу усулни қўллаш мақсадида дастлабки талаблар асосида техник топширикни ишлаб чиқиш зарур. Дастлабки талабларни ион алмашиниш усулининг қўлланиши мумкин бўлган ҳудудлари учун ишлаб чиқилган технологиянинг тадбиқ этиш шароитларини, техник-эксплуатацион талабларни, сифат миқдори, техник ва иқтисодий кўрсаткичларни табиатни муҳофаза қилишни эътиборга олиб, экологик талаблар аниқланиши зарур.

*Зовур оқова сувларини шўрсизлантиришнинг ион алмашиниш усули.* Ион алмашиниш усули-коллектор-зовур сувларининг сифатини яхшилаш, қаттиқ оқимлардан, пестицидларни тозалаш ва ундан суғоришда фойдаланиш учун тўлиқ шўрсизлантиришга мўлжалланган. Бу усулдан зовур сувлари таркибидаги туз миқдори 5 г/л ва ундан ортиқ бўлган ҳолатлардагина сувларни шўрсизлантириш мақсадга мувофиқдир.

Тозалаш ва шўрсизлантириш гидромелиоратив тизимда бевосита филтёр тизими орқали зовур сувларини кетма-кет ўтказишга мўлжалланган.

Зовур сувларининг сифатини яхшилаш қуйидаги кетма-кетлик бўйича бажарилади:

1.Зовур сувларини зарур бўлган босимга эга бўлиш мақсадида ер ости резервуарларига

йиғиш;

2.Қаттиқ оқимлардан тозалаш учун қумли-чақиқли филтёрдан ўтказиш;

3.Табиий сорбентлар орқали адсорбция пестицидларини йўқотиш;

4.Ион алмашиниш филтёрининг ишга тайёргарлигини текшириш;

5.Катион ва анион алмашиниш филтёрларидан сувни кетма-кет ўтказиш;

6.Тозаланган ва тузсизлантирилган сувларни йиғувчи идишга тўплаш;

7.Тозаланган ва шўрсизлантирилган сувларни суғориш тизимида насос ёрдамида кўтариб

бериш;

8.Иш қобилятини йўқотган ионитларни янгисига алмаштириш;

9.Ионитларни регенерация станциясига транспортировка қилиш;

10.Ионитларни регенерация станциясида регенерациялаш.

*Сифат кўрсаткичлари.* Йиғилган зовур сувлари зарур бўлган босимни ва узлуксиз тозалаш жараёнларини таъминлаш зарур. Ионитлардан ўтадиган сувнинг ҳаракат тезлиги 0,5 м/с ошмаслиги керак.

Зовур сувларининг қум-шағалли филтёрлардан филтёрациялангандан сўнг ион алмашиниш елимига (смоласига) зарар келтириш қобилятига эга бўладиган механик заррачалар бўлмаслиги керак.

Пестицидлар адсорбцияси учун филтёрлар сувдаги пестицидларни тўлиқ тозалашни таъминлаши шарт, чунки охириги ионитларни



захарлаши мумкин ва минерал маҳсулотлари билан регенерацияланганда ифлосланиши мумкин.

*Техник-эксплуатацион талаблар.* Зовур сувларини ион алмашилиш усули билан шўрсизлантиришнинг технологик тугуни 3.5-расмда ифодаланган.

У қуйидагилардан тузилган:

1.Фильтр тизими орқали фильтрация тезлигини таъминлайди-ган сарфловчи регуляторли йиғма ҳовуз (0,5 м/с);


2.Қум-шағал фильтри. Бунда қаттиқ қуйқалардан тозалайдиган механик тозалаш содир бўлади. Фракция таркибини тозалаш суви талаб этиладиган даражада ўтказиш тезлигига боғлиқ (СНиП 2.06.3-85 ва ВСН 29-2.203.86);

3.Глинозем ва бошқа табиий сорбентлар билан қайта ишланган ипак толали ўрам материаллар пакетидан иборат пестицидлардан тозалайдиган фильтр. У зовур сувлари юзаси билан табиий сорбентлар ўртасидаги муносабатни яхшилаш мақсадида хизмат қилади;

4.Бир жуфт фильтр КУх2х8 маркали катионит билан тўлдирилади;

5. Бир жуфт фильтр АН-511 маркали анионит билан тўлдирилади;

Ион алмашилиш фильтри қуйидаги тартибда ишлайди. Сув пастдан 4а фильтрга узатилади, у ерда эриган туз кислота аралашмасига алмашади. Сорбцияли жараён фильтр бўйича юқорига ҳаракатланади. Қатламга ишлов беришда қайта ишланмаган сувларнинг сакраб ўтишига йўл қўймаслик мақсадида оқиб чиқаётган эритмалар 4б фильтрга қараб ҳаракатланади. 4а фильтрнинг ишлаш даврида 4б фильтр буфер вазифасини ўтайди. 4а фильтрдан сорбцияли фронт чиқиш чиқиш даврида 4б фильтр ишлай бошлайди. Худди шундай 5а ва 5б жуфтликдаги анионит фильтрлари ҳам



**3.5 – расм. Ион алмашилиш усули билан зовур сувларини шўрсизлантиришнинг технологик тугуни схемаси**

1-зовур оқимларини тўпловчи регулятор; 2-қаттиқ қуйқалардан тозалаш фильтри; 3-пестицидлардан тозалаш фильтри; 4-катион алмашилиш фильтри; 5-анион алмашилиш фильтри; 6-нитратни фильтрлаш; 7-йиғувчи ҳовуз; 8-насос станция; 9-суғориш канали.

ишлай бошлайди. 4б фильтрдаги аралашма 5а фильтрига узатилади ва у ерда сув бутунлай шўрсизлантирилади.


Қайта ишланмаган ионитлар билан юкланиш жараёнида 4а ва 5а фильтрлар (4б ва 5б фильтрга эса қисман ишлов берилган) қайта ишланган сувлар оқими 4б фильтрга узатилиб, у ерда туз кислотасага айланади. Кейин бу аралашма 4а фильтр орқали филтрланади ҳамда 5а ва 5б филтрларга узатилади. Ишлаб бўлган ионитларни регенерацияланганларга алмаштириш учун 4а ва 5а филтрлар орқали сувнинг циркуляция схемаси кўзда тутилади.

Ана шундай иш тартиби филтнинг химоя харакати вақтидан ошиб кетмаслиги керак. Сувнинг циркуляция схемаси 3.6– расмда кўрсатилган.

6. Нитратлардан тозалаш филтри ВП-1-АП селектив ион алмашиниш елимидан иборат бўлади. Бу филтр сув биогенлар билан кучли ифлосланганда ва минераллашув даражаси 3 г/л кам бўлганда анионитли филтр ўрнига қўйилади;

7. Тозаланган сувларни йиғувчи ҳовуз;

8. Тозаланган сувларни суғориш тармоғига насос станцияси орқали сўриб ташлаш. Ионитларни алмаштириш учун махсус жиҳозланган транспорт воситаси зарур. Ионитларни регенерациялаш станцияси 3.7–расмда келтирилган .




**3.6-расм. Ионитларни қўшиш вариантлари**

Ион алмашиниш смоласини регенерациялашда қуйидаги кетма-кетликлар амалга оширилиши керак:

1. Регенерацион қаторларда ионитларни регенерациялаш;

- 2.Қарши оқим қаторларида ионитларни ювиш;
- 3.Ишқорланиш  $pH=10$  гача бўлганда магний гидроксид чўкиндилари ва унинг бўлақларидан концентрацияли эритмаларни олиш;
- 4.Ишқорланиш ва унинг бўлақлари  $pH=11-12$  гача бўлганда магний гидроксид чўкиндиларини олиш;
- 5.Қолган эритмаларнинг буғланишидан қаттиқ хлорид натрийни олиш;
- 6.Нитратлардан тозалаш фильтри ВП-1-АП селектив ион алмашиниш елиmidан иборат бўлади. Бу фильтр сув биогенлар билан кучли ифлосланганда ва минераллашув даражаси 3 г/л кам бўлганда анионитли фильтр ўрнига қўйилади;
- 7.Тозаланган сувларни йиғувчи ҳовуз;
- 8.Тозаланган сувларни суғориш тармоғига насос станцияси орқали сўриб ташлаш. Ионитларни алмаштириш учун махсус жиҳозланган транспорт воситаси зарур. Ионитларни регенерациялаш станцияси 3.7–расмда келтирилган .



**3.7-расм. Ионитларни регенерациялаш тугуни**

Ион алмашиниш смоласини регенерациялашда қуйидаги кетма-кетликлар амалга оширилиши керак:

- 1.Регенерацион қаторларда ионитларни регенерациялаш;
- 2.Қарши оқим қаторларида ионитларни ювиш;

3.Ишқорланиш рН=10 гача бўлганда магний гидроксид чўкиндилари ва унинг бўлакларидан концентрацияли эритмаларни олиш;

4.Ишқорланиш ва унинг бўлаклари рН=11-12 гача бўлганда магний гидроксид чўкиндиларини олиш;

5.Қолган эритмаларнинг буғланишидан қаттиқ хлорид натрийни олиш;

6.Регенерацияланган эритмани (хлорид кислота ва натрий гидроксид) олиш учун концентрацияли натрий хлорид (300-350 г/л) эритмасини электролиз қилиш;

7.Регенерацияланган ионитларни тўплаш.

Дренаж оқимларини шўрсизлантиришнинг ушбу технологияси, зовур оқимларини дастлаб тайёрлаш, суюқликлар ионит қатламлари орқали ҳаракатланганда ўз-ўзидан оқиш ва энергия сарфланмаганлиги ва фильтр орқали ҳайдалмаганда ускуналар талаб этилмаганлиги билан катта қизиқиш уйғотади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1.Кирейчева Л.В., и др. Пособие по очистке и утилизации дренажно-сбросных вод. –М., Россельхозакадемия, 1999. -67 с.

2.Кирейчева Л.В., Холбаев Б.М. Утилизация коллекторно-дренажных вод.//Проблемы науки и образования в области сельского и водного хозяйства: Сб. тр. респ. науч.-практ. конф. 19-21 мая 1999 года. – Ташкент, 1999. –Б 47-50.

3.Кирейчева Л.В., Холбаев Б.М. Способы и технические средства улучшения качества дренажно-сбросных вод. // «Mirzacho'l vohasi tuproqlari unumdorligini oshirish muammolari va vazifalari»: Resp. ilm.-amal. konf. ma'ru. To'pl. – Guliston, 2003. – С. 88-91.

4.Muradov Sh.O., Valiev X.I., Xolbaev B.M. Suv resurslaridan mukammal foydalanish va muhofaza qilish. –Т., «Aloqachi», 2007, 160 bet.

5.Мурадов Ш.О., Экологический способ деминерализации вод // Экология и промышленность России, №1, 2005. – С. 18-19.

### **Role of technology in learning different subjects**

*Dilnoza Anvarovna Zaripova Senior teacher*

*Mirafzal Mirpulat o'g'li Mirholikov Foundation year student*

Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб таълим соҳасида эски ёндашувлардан бутунлай воз кечилиб, янгича тамойилларга, миллий қадрият ва анъаналаримизга, илғор жаҳон тажрибасига асосланиб, ҳаётимизни тубдан янгилаш, узоқ ва давомли мақсадларимизни амалга ошириш учун таълим ва тарбия соҳасига устувор аҳамият қаратилиб, бор куч ва имкониятлар шу йўлда сафарбар этилиб келинмоқда.

Жамият тараққиётининг шахс тарбияси масалалари кун тартибига қўйилган илк даврлардан оқ талабаларнинг таълими ва тарбияси учун масъул шахслар тоифасининг шаклланиши, уларнинг шахс ва мутахассис сифатида муайян ижтимоий талабларга жавоб бера олишлари, касбий маҳоратга эга бўлишлари тўлиқ очиб берилди.

Олий таълим муассасаларида раҳбар ва педагог кадрлари имиджи ва унинг таълим тарбия сифатини оширишга таъсири олий таълим муассасаларининг бугунги кунда тутган ўрни ва улар томонидан амалга ошириладиган ишлар кўлами амалий ва назарий жиҳатдан таҳлил

этиш, педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари ва уларнинг моҳияти ёритиш катта аҳамиятга эга.

Луғавий жиҳатдан “имидж”(инг. “*image*”) тушунчаси “сиймо”, “тимсол”, “қиёфа” ва “образ” маъноларини англатади. Моҳиятига кўра эса ушбу тушунча ёрдамида “жозиба”, “мафтункорлик” маънолари англанади. Тўғри танланган имиж орқали маълум бир ижтимоий муҳитга тезроқ киришиш, инсонлар билан ижобий алоқалар ўрнатиш мумкин.

Шахсий-касбий характеристикаларни намоён қилишбу шахснинг ўз касбига эътиборни қаратиб, инсонларда симпатия уйғотишга қаратилган.

Шахсий негатив ҳислатларни яширишбу шахснинг кийим, соч турмаги, ижобий хулқи орқали ўз камчиликларини бошқа инсонлардан яшириш усули. Ўз имиджини яратишда, атроф-муҳитни ҳисобга олиш зарур, шу билан бирга фаолият юритаётган жамоада мос имижингизни яратиш керак.

Ҳар бир муҳитнинг ўз имижини мавжуд. Шу билан бирга ҳар педагог индивидуал, такрорланмасликни йўқотмаслиги зарур. Кийимнинг вазифаси – бу нафақат инсонни иссиқдан, совуқдан ҳимоя қилиш, балки ўзига жалб этишни ҳам уддалаши керак.

Кийимга қараб инсонга баҳо берилади. Озода, ярашган ва сипо кийимкишининг ишига талабчанлиги ва ички камтарлиги ҳақида маълумот беради.

Замонавий педагог имиджипедагогнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси билан ташқи кўриниши ўртасидаги ўзаро уйғунлик, мутаносибликни ифодаловчи образи. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлишида педагогнинг ташқи қиёфаси ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Ўқувчиларга самарали таъсир кўрсата олиш учун педагог, ўқитувчининг ташқи қиёфаси қуйидаги талабларга жавоб бера олиши зарур:

-ўқитувчи ташқи кўринишининг ўқувчиларга эстетик таъсир кўрсатиши, уларни эстетик жиҳатдан завқлантира олиши;  
-ўқитувчи сочининг таралган, чиройли турмакланган бўлиши;  
-пардоз буюмларидан ўринли фойдаланиш, юзнинг ортиқча бўёқлардан ҳоли бўлиши;

-ўқитувчи либосларининг тоза, озода, қоматига ярашган бўлиши,  
-осилиб турмаслиги, ҳаддан ортиқ ҳашаматли бўлмаслиги лозим;  
-заргарлик буюмларидан имкон қадар ҳоли бўлиш, айниқса, товланувчи металлар – олин ва кумуш тақинчоқлардан фойдаланмаслик, либоснинг ранги ва ўқитувчининг ёш хусусиятларига мувофиқ оддий, ҳашаматли бўлмаслиги зарур.

*Инсоннинг қандай кўринишига эгаллиги муҳимми?*

Ташқи кўриниш 92% тасаввур пайдо қилади. Муассаса имиджи педагогнинг шахсий имиджингизга таъсир кўрсатади ва аксинча, сизнинг имиджингиз ташкилот имиджига бевосита таъсир кўрсатади. *Имижология*-инсонларга ёқиш санъати ва фан соҳаси ваҳар бир инсонни жазибадор бўлишга ва инсонларга ёруғлик улашишга чақириш, таъсир

кўрсатиш технологиясидир.

*Инсонларга таъсир кўрсатишининг 2 усули мавжуд. “Ишонтириш усули” ва “Ёқиш усули”. Улардан сўнггиси самаралироқ.* (Блез Паскаль)

Имидж қандайдир синтетик сиймо бўлиб, аниқ бир инсонга бўлган муносабатда инсонлар тафаккурида юзага келадиган ташкилот ёки бошқа ижтимоий объект қиёфасидир. У ўзида етарли даражада ҳис-туйғуга безалган объект тўғрисидаги ахборотниқамраб олади ва аниқ ижтимоий муносабат тасаввурини юзага келтиради.

Одатда ўқитувчининг тўғри тутилган, чиройли қадди-қомати унинг шахс сифатида намоён бўлишини таъминлайди. Қолаверса, бу ҳолат унинг ўзига, шахсий имкониятларига бўлган ишончи юқорилиги, шахс сифатида ўзини қадрлай олиши, ўзига ўзи юқори баҳо беришини ҳам ифодалайди. Бошнинг қуйи эгилганлиги, қўлларнинг осилиб туриши ўқитувчининг ички заифлиги, ўзига ўзи ишончсизлигидан далолат беради. Узлуксиз талим тизимининг барча босқичларида таълим олувчиларга гавдани тўғри тутишни, эркин ҳаракатланишни, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тута билишни, йиғинчоқликни ўргатиб бориш мақсадга мувофиқдир. Олий таълим муассасаларида талабаларда ушбу сифатларни ҳосил қилиш эса уларни касбий

фаолиятга рухий тайёрлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Педагогик маҳорат асослари бўлажак мутахассисларни таълим ва тарбия жараёнларни методик жиҳатдан пухта, ташкилий жиҳатдан самарали ташкил эта олишларида муҳим пойдевор ҳисобланади. Уларнинг педагогик техникага эга бўлишлари касбий жараёнда юзага келадиган шахслараро муносабатларни самарали, салбий низоларсиз уюштирилишини таъминлаш билан бирга ҳеч бир қийинчиликсиз таълим ва тарбиявий ишлар жараёнини ташкил этилишига ҳам ёрдам беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, келажак учун баркамол авлодни тарбиялаш ишлари Давлат сиёсатининг устивор йўналишига айланди.

#### **Фойдаланган адабиётлар.**

- Педагогик компетентлик ва креативлик асослари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Тошкент, 2015. –
- Мардонов Ш.Қ. Педагог кадрларни таълимий кадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари: пед. фан. докт. дисс. – Т., 2006. – 302 б
- Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: ТГПУ, 2003. – 192 с

- Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. //Пед. фанлари докт. илмий дараж. учун дисс. – Т.: 2007.- 305 б
- Топилдиев В.Р. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-хукукий асослари. –Т.,2015.

## **Siljishli funksional operatorlarning teskarilanuvchanlik shartlari**

*A. Xudoyberdiyeva Samarqand Davlat Universiteti mexanika-matematika fakulteti I kurs magistranti*

$\Gamma$ -birlik aylana,  $\alpha$  –  $\Gamma$  aylanani o'ziga akslantiruvchi diffeomorfizmi bo'lib qo'zg'almas nuqtalarga ega bo'lmasin.  $C(\Gamma)$  fazoda ( $\Gamma$  – konturda uzluksiz funksiyalar fazosida)

$$A = aI - bW$$

operatorni qaraymiz. Bu yerda  $a, b \in C(\Gamma)$ ,  $I$  –birlik operator,  $W$  –siljish operatori:

$$(W\varphi)(t) = \varphi(\alpha(t))$$

$A$  operatorning teskarilanuvchanlik va bir tomonlama teskarilanuvchanlik shartlari  $\alpha$  –siljish chekli sondagi va bo'sh bo'lmagan qo'zg'almas nuqtalari to'plamiga ega bo'lgan holda [1] va [2] ishlarda o'rganilgan.

Ushbu ishda esa  $\alpha$  –siljishning qo'zg'almas nuqtalari to'plami bo'sh bo'lganda  $A$  operatorning bir tomonlama teskarilanuvchanlik shartlari  $C(\Gamma)$  fazoda olingan.

Birlik aylanada aniqlangan  $k(x)$  funksiya uchun, agar  $\exp\left(\int_0^1 \ln|k(x)| dx\right)$  integral yaqinlashuvchi bo'lsa,

$$M(k(x)) = \exp\left(\int_0^1 \ln|k(x)| dx\right)$$

belgilashni kiritamiz. Agar  $\exp\int_0^1 \ln|k(x)| dx$  integral uzoqlashuvchi bo'lsa,  $M(k(x)) = 0$  deb olamiz.

$A$  –operator uchun quyidagi tasdiq o'rinli ekanligini ko'rsatish mumkin:

**Teorema.**  $A$  operatorning  $C(\Gamma)$  fazoda teskarilanuvchan bo'lishi uchun:

- 1)  $\inf_{t \in \Gamma} |a(t)| > 0$  va  $\eta(A) > 0$ ;
- 2)  $\inf_{t \in \Gamma} |b(t)| > 0$  va  $\eta(A) > 0$

shartlarning birining bajarilishi zarur va yetarli.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Карлович Ю.И. Об алгебрных сингулярных интегральных операторов с дискретными группами сдвигов в пространствах  $L_p$ . ДАН, СССР 304(1989)6, 274-280 ст.
2. Mardiyev R, Namatov D. Diskret funksional operatorlarning bir tomonlama teskarilanuvchanligi. “Новые результаты математики и их приложения”. Самарканд. Научной конференции. 14-15 мая 2018 г. 35-36 ст.

## **Одам савдоси олдини олиш бўйича талабалар билан профилактика ишларини ташкил қилишда интерфаол усуллардан фойдаланиш**

*Абдушукурова Икбол Кучкаровна  
Гулистон давлат университети, Гулистон ш.*

Мазкур муаммонинг долзарблигини ҳисобга олиб, шуни қайд қилиш керакки, бугунги кунда бутун дунеда одам савдосига қарши курашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада айниқса одам савдосини олдини олиш бўйича ёшлар орасида профилактика ишларини ўтказишга алоҳида ўрин ажратилмоқда. Талабалар билан профилактика ишларининг асосий мақсади – уларга одам савдоси соҳасидаги амалдаги вазият ҳақида ахборот бериш, эксплуатациянинг ҳар хил шакллариининг шафқатсизлиги ва унинг жабр кўрганлар учун оқибатлари билан таништириш, хорижга чиқиш ва у ерда бўлишнинг хавфсизлиги қоидалари билан таништиришдан иборат. Одам савдоси олдини олиш бўйича талабалар билан профилактика ишларини ташкил қилишнинг хусусиятларини таҳлил қилганда шуни таъкидлаб ўтмоқ жоизки, ҳар йили таълим муассасаларида одам савдосига қарши кураш, нолегал миграция ва улар билан боғлиқ аксилҳуқуқий ҳаракатларга қарши кураш бўйича давлат дастурини амалга ошириш борасида айрим тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Аммо, шунга қарамасдан, талабалар билан ишлаётган мутахассислар ишнинг мазкур йўналишини амалга ошириш жараенида қуйидаги муаммоларга дуч келишмоқда:

- мазкур йўналишда ёшлар билан ишлашнинг янги, замонавий ва самарали шакллари (“тенг – тенгга” тамойили бўйича волонтерларни жалб қилиш билан тренинглар ўтказиш, интерфаол ўйинлар, машқлар ва викториналар ва ҳқ.) ҳақида етарлича хабардор бўлмаслик;

- талабалар билан ишлашнинг энг самарали шакл ва усулларни танлашдаги қийинчиликларга дуч келиш.

Шуни қайд қилиш лозимки, одам савдосини олдини олиш соҳасидаги тарбиявий фаолият оддийгина маърузаларни ўтказишни билдирмайди. Бу ерда билиш (ахборот) омили муҳим бўлганига қарамай, мазкур тадбирлар оддийгина ахборот бериш билан

чекланмаслиги керак. Одам савдосини олдини олиш соҳасида ёшлар билан ишлашнинг самарадорлигини ва натижалилигини юксалтириш учун ўқитишнинг интерфаол шакллари ва усулларига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Интерфаол усуллар – бу таклиф қилинган фаолиятда шахсий иштирокни таъминловчи усуллардир. Интерфаол усуллар қўлланилганда зиддиятли масалалар тадқиқ этилади, реал вазиятлар моделлаштирилади, биргаликда ҳал қилиш учун муаммолар таклиф қилинади. Гуруҳда ҳамкорлик ва дўстона муносабат ўрнатилади. Одам савдосини олдини олиш бўйича талаба ёшлар билан ишлашда “Тенг – тенгга” тамойили бўйича тренинг, ролли ўйин, мунозара ва баҳс, ақлий ҳужум, викторина, саҳналаштириш, аниқ вазиятларни таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Мазкур таълимий тадбирлар самарадорлигини таъминлаш учун бир нечта асосий қоидаларга риоя қилмоқ керак бўлади:

- ишнинг у еки бу шакли учун тавсия қилинган иштирокчилар сонига риоя қилиш;

- микрогуруҳда ҳам қизлар, ҳам йигитлар бўлиши;

- иштирокчилар ёши бир хил бўлиши;

- интерфаол ишлаш тамойилларига риоя қилиш.

Албатта, ҳар бир ўқитувчи ўзи хоҳлаган усулдан фойдаланиши мумкин. Бу ерда биз юқорида тилга олинган айрим интерфаол усуллар билан таништирмақчимиз.

Тренинг – фаол ўқитиш усули бўлиб, маълум бир муаммо бўйича билимлар, кўникмалар ва малакаларни ривожлантиришга қаратилган бўлади. Тренинг гуруҳининг барча иштирокчилари интерфаол усуллар ердамида маълум вазифаларни ечиш устидан ишлайдилар. Иштирокчилар олинган натижаларни таҳлил қилишлари, унинг устуворликлари ва камчиликларини аниқлашлари керак бўлади. Одам савдосини олдини олиш бўйича тренинглар талабалар билан ишлашнинг самарали усулларида бири ҳисобланади, чунки бу усул ердамида талабаларда одам савдоси муаммоси бўйича тасаввурлар аниқ тарзда ҳосил қилинади, биргаликдаги иш жараенида бу ходисанинг асосий белгилари аниқланади, хорижга ишга жойлашганда хавфсиз ва масъулиятли хулқ кўникмалари ривожлантирилади. Тренинг тренернинг махсус тайергарлигини талаб қилади ва тренинг иши қоидаларига риоя қилишни, машғулотнинг маълум тузилишини, иштирокчиларнинг маълум сонини ва ажратилган вақтни аниқ белгилаб, бу қоидаларга риоя қилишни талаб қилади. Тренингларни ўтказиш жараенида турли усул ва услублар қўлланилиши мумкин: одам савдоси муаммоси бўйича суҳбатлар ва мунозаралар, мини-тестлар, разминка машқлари, интерфаол ўйинлар, ролли ўйинлар, жадваллар ва чоп этилган материаллар билан ишлаш ва б.

Тренинг ўтказишда “Одам савдоси афсона эмас, аччиқ ҳақиқатдир”, “Траффикинг жараенида одамларни алдаб ёллаш усуллари”, “Қулликка тушманг!” ва бошқа мавзуларни таклиф қилиш мумкин.

Мунозара, дискуссия (лат. *discussio* — кўриб чиқиш, тадқиқ қилиш) — бирон-бир баҳсли масала, муаммони муҳокама қилиш, тортишув. Унинг асосий тавсифи далилларга асосланганликдан иборат бўлади. Баҳс, дебат (франц. *debats, debattre* — баҳслашиш) –таклиф қилинган бир мавзуга оид тезис бўйича фикрлар алмашинуви, музокара. Мунозара ва баҳс олдидан бир қатор базавий саволларни еки тезисларни таклиф қилиш зарур бўлади. Масалан: “Одам савдоси: афсона еки ҳақиқат?”, “Хорижда ишлашнинг ижобий ва салбий томонлари”, “Траффикинг қурбонлари: улар кимлар?” ва ҳк. Мунозара ва баҳсларни ташкил қилиш олдидан иштирокчиларни маълум қоидалар билан таништириш лозим бўлади. Масалан, “Кўтарилган қўл” қоидаси – оппонентни танқид қилмаслик, биттадан гапириш, фақат ўз шахсий фикрини билдириш, барча иштирок этиши керак. Бошловчи ана шу қоидаларга риоя қилинишни назорат қилиб туриши керак, музокарани керакли томонга йўналтириб туриши керак, охирида эса яқун ясаши керак.

Яна бир интерфаол усул “Викторина” бўлиб, бу ўйин давомида иштирокчилар бир қатор саволларга жавоб беришлари керак бўлади. Бу саволлар умумий бир мавзуга тегишли бўлиши керак. Викторинанинг аҳамияти шундаки, у талабаларни мунозара юритишга ўргатади, уларнинг билимларини аниқлашга ердам беради, билиш қизиқишлари ва топқирлик, зукколик кабиларни ривожлантиришга хизмат қилади. Викторина саволлари тадбир ўтказувчилари томонидан олдиндан тузилади. Улар хилма-хил, қизиқарли бўлиши керак, талабаларга таниш бўлган материалдан четга чиқиши ҳам мумкин. Викторина оғзаки, ёзма шаклларда ўтказилиши мумкин. Одам савдоси муаммоси доирасида талабалар билан “Ишонаман – ишонмайман” викторинасини ўтказиш мумкин. Мазкур викторинани ўтказишда талабалар гуруҳи микрогуруҳларга бўлинади. Даврабоши навбатма-навбат ҳар бир командага савол беради, тўғри жавоблар учун командага жетон берилади. Викторина ниҳоясида яқун чиқарилади, командалар совринлар билан тақдирланиши мумкин.

Шунингдек саҳналаштириш шакли қўлланилиши мумкин. Саҳналаштириш учун амалдаги ҳаётдан вазиятни танлаш керак бўлади. Бу усул иштирокчиларга маълум моделлаштирилган ҳаётини вазиятларда ечимларни топишни ўрганишга имкон беради. Бу усул билимлардан фойдаланиш, кўникмаларни ривожлантириш, тегишли вазиятларни ҳал қилиш бўйича фикрларни кўриб чиқиш кабиларни ривожлантиради. Ўтказиш давомида бошловчи иштирокчиларни таклиф қилинган вазият учун хос бўлган ролларни бажаришга тайерлайди; вазиятни

моделлаштиришнинг мақсадлари, қоидалари ва давомийлигини тушунтиради; моделлаштирилган вазиятлар бўйича саҳналар тайерланиб, намоёниш қилинади; қисқача хулосалар чиқарилади.

Хуллас, одам савдосига қарши кураш ва одам савдосини олдини олиш бўйича профилактика ишларини ўтказишда инновацион усуллардан фойдаланиш бу ишларнинг самарадорлиги ва натижаларига ижобий таъсир кўрсатади.

## **Kimyoda simulyatorlardan foydalanish imkoniyatlari**

*Ahadov M.Sh. Tog'ayeva M.A.  
Navoiy davlat pedagogika instituti*

О'қув jarayonida modellardan foydalanish yangi usul emas. Qadim-qadimdan o'quv-o'rganish mobaynida modellardan foydalanib kelingan. Simulyatorlar o'quv jarayoning qariyb barcha jabhalarida: boshlang'ich ta'limdan boshlab oliy o'quv yurtlarigacha, oddiy til o'rganishdan to mexanika sohalarigacha qo'llanilishi mumkin.

Keyingi vaqtlarda hattoki meditsina sohasida ham simulyatorlardan keng foydalanilmoqda.

Ammo biz asosiy e'tiborni kompyuter simulyatorlariga qaratamiz. Kompyuter simulyatorlaridan asosan ikki yo'nalishda foydalanish mumkin:

haqiqiy ob'ektlarni modellashtirish hamda ushbu modellarni rivojlantirish,

hayotiy ob'ektlarni modellashtirishda eng sodda chiplardan tortib butun boshli murakkab kompyuter tizimlarigacha virtual prototiplarini yaratish mumkin.

Talabalarlar ushbu virtual modellarni o'rganish jarayonida ularning ishlash prinsip va usullarini yanada takomillashtirishlari ham mumkin bo'ladi.

O'quv yurtlarida simulyatorlardan foydalanish imkoniyatlari ta'lim sifat samaradorligini oshiradi. Simulyatorlardan foydalanishning asosiy sabablaridan biri ularning real ob'ektlarga nisbatan juda ham arzon alternativ ekanligidadir.

Hammaga ma'lumki, axborot texnologiyalar va kompyuter sohasini o'qitishda asosan leksiyalardan foydalaniladi; nari borsa programmalash tillarini o'qitishda ma'lum bir dasturlar tuzish bo'yicha mashg'ulotlar olib boriladi.

Ammo kompyuter jihozlarini yasash, operatsion va network tizimlarini o'rnatish hamda sinovdan o'tkazish qimmatbaho uskunalarga ehtiyoj tug'diradi. O'z-o'zidan ma'lumki umumiy o'rta ta'lim va oily ta'lim muassasalarida bunday imkoniyatlar hozircha keng ko'lamda mavjud emas. Simulyatorlar esa shunday haqiqiy asbob-uskuna va jihozlarsiz virtual holatda kompyuter hamda network qurilmalarini yasash va sinovdan



o'tkazishga imkoniyat yaratadi. Bu o'z-o'zidan nafaqat katta miqdorda mablag'lar tejalishiga, balki ularga umuman ehtiyoj ham tug'dirmaydi.

Simulyatorlarning qariyb hech qanday moliyaviy mablag'lar talab etmasligi ma'lum tadqiqotlarni talabalar tomonidan yuzlab, kerak bo'lsa minglab marotaba qayta-qayta amalga oshirishga imkoniyat yaratadi. Simulyatorlardan foydalanishning yana bir afzallik tomoni ularning xavfsiz ekanligidir. Ba'zi tadqiqotlarni amalga oshirish inson hayoti uchun xavf tug'diradi, masalan, ekologik xavfli, portlash bilan boradigan reaksiyalarni kuzatish jarayonida ma'lumotlarni yig'ish uchun foydalaniladigan network tarmog'ini o'rganish. Bunday tadqiqot katta miqdorda moliyaviy xarajat talab etibgina qolmasdan, tadqiqotni olib boruvchilar hayotiga xavf ham tug'diradi.

Simulyatorlar yordamida esa ekologik xavfli tajribalar hamda unga mos bo'lgan network tarmog'i virtual holatda yasalishi va ularning ustiga istagancha eksperimentlar o'tkazilishi mumkin. Simulyatorlardan foydalanish jarayonida talabalar ma'ruza vaqtida o'rgangan teoriya va bilimlarini virtual bo'lsada hayotga tadbiq qiladilar.

Ushbu tadqiqotlar jarayonida bilimlarini yanada mustahkamlash bilan bir qatorda nazariya hamda hayotiy tadqiqotlarning rivojlanishiga bevosita hissa qo'shadilar.

Bundan tashqari o'sha simulyatorlarning ham yanada rivojlanishiga, yanada haqiqiy hayotiy tadqiqotlarga yaqin natijalar beradigan darajaga chiqarishda o'z hissalarini qo'shishlari mumkin.

Bu o'z o'rnida talabalarni faqatgina "tinglovchi" vazifasida qolmasdan, bevosita ilmiy-tadqiqot ishlarida qatnashuvchilarga aylantiradi. Bu esa o'z navbatida talabalarda o'qish va tadqiqotlarga bo'lgan qiziqishlarini yanada ortishiga olib keladi.

Hozirgi fan-texnikaning katta sur'atlarda rivojlanishi real-hayotiy tadqiqot uskunalari ushbu rivojlanish bilan bir qatorda ketishida qiyinchilik tug'diradi.



Simulyatorlarda esa bunday to'siqlar mavjud emas va hatto ushbu "virtual tadqiqotxonalar" fan-texnika rivojlanish tezligiga qo'shimcha tezlik qo'shadi. Albatta har sohada bo'lgani kabi simulyatorlardan foydalanishga nisbatan ham qarshi fikrlar mavjud. Ulardan eng birinchisi simulyatorlarning haqiqiy ob'ekt va jarayonlarni to'la-to'kis ifoda eta olmasliklaridir. Bu simulyatorlar yordamida olingan natijalar bilan hayotiy tajribalardan hosil bo'lgan natijalar o'rtasida tafovutlar paydo bo'lishiga olib keladi. Ba'zi simulyatorlar esa o'yin shaklida yasalgan, masalan, uchuvchilik simulyatorlari. Ular foydalanuvchilarda doimiy ishqibozlik kelib chiqishiga olib keladi va natijada tadqiqotdan ko'ra ko'proq o'yin tarafi bosib ketadi.

Shunga qaramasdan yuqorida ko'rsatilgan simulyatorlardan foydalanishning salbiy tomonlari ijobiy tomonlariga nisbatan ancha kuchsiz hamda ularni bartaraf etish imkoniyatlari mavjud. Shuning uchun

ular simulyatorlardan foydalanishning qandaydir ma'noda cheklanishiga asosiy sabab bo'la olmaydi.

Shunday simulyatorlardan biri Crocodile Chemistry dasturi haqida aytadigan bo'lsak, Crocodile Chemistry dasturi orqali Mendeleev jadvalida mavjud barcha elementlarning kimyoviy va fizikaviy xususiyatlarini o'rganish mumkin. Odatda kimyoviy reaksiyalar ro'y berish vaqtida reaksiyaga qatnashayotgan molekullarning boshqa molekulaga aylanish jarayonini (molekulyar darajada) kuzatish iloji yo'q.

Bu dastur orqali kimyoviy jarayonlarni modellashtirish, turli reaksiyalarni o'tkazish va eng asosiysi, buni xavfsiz amalga oshirish mumkin. Quyidagi 1-2 rasmda Crocodile Chemistry dasturi ishchi oynasi keltirilgan.



Har bir kishining o'rganish uslubi turlicha bo'ladi, ba'zilar ma'lumotni eshitish orqali yaxshi qabul qilsa, boshqalar ko'rish natijasida, uchinchi toifadagilar esa ham eshitish, ham ko'rish orqali yaxshi o'zlashtiradilar.

Demak, kimyo ta'limida simulyatorlardan unumli foydalanilgan holda talabalarning ko'nikma va malakalari shakllantiriladi, hamda yuqori dars samaradorligiga erishish imkoniyatlarini yaratiladi.

## **Мировая тенденция инновационного развития сельских регионов**

*Саттаров Р.А. Базовый докторант Института Прогнозирования и макроэкономических исследований. г.Ташкент.*

*В статье рассмотрены зарубежная практика обеспечения устойчивого развития сельских регионов, с акцентом на внедрение инновационно-социальных подходов, дана оценка возможности использования в условиях Узбекистана методы и механизмы инновационного развития в обеспечении потребности и нужд населения сельских районов.*

В рамках Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана важное место отведено устойчивому социально-экономическому развитию сельской местности. При этом сельские районы выступают основным объектом непосредственной реализации проводимых реформ в стране. Указ Президента Республики Узбекистан «О программе «Обод кишлок» и Постановление «О дополнительных мерах по реализации программы «Обод кишлок» (2018 г.) дали существенный толчок устойчивому развитию сельских территорий<sup>44</sup>. Разработанная и реализуемая целевая программа «Обод кишлок» по существу является составной частью устойчивого развития села. Объективно оценивая сложившуюся ситуацию развития социальной сферы в сельской местности, в программе указан комплекс мер по преодолению системных проблем и поэтапному повышению уровня и качества жизни сельского населения.

Определенный опыт решения социально-демографических проблем в сельских территориях накоплен в зарубежных странах. В соответствии с современными тенденциями, для сельского региона должна быть характерна нацеленность на создание своих подходов к социальному развитию села с учетом внедрения инновационных технологий.

В этой связи государство, заинтересованное в устойчивом развитии сельских территорий, должно адаптироваться к быстро меняющейся внешней среде. В данном контексте многие ученые и специалисты отмечают необходимость изучения опыта Китая<sup>45</sup>, добившегося в последние годы больших успехов в сфере социально-экономического развития сельской местности. Это свидетельствует о том, что проведение крупных реформ надо начинать именно с сельского хозяйства. Данный

---

<sup>44</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О программе «Обод кишлок» от 29.03.2018 г. № ПФ-5386, Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по реализации программы «Обод кишлок» в 2018 году» №ПК-3630 от 29.03.2018 г.

<sup>45</sup> *Пишихачев С.* Экономический рост аграрного сектора Китая и его последствия. Международный сельскохозяйственный журнал, 2008, №1.

фактор стал мощным катализатором для развития села. При этом, приоритетом выступили рост производительности на основе инновации, занятость населения, повышение доходов и качества жизни сельского населения. Активная социальная политика на селе способствовала решению проблем продовольственной безопасности, снижению социальной напряженности и рисков.

Достижения Китая, а также стран Евросоюза, Японии рассматриваются исследователями как доказательство необходимости изучения сельской местности с точки зрения ее комплексного и инновационного развития. Опыт стран Евросоюза доказывает, что каждому вновь созданному рабочему месту в сельском хозяйстве гарантируется 6–8 рабочих мест в других секторах экономики, в том числе в социальной сфере.

Европейская, китайская и американская практика развития сельских территорий предполагает создание объектов социальной инфраструктуры, которые отвечают комплексу современных требований и обеспечивают рост качества жизни сельского населения. При этом, успешное решение данной проблемы во многом зависит от создания благоприятных условий для развития частного сектора и малого предпринимательства. Для этого в зарубежных странах соответствующие органы обеспечивают общее управление, разрабатывают программы развития, осуществляют финансовую поддержку конкретных инвестиционных проектов социального развития.

К числу основных мер, используемых за рубежом в области укрепления демографического потенциала и обеспечения региональной занятости, являются:

- повышение продолжительности жизни через повышение качества медицинских услуг;

- снижение уровня смертности, в том числе детской и младенческой; – снижение безвозвратной трудовой миграции из сельской местности; – разработка эффективных методов, нацеленных на обеспечение планирования демографического развития в сельской местности;

- целенаправленная и адресная поддержка малообеспеченных и многодетных семей;

- обязательный учет системы расселения при размещении объектов социальной инфраструктуры (детские сады, школы, семейные поликлиники, сельские врачебные пункты, аптеки и др.)

Многочисленная зарубежная и отечественная литература, посвящённая социальному переустройству села, показывает динамичное изменение социальной структуры и жизни сельских граждан. Сельская жизнь прошла ряд стадий развития в соответствии с переходом от низших к высшим этапам цивилизации. Прежде всего, это относится в части технологической организации производства и социальных

отношений. Отдельно взятый сельский житель или сельский социум воспринимает окружающее экономическое пространство по-своему, в зависимости от демографических характеристик и традиций на селе.

Полноценные изменения функций сельских регионов, стратегию их развития можно раскрыть на примере ряда зарубежных стран. Среди наиболее заметных выделяется европейский опыт, связанный с эволюцией концепций и моделей сельского развития.

В Европе в 2006 году имел место переход на новую парадигму устойчивого развития села. Ее основные положения предусматривают:

- снижение роли сельского хозяйства в формировании добавленной стоимости и занятости;

- развитие несельскохозяйственных видов деятельности в сельских районах, в частности сферы услуг;

- рациональное использование местных ресурсов;

- целенаправленность социального развития села в конкретных населенных пунктах.

Ученые Канады и США особое внимание уделяли территориальности сельского развития (отдаленной и близкой) в зависимости от естественных ресурсов. Данное обстоятельство характерно и для Узбекистана, где сельские жители проживают в населенных пунктах, существенно отличающихся друг от друга, исходя из размещения в отношении доступности к ресурсам, транспортной инфраструктуре и др.

Глобальное поступательное движение к социализации и экологизации общества нашло отражение в Стратегии развития Европы до 2020 года. Основными ее составляющими в области устойчивого развития сельских территорий являются:

- во-первых, поощрение трансфера знаний и инноваций;

- во-вторых, усиление устойчивости и конкурентоспособности хозяйств всех видов во всех сельских районах;

- в-третьих, продвижение организации продуктовой цепи, включая производство и маркетинг;

- в-четвертых, восстановление, сохранение и усиление экосистем;

- в-пятых, стимулирование ресурсной эффективности;

- в-шестых, активизация социальной инклюзии, снижение бедности, социально-экономическое развитие сельских территорий.

Теоретический и практический интерес этой стратегии представляет ее социальная составляющая, на первый план выдвигающая такие схемы поддержки сельских регионов, которые помогают ослабить барьеры рынка труда и способствуют социальному развитию для всех, особенно наиболее уязвимых социальных групп – детей, женщин, молодежи, пожилых людей, инвалидов. Социальная ориентированность включает получение образования и непрерывное обучение, развитие современной

транспортной и информационно-коммуникационной инфраструктур и улучшение доступа к социальным услугам на базе инновации.

Роль инфраструктуры в сельском развитии возрастает в связи с новыми вызовами - глобализацией, климатическими и демографическими изменениями. Улучшение социальной инфраструктуры и качества жизни сельских территорий, испытывающих демографические риски и угрозы (рост внешней трудовой миграции и ее отрицательные последствия), социальную напряженность в доступе к важным социально-значимым услугам

(водо-, газо- и теплоснабжение, жилищные условия, транспортная доступность и др.), требуют повышения качества жизни сельского населения (уровень образованности и репродуктивное здоровье), активного привлечения инновационных инвестиций, стимулирования и поддержки предпринимательства.

Для Узбекистана особенно важно стимулирование создания высокотехнологических рабочих мест для сбалансированности рынка труда и снижения неформальной внешней трудовой миграции. Заслуживают внимания активизация местных инициатив сельских граждан и существенное повышение социального статуса и культуры сельского населения.

В отличие от многолетнего опыта подготовки национальных и региональных программ сельского развития в ЕС и России, где важное место отведено социальному переустройству, а также «сельским белым книгам», разрабатываемым в Великобритании, Узбекистан находится на начальном этапе. Целевая государственная программа «Обод кишлок», реализуемая в настоящее время в республике, требует системного мониторинга и учета возникающих проблем, а также применения зарубежной практики в области разработки аналогичных программ с упором на инновационное комплексное развитие сельских регионов и решение социально-демографических проблем.

## **Avtomatik testlovchi tizimlar imkoniyatlaridan ta'lim jarayonida foydalanish**

*Jomurodov D. M., Musurmanov U.A., Musurmanov Ya.X.*

*Jizzax davlat pedagogika instituti*

О'zbekiston Respublikasining rivojlangan davlatlar qatoridan munosib o'rin egallashi va ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi bugungi kunda iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirish uchun fuqarolarning, ayniqsa ziyolilarning ma'naviy salohiyati, iqtisodiy o'zgarishlarini to'g'ri talqin qilishlari va bu jarayonlarni boshqara olishlari hamda XXI asr ilmiy-texnika taraqqiyoti talablariga javob bera olishlari uchun o'quv maskanlarida sifatli kadrlarni etkazib berish masalasi dolzarb hisoblanadi.

Jamiyat rivojining bugungi bosqichi bevosita texnologiyalarning takomillashuvi bilan harakterlanadi. Zamonaviy texnologik jarayonlar har qanday sohada o'z ta'sirini o'tkazgani kabi, axborot uzatish tizimiga ham tobora yangi o'zgarishlar olib kirmoqda.

Ta'lim tizimining turli yo'nalishlarida o'qitishning an'anaviy usullaridan foydalanish yetuk mutaxassis kadrlar tayyorlashning yetarli sifat darajasini har doim ham ta'minlay olmaydi. Ta'lim oluvchilarning individual xarakteristikalarini hisobga olish, talabalar faolligini oshirishdagi murakkabliklar, ta'lim oluvchilar bilim, ko'nikma va malakalarini o'z vaqtida, adolat mezonlariga asoslangan holda nazorat qilishdagi sezilarli kamchiliklar an'anaviy o'qitish usullarining asosiy muammolaridan hisoblanadi.

Bu kabi qiyinchiliklarni bartaraf etishning samarali yo'llaridan biri avtomatlashtirilgan axborot ta'lim tizimlarini yaratish hisoblanadi. Bunday tizimlar o'qituvchi ishtirokida yoki ishtirokisiz o'quv kurslarini tashkil qilish, ta'lim jarayonini tashkil qilish va boshqarish, bilim va malakalarni nazorat qilish, natijalar monitoringini tahlil qilish kabi imkoniyatlarni beradi.

Ma'lumki, hozirda Respublikamiz rahbariyati tomonidan ta'lim tizimida ham katta islohotlar amalga oshirilmoqda. Ta'lim tizimida innovatsion ta'lim texnologiyalaridan foydalanish, ilg'or xorijiy davlatlar tajribasini o'rganish ta'lim sifatini oshirishning muhim omillaridan hisoblanadi.

Hozirda talabalar bilimini baholashda test texnologiyalarining yetakchi o'rin egallayotganligini kuzatish mumkin. Ma'lumki, test texnologiyalari asosan talabalarning nazariy bilimlarini baholashda keng qo'llaniladi. Amaliy bilim, ko'nikma va malakalarni baholash ba'zi ta'lim yo'nalishlarida ikkinchi darajaga tushib qolishi ham kuzatilmoqda. Buning asosiy sabablaridan biri test texnologiyalari orqali talabalar bilimini baholash anchagina qulay, vaqt nuqtai nazaridan ham tejamkor ekanligidadir. Bundan tashqari testning adolatli baholash mezonlari ishlab chiqilishi, yagona avtomatlashgan tizim orqali boshqarilishi ko'pchilik mutaxassislar e'tiborini o'ziga jalb qilmoqda.

Ilg'or xorijiy davlatlar tajribasi o'rganilganida dasturlash sohasida ham xuddi ana shunday testlovchi tizimlar mavjudligini kuzatish mumkin. Bu tizimlarning e'tiborga molik, asosiy imkoniyatlaridan biri – dasturlash bo'yicha amaliy bilimlarni ham baholab bera oladi.

Mazkur tizimlarning imkoniyatlari tahlil qilinganida quyidagi umumiy xususiyatlarni alohida e'tirof etish zarur. Birinchidan:

- o'qituvchi vaqtini tejash (algoritmlar to'g'riligini o'qituvchi emas, avtomatik tarzda tizim tekshiradi),

- nazorat natijalari tezkorligini ta'minlash (talabalar masala yechimi – dasturni tizimga jo'natgan zahoti natijasini ham ko'rishadi),

- baholashning shaffof va adolatli bo'lishini ta'minlashni (talabalarning umumiy natijalari tizimning "Monitor" bo'limida aks etib turadi.

Ikkinchidan:

- Informatika va axborot texnologiyalaridan Respublika fan olimpiadalarining barcha bosqichlarini shaffof va adolatli o'tishi ta'minlash;

(tizimda alohida – “Musobaqalar” bo’limi tashkil etiladi va ishtirokchilar administrator tomonidan ro’yxatdan o’tkaziladi. Ularning tizimga kirishlari uchun login, parollar tizim tomonidan generatsiya qilinadi va musobaqa boshlanishidan oldin ishtirokchilarga beriladi. Musobaqa ishtirokchilari natijalari online tarzda tizimning “Monitor” bo’limida barchaga namoyish etib boriladi.

- talabalarning mustaqil ishlashlarini tashkil qilish; (tizim global tarmoq – internet yoki mintaqaviy tarmoqlarda o’rnatiladi. Talabalar tizimga a’zo bo’lib, o’qituvchi tomonidan tashkil qilingan mavzulashtirilgan masalalarni mustaqil ravishda ishlab o’rganishlari hamda bilimlarini sinovdan o’tkazishlari mumkin bo’ladi.)

- ta’lim muassasalarida dasturlash bo’yicha masofaviy kurslarni tashkil qilish; (“Algoritmlar”, “Dasturlash tillari” kabi fanlardan masofaviy kurslar uhcun alohida vaqt, maxsus joy va alohida mutaxassis tanlanmaydigan, yagona tizimga birlashtirilgan masofaviy o’quv kurslarini yaratish imkoniyati paydo bo’ladi.)

Tizimda o’tkazilgan har bir laboratoriya topshiriqlari va musobaqalarda qo’yilgan masalalar tizim tomonidan arxivga o’tkaziladi. Tizim arxiv masalalari asosida mustaqil ishlash uchun masalalar to’plamini boyitib boradi. Natijada tizimda ro’yxatdan o’tgan har bir foydalanuvchi ushbu to’plamdagi masalalarni ishlab, masala yechimi sifatida yozgan dasturlarini tizimga jo’natgan holda o’z amaliy bilimlarini sinovdan o’tkazishlari mumkin bo’ladi. Bu boshlovchi dasturchilar, o’zlashtira olmagan talabalarning dasturlash tillari fanini mustaqil o’rganishlari uchun muhim vosita bo’lib xizmat qiladi.

Hozirda global tarmoqda ishlab turgan “Dasturiy yechim to’g’riligini avtomatik testlovchi tizimlar” yurtimizda juda kamchilikni tashkil etadi. Bunday tizimlar ko’paytirilib, takomillashtirilsa va dasturchilar o’rtasida Respublika miqyosidagi musobaqalar tashkil qilinsa maqsadga muvofiq bo’lar edi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:**

1. Хамидов В.С. Методы и модели веб ориентированных адаптивных обучающих систем/LAP LAMBERT Academic Publishing, Germany. 228 стр

2. Dasturiy yechim to’g’riligini avtomatik testlovchi tizimlar: <http://acm.tuit.uz>, <http://algo.ubtuit.uz>, <http://acm.timus.ru>, <http://acmp.ru>, <http://e-olymp.com>, <http://codeforces.com>, <http://fcoders.uz>



## **Видеодарслар орқали машғулотларни ташкил этиш самарадорлиги**

*Мажидов Ж.М., Жомуродов Д.М.  
Жиззах давлат педагогика институти*

Ахборот технологияларининг ривожланиши билан ўқитишнинг янги истиқболли шакллари пайдо бўла бошлади – вебинарлар орқали, видеодарслар орқали, симуляторлар ёрдамида ва ҳоказо. Бундай ўқитиш услубларидан энг оммалашгани ва самарадорлиги ҳам юқори бўлгани – интернет глобал компьютер тармоқларида жойлаштирилган видеодарслар эканлигини кузатиш мумкин.

Ҳозирги кунда таълим олувчиларнинг асосий қисми интернет тармоғига улана олишларини ҳисобга олсак, тармоққа жойлаштирилган видеодарслардан фойдаланувчилар аудиторияси кўлами қанчалик кенглигини тасаввур қилиш қийин эмас. Шундай экан ўқитишнинг бу шаклини баҳолашда икки томонлама ёндошиш зарур бўлади: таълим муассасаси учун ва таълим олувчилар учун.

Видеодарс – ўқитувчининг доска ёнида ўтказадиган маърузалари классик шаклини замонавий технологиялар асосида видеокамераларда қайд этиш орқали ёки компьютерларда бажарадиган ҳаракатларини овозли ҳолатда экрандан видео олиш дастурлари орқали ташкил қилинадиган масофавий таълим шаклларида ҳисобланади.

Видеодарсларни иккита асосий усулда ёзиш мумкин:

1. Видео ёки фотокамералар, 2 мегапикселдан кам бўлмаган сифатдаги камерага эга мобил телефонлари ёрдамида
2. Компьютер экранидан видео ёзишга мўлжалланган махсус дастурлар орқали ва компьютер микрофони ёрдамида

Видеодарслар орқали ташкил этилган машғулотларда ўзлаштириш самарадорлигини баҳолаш учун уни классик таълим шакли ёки вебинар билан қиёсий таққослайлик.

ютуқлари: 1. Оммабоплиги. Ҳозирги кунда интернет орқали сизни қизиқтирган материални топиш, видеодарс кўринишига келтириш ёки ундан фойдаланиш муаммо эмас. Бунинг учун Сизда вақт, техник ва дастурий таъминот ҳамда энг асосийси хохиш бўлса кифоя.

2. Тежамкорлик. Материални ўзлаштириш ёки таълим бериш жараёнида классик таълим услубидан фарқли равишда таълим муассасасига бориш учун вақт сарфлаш шарт эмас. Шунингдек, таълим учун сарфланадиган маблағларда ҳам бу ўз аксини топади. Таълим олувчи учун ҳам таълим берувчи учун ҳам вақтни тўғри тақсимлаш имконини беради. Таълим олувчилар учун ўрганилаётган материални конспект қилишга, таълим берувчилар учун эса қайта маърузалар ўқишга ҳожат қолмайди.

3. Психологик фактор. Ҳар бир инсон индивидуал характерга эга. Кимдир эътибор марказида бўлишни ёқтиради, яна кимдир ўзи учун

қулайроқ жойда, қулайроқ шароитларда бўлишни ёқтиради, бошқа чалғитувчи факторлар бўлишини хохламайди. Эътибор марказида бўлишни хоҳловчилар учун классик таълим методлари ёки вебинарлар қулай шароит яратса, ўқитувчи эътиборида бўлишни, унга индивидуал эътибор қаратишларини хоҳловчи таълим олувчилар учун классик таълим методлари маъқулроқ кўринади.

4. Эркин график. Кўпчилик таълим олувчилар, шунингдек таълим берувчиларда ҳам вақт тиғизлиги кузатилади. Айтганда, ўз билим ва малакаларини оширишни хоҳловчи ёки иккинчи мутахассислик олишни истовчи ишчи-ходимлардаги катъий иш графиклари ўз мақсадларига етишишлари учун бу муаммоларга кўпроқ дуч келишади. Бундай ҳолатларда ўргатувчи видеокурслар улар учун ҳаққоний ечимлардан бири бўлиб хизмат қилади. Улар ўзлари учун қулай вақтда масофавий таълим олишлари мумкин бўлади.

Камчиликлари: 1. Жонли мулоқот. Классик таълим методларидан фарқли равишда видеодарсларда жонли мулоқот мавжуд эмас. Маърузачи билан бир аудиторияда ўтирган талабада маъруза бўйича тушунмовчилик саволларини бериш ва аниқлик киритиш ёки мавзу юзасидан ўз фикрларини билдириш имконияти бўлади. Таълим берувчи ва тингловчилар машғулот давомида жонли мулоқотда бўладилар.

2. Амалиёт камлиги. Масалан, видеодарслар бирор бир дастурлаш тилини ўргатишга мўлжалланган бўлса, дарс давомида ҳаммаси тушунарли ва соддадек кўринади. Олинган билимларнинг амалий тадбиқига келганда эса ҳаммаси ҳам осон эмас. Таълим олувчининг амалий ишларини назорат қилувчи фактор йўқлиги бу борада аудитория машғулотлари самаралироқ бўлишини кўрсатади.

3. Индивидуал ёндошув. Маълумки аудиторияда ўтирган тингловчиларнинг чекланган сони тажрибали ўқитувчига уларнинг индивидуал характери ва билим даражаларига қараб ёндошиш имкониятини беради. Аудиторияда олиб борилаётган машғулотнинг максимал самара беришини таъминлашга, кўпроқ эътиборни жалб қилишга, аудиториядаги ҳолатга қараб машғулот йўналишини танлашга ҳаракат қилади. Видеодарсларда эса камдан кам ҳолатларда аудитория даражаси ҳисобга олинади. Бу дарслар кимгадир жуда осон ёки кимгадир тушунишлари қийин бўлиши мумкин.

Таълим беришнинг бу шакллари қиёсий таҳлилидан шуни хулоса қилиш мумкинки, классик таълимда ҳам видеодарс ёки вебинарлардан фойдаланиш кўпроқ самара беради. Масалан, аудиторияда янги мавзу баёни видеодарс шаклида олиб борилса ҳамда ушбу видеодарс тингловчиларга тақдим этилса, амалий машғулотларда эса тингловчиларнинг ўзлаштириш даражаси назорат қилинса, тушунмовчилик ҳолатларига жонли мулоқот тарзида аниқлик киритилса ушбу машғулотларда юқори самарага эришиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган манбалар

1. Чалиев А.А. “Видеоурок как перспективная информационная технология обучения в ВУЗах”. Современные проблемы науки и образования. Выпуск №5, 2014

## **О’quvchilarda rekursiv algoritm tushunchasini shakllantirishda pedagogik texnologiyalardan foydalanishning ayrim tomonlari**

*Botirov D.B., Majidov J.M.*

*Jizzax davlat pedagogika instituti*

Maktabda yangi mazmundagi ta’limni joriy qilish, avvalo kishi organizmini, uning psixikasini chuqurroq o’rganishni talab qiladi. Hozirgi vaqtda pedagog, psixolog va fiziolog olimlar o’quvchilarning maksimal darajada bilimlarini mustahkamlash yo’llarini izlab topmoqdalar. Ana shu psixologik-pedagogik izlanishlar maktabda takrorlash darslarini to’g’ri rejalashtirish, uyushtirish va o’tkazish lozimligini ham taqozo qiladi.

O’quv jarayoniga yangi, ilg’or pedagogik texnologiya, dars o’tishning nostandart, noan’anaviy uslublari, xususan, interfaol uslub keng joriy etilyapti. Biz shulardan kelib chiqqan holda pedagogik texnologiyalarning o’quv jarayoniga tatbiq etish bo’yicha to’plangan tajribalarni bayon etishni lozim topdik.

Masalalarni yechish algoritmini qayta ishlashda qo’llaniladigan foydali usullardan biri bu – yordamchi algoritmlarni qo’llashdir.

Yordamchi algoritmlar – bu asosiy algoritm tarkibiy qismi sifatida ishlatiladigan algoritmlardir. Bu algoritmlar bilan ishlash xususiyati o’quv qo’llanmalarida ko’rib chiqilgan bo’lib, materiallarni batafsil ko’rib chiqib, tushintirishda o’qituvchilarga jiddiy qiyinchiliklar tug’dirmaydi.

Yordamchi algoritm tushunchasi bilan murakkab tushuncha bo’lgan rekursiv algoritm uzviy bog’liqdir. Rekursiv algoritmlarning o’zi esa bu o’z-o’zidan yordamchi algoritm sifatida ishlatiladigan algoritmdir.

Rekursiv algoritmlarni qayta ishlashning asosi rekurent munosabatlar hisoblanadi. Rekurent munosabatlar – qandaydir amalning  $n$  – qadami natijasi va unga o’xshash  $n - 1$  chi qadamni natijasi o’rtasida bog’liqlik o’rnatishdan iboratdir.

Shuni aytish kerakki bu tushunchalar “Algoritmash” fanining asosiy tushinchalaridan biridir, bu tushincha o’quvchilarga chuqur yetkazilishini kerak deb hisoblaymiz. Shuni ham aytib o’tish kerakki, oddiy rekursiv algoritmlarni o’zlashtirishda ham o’quvchilar bir qator qiyinchiliklarga duch kelishadi.

Rekursiv algoritm avval mantiqiy tuzilish jihatidan amalda murakkab bo’lib, algoritmlarning tuzilish asosini tashkil qiladi. Albatta bundagi murakkablik va o’qitishga ajratilgan vaqtning qisqaligi masalani yechishda rekursiv algoritmlarni qayta ishlashga alohida etibor berishga yo’l qo’ymaydi. Shu bilan birga bunday algoritmlarning g’oyaviy boyligi va mantiqiy

tuzilishning qo'shilishidagi samaradorligi asosini rekursiyani hal qilish tashkil qilgan masalalarni informatika fanidan o'tkaziladigan fan olimpiadasiga kiritishda asosiy muhim sabablardan biri bo'lib xizmat qiladi.

Olimpiada qatnashchilari masalalarni muvaffaqiyatli yechishlari uchun rekursiv algoritmlar ma'nosini tushinishdan tashqari o'quv qo'llanmasida berilgan masalalarni tahlil qila oladigan yetarlicha qayta ishlash malakasiga ega bo'lishi shart.

O'z tanasida o'zini chaqiradigan funksiyalarga rekursiv funksiyalar deb ataladi. Rekursiya ikki xil bo'ladi:

- oddiy bo'ladi, agar o'z tanasida o'zini chaqirsa;
- vositali agat birinchi funksiya ikkinchi funksiyani chaqirsa, ikkinchi funksiya esa o'z navbatida birinchi funksiyani chaqirsa.

Odatda rekursiya matematikada keng qo'llaniladi. Chunki aksariyat matematik formulalar rekursiv aniqlanadi.

Rekursiv funksiyalarni to'g'ri amal qilishi uchun rekursiv chaqirishlarning to'xtash sharti bo'lishi kerak. Aks holda rekursiya to'xtamasligi va o'z navbatida funksiya ishi tugamasligi mumkin.

Rekursiya chiroyli, ixcham ko'ringani bilan xotirani tejash va hisoblash vaqtini qisqartirish nuqtaiy-nazaridan uni imkon qadar iterativ hisoblash bilan almashtirilgani ma'qul.

Shuni ham aytib o'tish kerakki, shunday masalalar ham borki, ularni hal qilishda rekursiya juda ham samarali, hatto masala yechimida bu yagona usul hisoblanadi.

O'quvchi bilimni nazorat qilishning zamonaviy pedagogik texnologiyaga asoslangan nazorat shakllaridan biri – yozma ishdur. Bunda sodda mashqlar bilan bir qatorda, ma'lum bir atama va tushunchalarni o'quvchilarning qay darajada o'zlashtirgani aniqlanadi. Masalan, "Rekursiv funksiya" ga doir yozma ishda o'quvchilarimizga quyidagi atama va tushunchalarning mohiyatini ochib berishlarini, ta'riflarini keltirishlarini tavsiya etdik:

- rekursiv funksiya tushunchasiga olib keluvchi biror amaliy masalani yozing va uni tahlil qiling;
- rekursiv funksiyaning qadamlari nima? Ular nechta bo'lishi mumkin va bu nimaga bog'liq?
- rekursiv funksiya qadami va natijasi orasida qanday bog'liqlik mavjud;
- rekursiya to'g'risidagi tushunchalarning orasida qanday bog'liqliklar mavjud.

Yangi pedagogik texnologiyalarni o'quv jarayoniga tatbiq qilish davr talabi bo'ib, uni qo'llash natijasida o'quvchilarga berilayotgan bilimlar soddalashadi, tushunarli bo'ladi va o'quvchilarning bilimni oshirishga yordam beradi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Payzimatova M., Akramova M., Bobobekova N. O'rta maxsus ta'lim tizimi informatika darslarida interfaol usullarni qo'llashning metodologik

asoslari.”Uzluksiz ta’lim tizimida matematika va informatika fanlarini o’qitishni takomillashtirish masalalari”, Respublika miqyosidagi ilmiy-texnik konferensiya materiallari. Qo’qon – 2012 yil. 192-195 betlar.

2. Madraximov Sh.F., Gaynazarov S.M. C++tilida programmalash asoslari., Toshkent -2009 yil.

## **Давлат сув кадастрини автоматлаштирилган тизимини такомиллаштириш**

*Л.Т.Ибрагимов-таянч докторант (СамДАҚИ),*

*М.Ф.Ахмедова-талаба (СамДАҚИ)*

**Таянч иборалар:** сув объектлари, Давлат сув кадастри, Давлат сув объектларнинг мониторинги, ГАТ модели

**Аннотация:** Ушбу мақолада Давлат сув кадастрини юритишда географик ахборот тизимларига асосланиб Давлат сув объектлари мониторингини олиб бориш ва маълумотлар базасини шакллантириш масалалари кўриб чиқилган. Давлат сув кадастри тизимларини такомиллаштириш хусусида хулоса келтирилган.

Бугунги кунда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни назорат қилиш, сувдан фойдаланувчилар тўғрисидаги ахборотларни тартибга солиш, сув ресурсларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича автоматлаштирилган сув кадастрини яритишда географик ахборот тизимлари (ГАТ) фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан географик ахборот тизимлари (ГАТ) ёрдамида сув объектлари, сув режими, сифати ва сувдан фойдаланишнинг тезкор мониторингини юритиш алоҳида аҳамиятга эга. Сув ресурсларини бошқариш ва фойдаланишда ГАТ моделларини ишлатишда асосий муаммо уларнинг аниқлигининг пастлиги, моделлар паст резолюцияли йўлдош тасвирлари асосида тузилганлиги, эски таҳлил усулларидан фойдаланилганлигидадир.

Давлат сув кадастри сув ресурсларининг ҳажми ва фойдаланиш турларига қараб тизимлаштирилган маълумотлар базаси ҳисобланади. Сув кадастри ер усти сувларининг гидрологик тавсилотлари, ер ости сувлари ва сувдан фойдаланувчилар ҳақида маълумотлар тўплайди.

З.С. Шохужаеванинг [1; 19-б.] таъкидлашича, суғориладиган ерларнинг самарадорлигини ошириб бориш фақат ерлардан фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлмай, у қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун зарур бўлган суғориш сувларига ҳам боғлиқ бўлиб, суғориш учун зарур бўлган сув ресурслари танқислигини эътиборга олган ҳолда ундан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Ш.Б.Акмалов [2; 8-б.] томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида, суғориш тизимларининг сув сарфини баҳолашда, қишлоқ хўжалик экинларининг сувга бўлган эҳтиёжини

таҳлил қилиш бўйича маълумотлар базаси ва харитаси MODIS сунъий йўлдош тасвирлари асосида яратилган.

Р.И.Отениязовнинг [3; 21-б.] изланишларида аэрокосмик суратлар ва геоахборот технологиялари асосида сизот сувлари сатхи ўзгариши ўрганилган.

Ж. Х.Джуманов [4; 18-б.] эса геоахборот технологиялари ёрдамида ер ости сувлари ҳолатини ўрганган ва гидрогеологик масалаларни ечимига геоахборот - математик моделларни тадбиқ этган.

Г. Е. Омарова [5; 14-б.] ўз тадқиқотларида сув танқислиги шароитини ҳисобга олиб маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда районлаштирилган мавзули карталар тузиш йўли билан суғориладиган ерларни сув билан таъминлашнинг таҳлили ва қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришдаги талаб этиладиган сув истеъмолига оид башоратлар ва истиқболларини ёритган.

